

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 4 (1380) • 2021 йил 26 январь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҒДА

Касса чекидаги хатони тузатишга доир

2-бет

КИМЛАР ҚҚСНИ ЧОРАКЛИК АСОСДА ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШГА ҲАҚЛИ

Масалага Дилшод Султонов оидинлик киритади

3-бет

Заргарлик фаолияти: хунарманд билан шартнома тузса бўладими?

3-бет

Алкоголли маҳсулотни сотишдаги янги қоидалар

4-бет

Солиқ текширувлари қоидалари билан танишинг

5-14-бетлар

Сирдарё божхонаси: факт ва рақамлар

15-бет

Кинология: хизматга яроқсиз итлар қаерга боради?

16-бет

26 январь – Давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни

## ХИЗМАТ ЗАЛВОРИНИ ҲИС ЭТИБ...

Давлат божхона кўмитасининг Божхона институтини «Ватанга қасам»ни қабул қилиш тантанали тадбири бўлиб ўтди.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида бошланган тадбирда Давлат божхона кўмитаси раиси, божхона хизмати генерал-майори М.Азимов сўзга чиқиб, халқимизнинг асрий орузи бўлган мустақиллик туфайли меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз, айниқса ёшларимиз учун мисли кўрилмаган имкониятлар очилганини таъкидлади. «Ватанга қасам» қабул қилиш маросими 26 январь – Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни арафасида ўтказилганида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, соҳага кириб келаётган ёш авлод божхона хизматининг давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда ўрни бекиёс эканлигини англаб етиши даркор.



Давлат божхона кўмитаси раиси ўз сўзида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун тизимли ислохотлар амалга ошириляётгани хусусида гапирди. Шаффоф ва ҳолис тарзда ўтказилган тест синовлари натижасида «курсант» деган шарафли номга сазовор бўлган юртимиз сарҳадларининг бўлғуси посбонларини муборакбод этди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар сиёсатида илғор қадамлар ташланди. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилни мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилиши ҳам Янги Ўзбекистон ёшларига нисбатан кўрсатиляётган ғамхўрлик сиёсатининг мантикий давоми бўлди.

Қасам қабул қилиш маросимида ҳар бир курсантнинг кўзидаги ҳаяжон

унинг қай даражада масъулиятли ва шарафли хизмат – давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш залворини ҳис қилаётганидан далолат берар эди. Курсантлар Ватанимиз ва халқимизга содиқ бўлишга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини муқаддас билган ҳолда унга риоя этишга, божхона органлари низоми, бошлик ва командирларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ўрнатилган тартиб ва интизомга қатъий риоя қилишга тантанали равишда қасам қабул қилдилар.

Тадбирда 1-курс курсантларидан вакиллар сўзга чиқиб, давлатимизнинг юксак эътибори ҳамда ғамхўрлигини доимо ёдда тутган ҳолда халқ манфаатларига хизмат қилишдек олий мақсад билан билим олиш, келажакда етук мутахассис бўлишга ваъда бердилар.

Давлат божхона кўмитаси  
Ахборот хизмати.

## ✓ МОЛИЯ

### МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СТАВКАСИ ЎЗГАРМАДИ

Марказий банк Бошқаруви 2021 йил 21 январда асосий ставкани йиллик 14% даражасида ўзгартирсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарор инфляция динамикасини янада пасайтириш, иқтисодиётда реал фойз ставкаларини ижобий даражада сақлаб қолиш, шунингдек иқтисодий фаолликнинг тикланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиб бориш мақсадида қабул қилинди.

2021 йилда Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда инфляциянинг йил охирига 10%дан паст бўлган оралик мақсадли кўрсаткичига эришиш учун барча зарурий чораларни кўриб боради.

#### 2021 йил учун прогнозлар

2021 ва ундан кейинги йилларда иқтисодиётнинг реал секториди рақобатни ривожлантиришга, инвестицион муҳит ва инфратузилмани яхшилашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотлар иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилда иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажми номинал ЯИМ ўсишига мутаносиб бўлади ва 16-20% атрофида бўлиши кутилмоқда.

Тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолиши ва инфляция омилларининг мувозанатлаштириши ҳисобига 2021 йил якуни бўйича инфляция даражасининг 9-10% га қадар янада пасайиши кутилмоқда.

Бироқ асосий ставкани пасайтириш бўйича илгари қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ трансмиссияси, шунингдек пул-кредит шароитларининг нисбатан юмшатилишига иқтисодиётнинг мослашуви маълум вақтни талаб қилади.

Марказий банк баҳолашларига кўра, пул-кредит сиёсатининг жорий «нисбатан қатъий» шароитлари 2021 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг базавий прогнозларини қўллаб-қувватлаш ва пул бозорида ижобий реал фойз ставкаларини (3-4% даражасида) таъминлаш учун етарли ҳисобланади.

#### Эҳтимолий хатарлар

Яқин ойларида иқтисодиётда инфляцияни оширувчи хатарларнинг кучайиш эҳтимоли пастлигича қолмоқда. Шу билан бирга, инфляциянинг бир марталик омилларининг вужудга келиш эҳтимоли ва инфляцияни қутулмаларнинг юқори даражада сақлаиб қолиши билан боғлиқ хатарлар мавжуд.

Яқин истиқболда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши хатарлардан бири сифатида қолмоқда. Протекционистик сиёсат, экспортёрлар томонидан асосий озиқ-овқат товарлари экспорти бўйича чеклов чораларининг (квота ва тарифлар) киритилиши асосий озиқ-овқат товарлари импортининг қимматлаштиришга олиб келиши мумкин.

Ички бозорни зарурий товарлар ҳажми билан таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шу жумладан базавий озиқ-овқат товарлари импорти географиясини диверсификация қилиш ва концентратциялашувини қисқартириш муҳим аҳамиятга эга.

Манба: cbi.uz

## КАССА ЧЕКИДАГИ ХАТО ҚАНДАЙ ТУЗАТИЛАДИ

Хисобда тафовут бўлмаслиги учун касса чеки харид тўғрисидаги ахборотни ҳаққоний акс эттириши керак. Бироқ сотувчи хатога йўл қўйиши мумкин – нолга ортиқча босиши, бошқа товарни кўрсатиши, тўлов усулини (нақд пулда ёки терминал орқали) нотўғри кўрсатиши мумкин. Хатога йўл қўйиш қанчалик осон бўлса, уни тузатиш шунчалик қийин бўлади. Амалдаги қонунчиликка қўшимча киритган ҳолда муаммони ҳал қилиш мумкин.

НКМ чеки ҳисобварақ-фактурага тенглаштирилади (СК 47-м.).

ВМнинг «Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (23.11.2019 йилдаги 943-сон) ҳам, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам касса чекидаги хатоларни тузатиш тартиб-таомили назарда тутилмаган. Шу боис онлайн-НКМ тизими ҳам сотувчига бундай имкониятни бермайди.

Бунда, фискал хотирли НКМ билан ҳам осон бўлмаган: ВМнинг «Фискал хотирли назорат-касса машиналари қўлланилишини янада таъминлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида (17.11.2011 йилдаги 306-сон) чекидаги хатоларни тузатиш тартиб-таомили ёзилмаган. Гарчи жаҳон амалиётида касса чекини сторнолаш тушунчаси мавжуд бўлса ҳам. Назорат-касса машиналари махсус функционалга эга, қонунчиликда эса чекини тузатиш зарур бўлган тақдирда сотувчи нима қилиши кераклиги юзасидан аниқ қоидалар ёзилган. Харажатлар алгоритми бу масалада суниестемолликлардан ҳимоя қилиш бўйича чораларни назарда тутди.

### Агар аниқ қоидалар мавжуд бўлмаса, қандай тузатиш лозим

Сотувчилар бугунги кунда вазиятдан «киложини топиб чиқиш кетишга» мажбур бўлишмоқда, сабаби чекидаги арзиманган хато туфайли ҳисобда муаммо юзага келади ва санкциялар бўлиши мумкин. Масалан – воқеликни онлайн-НКМда қайд қилинган ахборотга «мослаштиришади».

Бундай ёндашув қонунчиликни бузиш билан боғлиқ, чунки сотувчи ёки кимгадир чек бермаслиги керак ёхуд уни ҳаққоний кўрсатишдан ахборот билан бериши керак.

Иккинчи усул – Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналари ва виртуал касса онлайн тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (943-сон ВМКга 1-илова) 6-бобда назарда тутилган қондан қўллаш – товарни қайтаришни расмийлаштириш. Қайси-

дир даражада бу вазиятдан чиқиш имконини беради, бироқ уни глобал тарзда ҳал қилмайди. Ахир ҳақиқатда ҳеч ким ҳеч нарса ни ҳеч кимга қайтармайди.

Бунинг устига бу вариантда сотувчи катта мураккабликларга дуч келади. У товарни қайтаришни расмийлаштириш учун қонунчиликда назарда тутилган бутун бошланғич ҳужжатлар тўпламини расмийлаштириши зарур:

- 1) икки нусхада юкхати. Битта нусхаси товар ҳисоботига тикиб қўйилади, иккинчиси – сотиб олувчига берилади;
- 2) қайтариладиган суммага – пул маблағларини қайтариш ҳақида далолатнома (жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади). Касса чекларини қоғоз варағига ёпиштириш ва далолатнома билан бирга бухгалтерияга топшириш зарур;
- 3) сотиб олувчининг Ф.И.О.ни кўрсатган ҳолда пуллари қайтариш учун ёзма аризаси;
- 4) чиким касса ордери – сотиб олувчининг Ф.И.О.си мажбурий кўрсатилган ҳолда;
- 5) қайтариш факти бўйича НКМ чеки.

### Нима қилиш лозим?

Шубҳасиз, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга имкон қадар тезроқ қўшимчалар киритиш ва онлайн-НКМ ва виртуал кассалар тизимини қўшимча сошлаш зарур. Сотувчи касса чекини расмийлаштиришда ўзи йўл қўйган хатоларни тузатиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак:

- бу онлайн-кассалар тизимида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги ахборотни ҳаққоний акс эттиришга қўмақ беради;
  - сотувчилар ҳисобда тафовут бўлишини олдини олиш учун қонунчиликни бузишлари зарур бўлмайди;
  - ҳар қандай хатони тўғри тузатиш имконияти пайдо бўлади.
- Буларнинг барчаси – муҳим, сабаби чекни бермаслик муаммо туғдиради, сотиб олувчи эса доим унда харид тўғрисида ҳаққоний ахборот акс эттирилишдан манфаатдордир.

Олег ГАЕВОЙ.

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона қудуқлар учун насослар ишлаб чиқаради. Уларни реализация қилаётганда харидорларга юклаб экънатишдан қундан бошлаб 12 ойлик кафолат берамиз. 2019 йил декабрь ойида насос реализация қилганимиз, 2020 йил июнь ойида харидор насосдази электр двигател бузилгани тўғрисида далолатнома тақдим этди ва уни кафолат асосида алмаштириб беришимизни сўради. Биз харидорга, ҳаққини олмасдан, кафолат асосида янги электр двигателни бердик. Насосдази электр двигателни кафолат асосида бепул алмаштириш қандай солиқ оқибатларига олиб келади?

## КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТОВАРНИ АЛМАШТИРИШ

– Кафолат мажбуриятларини бажариб, электр двигателни бепул берасиз. Харидорлар махсулотларингизни сотиб олиб, кафолат муддати давомида бузилиб қолса уни бепул алмаштириб беришингизга ишондилар. Бу сотиш ҳажмини оширади.

Товарни бепул бериш товарларни реализация қилиш бўйича айланма бўлиб, унга ҚҚС солинади. Бундай бериш иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар бундан мустасно (СК 238-м. 1-қ. 1-б., 239-м. 1-қ. 2-б.).

Товарларни бепул бериш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалга оширилган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса (СК 239-м. 3-қ.).

Электр двигатель харидорга кафолат асосида бепул берилганда биринчи ва иккинчи шартлар бажарилди. Бинобарин, **бериш ҚҚСсиз амалга оширилади.**

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ базасидан асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар чегириб ташланади. Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чикимлар тушунилади (СК 305-м.).

Ҳар қандай чикимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чикимлар деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса (СК 305-м. 4-қ.).

Бу ерда ҳам биринчи ва иккинчи шартлар бажарилмоқда. **Фойда солиғи бўйича солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида кафолат бўйича бепул берилган электр двигателнинг таннари чегирилади.**

Бундан ташқари, СКнинг 316-моддасига мувофиқ, корхона кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш юзасидан келгуси харажатлар учун захира ташкил этишга ҳақли. Агар корхона захира ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилса, кафолатли таъмирлашга доир ҳақиқий харажатларни ҳисобдан чиқариш ташкил этилган захира ҳисобидан амалга оширилади. Агар ташкил этилган захиранинг суммаси солиқ тўловчи томонидан амалга оширилган таъмирлаш харажатларининг суммасидан кам бўлиб қолса, улар ўртасидаги фарқ чегирилган жумласига киритилиши лозим (СК 316-м. 7-қ.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### УШБУ СОНДА:

• **26 ЯНВАРЬ** – ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
– Хизмат залворини хис этиб...  
– Касбга садоқат ила...

1, 15-бетлар

• **МОЛИЯ**  
– Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси ўзгармади

1-бет

### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Касса чекидаги хато қандай тузатилади  
– Кафолат бўйича товарни алмаштириш  
– Кимлар ҚҚСни чораклик асосда ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга ҳақли  
– Заргарлик буюмларини тайёрлаш ва реализация қилишнинг солиқ оқибатлари

2-3-бетлар

### • МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ

– Умумий овқатланиш корхонаси алкоғолни реализация қилди...  
– ДСҚ алкоғол ва умумий овқатланишга доир масалани тушунтирди

4-бет

• **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори  
– «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфини мавжуд солиқ

тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»

5-14-бетлар

• **БОЖХОНА**  
– На ҳужжат бор, на кафолат...  
– ДБК кинология хизмати таъминлаштирилади  
– Ишлаб чиқариш сурьатлари жадал ривожланмоқда  
– Почта орқали хавфли «мужда»

15-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўйатириш, тарқатишга факат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Маданий фаолият  
ягона қонун билан  
тартибга солинади

«Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди  
(20.01.2021 йилдаги УРҚ-668-сон).

Аввал маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар «Маданий қимматликларни олиб кириш ва олиб чиқиш тўғрисида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Маданий мерос объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар, Президентнинг фармонлари ва қарорлари ҳамда қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Маданий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган ягона ҳуқуқий база мавжуд бўлмаган. Қабул қилинган қонун ушбу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирishга хизмат қилади.

Қонуннинг мақсади маданий фаолият, шунингдек маданият ташкилотлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда куйидагилар белгиланди:

- асосий тушунчалар – ижодкор, ижодий жамоа, ижодий фаолият, маданий тадбирлар, маданий тадбир ташкилотчиси, маданият ходими ва бошқалар;
- маданий фаолият соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари, давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар;
- фуқароларнинг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- маданий фаолият соҳасида амалга ошириладиган айрим фаолият турлари, маданий-оммавий тадбирлар жумласига концерт-томоша фаолияти, ижодий жамоаларнинг ва ижрочиларнинг гастроль



фаолияти, ижодий буюртма, халқ ижодиёти, халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати, Ўзбекистон халқ ўйинлари киритилади;

маданият ташкилотлари ва уларнинг асосий тоифалари, улар жумласига маданий-томоша ташкилотлари, маданий-маърифий ташкилотлар, бошқа маданият ташкилотлари киритилади;

маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари;

давлат маданият муассасалари ва ташкилотларини аттестациядан ўтказиш тартиби;

маданият ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек уларни ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлаштириш;

маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари.

Қонун билан маданий фаолиятдаги бошқа жиҳатлар ҳам тартибга солинди.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 21.01.2021 йилдан кучга кирди.**

Эльмира Сиразиева.

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси  
жорий этилади

Президентнинг 14.01.2021 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4951-сон қарори қабул қилинди.

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси (*кейинги ўринларда – Индекс*) куйидаги йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичлар ва ўтказиладиган ижтимоий сўровлар натижалари асосида аниқланади:

- қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;
- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши;
- одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши;
- ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги;
- маҳаллий ижро органлари фаолиятининг самарали назорат қилиниши;

коррупцияга қарши курашининг самарадорлиги;

ҳокимият институтларининг шаффофлиги.  
Қарор билан Индексни акс эттирувчи 32 та индикатор тасдиқланди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туманлар (шаҳарлар) бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Индекс 182 та мезон бўйича тузилади, улардан 111 таси – статистик маълумотларга ҳамда 71 таси – ижтимоий сўровлар натижаларига асосланади.

2-бетда

3-бетда

## ТАРМОҚЛИ МАРКЕТИНГ

Тармоқли маркетинг  
ривожига нималар  
халақит берапти

Бир неча йил олдин сариқ матбуот «Ўзбекистонда тармоқли маркетингни тақиқлашди!» дея айюҳаннос солган эди. Ҳозирда бу шов-шувларни ижтимоий тармоқлар тарқатмоқда. Аслида вазият қандай эканлиги хусусида Viva Group USA Inc (АҚШ) муассиси, «Terra Culina» МЧЖ (Ўзбекистон), [dorixononline](http://dorixononline.com) онлайн дорихоналар тармоғининг муассиси Ҳумоюн Аҳмадзонов шарҳлайди.

Ўзбекистонда тармоқли маркетинг  
қандай тартибга солинади

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қридаларига (13.02.2003 йилдаги 75-сон ВМҚза 1-шова, кейинги ўринларда – Қоидалар) мувофиқ:

тармоқли маркетинг (ТМ) – тармоқли ташкилот томонидан товарларни мустақил тарқатадиган сотувчи агентлар ташкил этилишига асосланган товарларни чакана сотиш тури;

тармоқли ташкилот – мустақил равишда ёхуд тармоқли маркетинг йўли билан сотувчи агентлар орқали савдонини амалга оширувчи юридик шахс;

сотувчи агент – турғун савдо шохобчалари орқали товарларни бевосита сотувчи, шунингдек уйга буюртма олиш воситасида, муассасалар, ташкилотлар, корхоналарда, транспорт ёки кўчада потенциал хариддорлар билан ишлайдиган, даромади фақат сотув ҳажмига боғлиқ бўлган жисмоний шахс – юридик шахс ташкил этмаган яқка тартибдаги тадбиркор (Қоидаларнинг 3-б.).

Тармоқли ташкилот агентларга товарларни шартнома (олди-соти, воситачилик, топшириқ ва бошқалар) асосида нақд бўлмаган ҳисоб-китоб бўйича сотади (Қоидаларнинг 187-1-б.).

Товарлар турғун савдо шохобчаларидан ташқарида (уйга буюртмалар қабул қилиш, муассасалар, ташкилотлар, корхоналарда, транспорт ёки кўчада) сотилганда агентлар маҳсулотни харид қилишга қизиқмайдиган истеъмолчиларга уларни зўрлаб тиқиштирмасликлари, шунингдек уларнинг биринчи талаби билан товарларни таклиф қилишни тўхтатишлари керак (Қоидаларнинг 187-2-б.).

Агентлар томонидан буюртмалар бевосита мулоқот қилиш асосида хариддорларнинг товарнинг у ёки бу турини харид қилиши учун қабул қилинади, буюртма 2 нусхадаги бланкаларда расмийлаштирилади, бланкада:

- буюртманинг тартиб рақами;
- сотувчи агентнинг Ф.И.О.;
- сотувчи агент ва тармоқли ташкилот ўртасида тузилган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;
- сотиладиган товарнинг номи, нархи, миқдори ва умумий қиймати, шунингдек қўшимча хизматлар кўрсатилса, кўрсатиладиган қўшимча хизматлар қиймати;
- сотиб олинadиган товарга ҳақ тўлаш усули;
- буюртма қабул қилинган ва у жарилadиган сана;
- хариддорнинг фамилияси (исми,

## Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси жорий этилади

**1-бётда** Сўровлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан, шунингдек аутсорсинг асосида жалб қилинган ташкилотлар томонидан ўтказилади. Сўровлар респондент-аҳоли ва респондент-эксперт ўртасида ўтказилади.

**Респондент-аҳоли** — ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини аниқлашда ўтказилган сўровда иштирок этиш учун аҳоли орасидан танлаб олинган жисмоний шахс;

**Респондент-эксперт** — ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини аниқлашда ўтказилган сўровда иштирок этиш учун тегишли соҳада фаолият юритаётган малакали мутахассислар орасидан танлаб олинган жисмоний шахс.

Индексни аниқлаш «Нуқуқ ustuvorligi» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим) орқали куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Тизимга тегишли статистик маълумотлар ҳар йили 1 февралга қадар киритиб борилади;


б) Адлия вазирлиги томонидан:

➢ «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда тегишли мезонлар бўйича ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тизим орқали аҳоли ва соҳа мутахассислари ўртасида ҳуқуқ устуворлиги таъминланганлик ҳолатига оид ижтимоий сўровлар ҳар йили 1 мартга қадар ўтказилади;

➢ Тизимга киритилган маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ўтган ҳисобот йили учун Индекс ҳар йили 1 майга қадар тузилади;

➢ Индекс натижалари бўйича ахборот Президент Администрацияси, Олий Мажлис палаталари, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига ҳар йили 15 майга қадар киритиб борилади ҳамда ОАВ орқали эълон қилиниши таъминланади;

в) Индекс натижалари бўйича ахборот Жўқорғи



Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳар йили 15 июнга қадар муҳокама қилиб борилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.01.2021 йилдан кучга кирди.**

Эльмира Сиразиева.

## Банклар билан муносабатларда нималар ўзгаради

Марказий банк бошқаруви қарори билан (АВ рақами 3030-6, 14.01.2021 й.) Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

**Биринчидан**, банк хизматлари истеъмолчиларининг банклар билан ўзаро муносабатларга, шу жумладан интернет-банкнинг тизими ва мобиль иловаси орқали ўзаро муносабатларга ҳуқуқлари мустақамланган. Банк хизматлари оммавий оферта тарзидаги шартнома асосида ҳам кўрсатилиши мумкин (Низом 1-б. 3-хатбошиси; 3, 18-б.).

**Иккинчидан**, банк хизматини кўрсатиш шартномаси ўзбек тилида тузилади, истеъмолчи ва банкнинг ўзаро келишувига мувофиқ шартнома бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин (илгари — ўзбек ёки рус тилида). Банк хизматлари тўғрисидаги ахборот ҳам ахборотни бошқа тилларда тақдим этиш имконияти билан ўзбек тилида тақдим этилади (Низом 7-б.).

**Учинчидан**, қўшимча киритилди, унга мувофиқ шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тузилганда, истеъмолчи шартнома тузилган кунда, мазкур тизимлар орқали шартномадан фойдаланиш ва ундан нусха олиш ҳуқуқига эга (Низом 12<sup>1</sup>-б.).

Истеъмолчига ўзининг шахсий кабинетидан (веб-сайтида, интернет-банкнинг тизимида/мобиль иловасида) нафақат кредит шартномаси тўғрисидаги, балки банк омонат шартномаси тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имконияти тақдим этилади (Низом 18-б.).

**Тўртинчидан**, банк хизматини кўрсатиш ҳақидаги шартнома, истеъмолчи томонидан берилган ариза ва истеъмолчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш муддати 10 иш кунидан 5 иш кунига қадар қисқартирилди (Низом 12-б.). Судгача ҳал қилиш бўйича талабномага истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган минимал муддат тўғрисидаги банд киритилди — 10 кун (Низом 44-б.). Банк талабномасида белгиланган талаблар лозим даражада бажарилмаганда банк тегишли талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлган 30 кунлик муддат чиқариб ташланди. Энди истеъмолчи низоми судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда талабларни лозим даражада бажармаганда, банк судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли (Низом 46-б.).

**Бешинчидан**, банк томонидан истеъмолчига тақдим этиладиган ахборотнинг минимал ҳажми қайта кўриб чиқилди. Банк куйидагиларни жойлаштириши керак:

➢ ўзининг расмий веб-сайтида: банк хизмати бўйича намунавий шартномаларни;

➢ банкнинг ахборот стендларида ва расмий веб-сайтида: чет эл валюталарини сотиш/сотиб олиш курслари, алмаштириш курслари, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдорларини (агарда мавжуд бўлса). Энди банкларга куйидагилар ҳам тақикланди:

➢ микроқарз шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоб-

лаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

➢ кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка (жарима, пеня) ундириш.

Банк хизматлари истеъмолчисига мавжуд қарзлар ҳақида озгаки эслатмалар қилишга йўл қўйилмайдиган вақт орқалиги белгиланди — маҳаллий вақт билан соат 20.00 дан 8.00 гача.

Шунингдек, куйидаги бандлар киритилди:

➢ гаров шартномасида банкнинг гаров таъминотида кўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарз олувчининг кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммага гаров таъминоти суммасини камайтириш ҳуқуқини мажбурий киритиш ҳақида (Низом 37<sup>1</sup>-б.);

➢ банк бўлимида терминал орқали тўловларни амалга ошириш ёки банк картасидаги пул маблағини нақдлаштиришда банк карта эгаси (ёки ваколат берилган шахс)нинг ушбу картанинг «PIN-код»ини мустақил териш ҳуқуқи ҳақида (Низом 38<sup>1</sup>-б.);

➢ банкнинг омонатчига унинг пул маблағлари омонатга қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатни ёзма шаклда ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон тарзда тасдиқлаб бериш мажбурияти ҳақида (Низом 24<sup>1</sup>-б.);

➢ банкнинг ўз ходимининг хизмат вазифасини бажариши давомида йўл қўйган ноҳўя хатти-ҳаракатлари натижасида омонатчига етказилган зарарлар бўйича жавобгарлиги ҳақида (Низом 60-б.).

Бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.04.2021 йилдан кучга киради.**

Наргиза Воҳидова.




УШБУ СОНДА	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</b></li> <li>— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз <b>1-2, 4-бётлар</b></li> <li>• <b>ТАРМОҚЛИ МАРКЕТИНГ</b></li> <li>— Тармоқли маркетинг ривожига нималар халақит берапти <b>1, 3-бётлар</b></li> <li>• <b>ХўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОЙДАЛАРИ</b></li> <li>— Гўзаллик саломи учун ҳужжатлар</li> <li>— Тадбиркорлик давлат томонидан қай йўсинда назорат қилинади</li> <li>— 2021 йилги Давлат дастурига тадбиркорлар учун 8 та муҳим банд киритилмоқда</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Ишончноманинг ўзи етарли</li> <li>— Аралаш шартнома: тузиш шартлари <b>5-6-бётлар</b></li> <li>• <b>МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ</b></li> <li>— Асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинишининг</li> <li>— Мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари ҳисобига таъсири</li> <li>— Фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларига таъсири <b>7-бёт</b></li> <li>• <b>КАДРЛАР БЎЛИМИ</b></li> <li>— Тўлашга кечиккан бўлсангиз</li> <li>— Сақлашни ҳеч ким бекор қилмаган</li> <li>— Жамоа шартномаси-2021</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан буйруқ чиқариш мумкинми</li> <li>— Қачон ходим вақтинча бошқа ишга ўтказишни талаб қилишга ҳақли <b>8-10-бётлар</b></li> <li>• <b>БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ</b></li> <li>— Мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби қандай тўлдирилади <b>11-12-бётлар</b></li> <li>• <b>НОРМАТИВ ЛОЙИҲА</b></li> <li>— МХХСга ўтадиган компаниялар қандай қўллаб-қувватланади <b>13-бёт</b></li> <li>• <b>САВОЛ БОР</b></li> <li>— Мол-мулк солиғи ва Интернет <b>13-бёт</b></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ</b></li> <li>— Чиқишга тақиқ қандай олиб ташланади</li> <li>— Чет эл фуқароси учун ID-карта</li> <li>— Ўзбекистонда туғилганлик ҳуқуқи бўйича <b>14-15-бётлар</b></li> <li>• <b>ҲАМКОРЛИК</b></li> <li>— «Паспорт-виза хизмати» вакиллари билан учрашув <b>15-бёт</b></li> <li>• <b>ТУРИЗМ</b></li> <li>— Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан субсидия қандай олинади <b>16-бёт</b></li> </ul>
------------	---	--	---	--

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хошига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

# Тармоқли маркетинг ривожига нималар халақит берапти



отасининг исми) ва имзоси кўрсатилди (Қоидаларнинг 187-3-б.).

Агентларга хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари орқали олинган биоактив қўшимчалар, дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш тақиқланади (Қоидаларнинг 187-5-б.). Шу ўринда мазкур банднинг ўзбек ва рус тилидаги матнлари бир бирдан анчайин фарқ қилади. Асос сифатида давлат тилидаги матн олинди.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланмаган жисмоний шахслар ҳамда хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари орқали тармоқли маркетинг воситасида импорт товарларни олиб келиш ва сотишга йўл қўйилмайди.

Тармоқли ташкилотлар ва (ёки) уларнинг сотувчи агентлари томонидан товарларни сотишдан олинган барча нақд пул тушумлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкка инкассация қилиниши (топширилиши) керак (Қоидаларнинг 187-6-б.).

Тармоқли ташкилот ўз фаолиятида:

- товарлар сотувчи агентларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат нақд бўлмаган ҳисоб-китоб бўйича сотилишига;
- агентлар билан тузилган шартномалар асосида уларни жалб этишга;
- солиқ ва молия ҳисоботи тақдим этишга;
- агентларга улар томонидан сотилиши ҳуқуқидан далолат берувчи гувоҳнома, сотиладиган товарларнинг зарур сертификатлари ва юхатлари нусхаларини беришга;

➢ сотилмаган товарларни олдин улар учун қабул қилинган пул маблағларини қайтарган ҳолда агентлардан қайтариб олишга мажбурдир.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ҳамда касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини агентлар сифатида жалб этиш тақиқланади (Қоидаларнинг 187-7-б.).

ТМни амалга оширишда:

➢ шартнома тузиш учун агент сотиб олиши керак бўлган товарларнинг минимал миқдорини белгилашга;

- тўловни аъзолик бадали шаклида ундиришга;
- сотувчи агент томонидан бошқа агентларни жалб этиш тўғрисида талаб белгиланишига йўл қўйилмайди (Қоидаларнинг 187-8-б.).

Сотувчи агентга Солиқ кодексига яқка тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ солинади (Қоидаларнинг 187-9-б.).

Қонун ҳужжатларида ТМни тартибга соладиган бошқа нормалар белгиланган эмас.

## Сотувчи агентнинг даромади нимадан иборат

Қоида тариқасида, яқка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сотувчи агент ҳисобланади. Қоидаларга мувофиқ унинг вазифасига тармоқли ташкилотдан харид қилинган товарларни тарқатиш киради. Сотувчи агентнинг даромади фақатгина сотув ҳажмларига боғлиқ бўлади. Агентнинг сотув ҳажмлари деганда нима тушунилиши қонун ҳужжатларида ойдинлаштирилмаган. Лекин ТМнинг тижорат амалиётини ҳамда товар истеъмолчиларга тармоқли ташкилот томонидан ўрнатилган нарх бўйича сотилишини ҳисобга олганда, қуйидаги хулосани чиқариш мумкин бўлади: агент ўз даромадини сотиладиган маҳсулотга қўйилган устамадан эмас, балки сотувчи ташкилотдан бонуслар ва мукофотлар тарзида олади.

Қонун ҳужжатларида сотувчи агентлар томонидан олинган бонусларнинг энг кам ва (ёки) энг кўп миқдорлари белгиланган эмас. Уларнинг миқдори, тўланиш мuddатлари шартномада белгиланади. Бунда бонуснинг миқдори фақатгина сотувчи агентнинг сотувлари ҳажмига боғлиқ бўлиши лозим. Қоидаларнинг 187-9-бандига кўра, агентга Солиқ кодексига ЯТТ учун белгиланган тартибда, аниқроғи, чакана савдо учун белгиланган тартибда солиқ солинади.

Хариддорларни жалб этганлик учун бонусларни тўлаш Қоидаларга зид амалиётдир. Агар сотувчи ташкилот бонусларни сотув ҳажмлари ҳисобидан тўлайдиган бўлса, бу назорат қилувчи органлар томонидан жисмоний шахснинг ФХТ шартнома бўйича



олинган даромади сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай шартнома расман ёзма тарзда тузилмаган тақдирда ҳам сотув ҳажмлари ҳисобидан даромад олиш Қоидалар билан тартибга солилмаган бошқа турдаги битим сифатида малакаланади. Бу ҳолда сотиш ҳажмлари ҳисобидан бонуслар предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган ФХТ шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳисобланади (СК 371-м. 2-қ.).

Қоидаларда бонусларни тўлаш тартиби белгиланмаган. У шартнома билан белгиланади. Модомики сотувчи ташкилот билан агент ўртасида шартномавий муносабатлар амал қилар экан, бонусларнинг миқдори ҳам айнан шартномада кўрсатилган бўлиши керак. Бонусларни тўлашга доир ҳар қандай ўзгаришлар қўшимча келишувда ёзиб қўйилиши даркор.

Сотувчи агент маҳсулотни яқуний истеъмолчи – жисмоний шахсга реализация қилади. Агар жисмоний шахс мазкур харид қилинган маҳсулотни кейинчалик сотса, у ҳолда солиқ оқибатлари сотувчи агентда эмас, бевосита жисмоний шахсга юзага келади.

## ТМга солиқ солишдаги муаммолар

Солиққа оид қонун ҳужжатларида тармоқли маркетингда солиқ оқибатлари тўлиқ очиб берилмаган. Қоидаларда фақатгина битта схема келтирилади: «сотувчи ташкилот – сотувчи агент (яқка тартибдаги тадбиркор) – истеъмолчи». Аслини олганда, шериклар, истеъмолчилар мураккаб иерархияга эга бўлишда ва уларнинг ҳар бирининг ўз бонуслари бор. Кимдир маҳсулот сотилишидан улуш олади, кимдир товар харид қилинишидан чегирма олади.

Сотувчи ташкилот ва унинг агентига солиш солиш қийинчилик туғдирмаса-да, лекин бонуслар, мукофотлар ва ҳ.к. кўринишидаги даромадларга солиқ солиш муаммолари масала. Жисмоний шахслардан ҳеч бири (шериклар, мижозлар) солиқ органларига декларация топширишга бормайди. Қолаверса, сотувчи ташкилотларнинг ўзи солиқ оқибатларини камайтириш усулларини қидиришади. Бир вариант сифатида бонусларни тўлаганда ЖШДС ушлаб қолишади. Бонусларнинг кейинги занжирига эса солиқ солинмайди.

ТМ раҳбарлари билан суҳбатда айнан шерикларнинг (барча жисмоний шахслар шериклар ҳисобланади) даромадларига солиқ солиш кўпроқ саволларни келтириб чиқарди. Улар барча шериклар учун солиқларни тўлаб қўйишга тайёрлар, лекин 12 фоизлик ставка у қадар манфаатли эмас.

## Нималарни ўзгартириш таклиф этилмоқда...

➢ ТМни фуқаролик қонунчилиги қисмида мустақил бизнес тури сифатида белгилаш.

➢ Қоидаларга мувофиқ унинг асосий манфаатдор томонлари иштирокида ТМнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш.

➢ Барча турдаги товарларнинг (шу жумладан БФҚ) реализациясига рухсат бериш, бундан махсус лицензия талаб қиладиганлари мустасно.

➢ ТМда йирик пул маблағлари муомалада бўлишини ҳисобга олиб, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида сотувчи ташкилотларга нисбатан солиқ назоратининг «солиқ мониторинги» шаклини қўллаш (СКнинг 19-боби).

➢ Солиқ солиш соҳасида сотувчи ташкилотнинг бонуслар ва бошқа мукофотлар кўринишида тўлайдиган барча харажатларини чегириладиган харажатлар сифатида эътироф этиш.

➢ Ўтиш даврида жисмоний шахслар – шерикларни легаллаштириш мақсадида уларни ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатига киритиш.

## ...бу нима беради

➢ Бозорда ТМ кўринишида фаолият кўрсатишни режалаштирадиган фирма бу ҳақда солиқ органини хабардор қилади. Бунда солиқ органи СКнинг 19-бандига биноан солиқ тўловчининг ҳамқори сифатида нафақат сотувчи ташкилот фаолиятини назорат қилди, балки сотувчи ташкилотни, шу жумладан унинг бўлинмаларини (филиаллари, йирик шерикларини) кузатиб, уларга маслаҳат бериб боради. Ташкилот ТМ фаолиятини бошлагани ҳақида солиқ органини хабардор қилмаган тақдирда, барча солиқларни тўлаган ҳолда жами тушумга 20 фоиз миқдорда жарима солишини таклиф этамиз.

➢ Давлат органлари томонидан суиистеъмолликлар бўлмайди.

## Ер ости сувларидан фойдаланишга оид рухсат этувчи ҳужжатларни бериш тартиби ўзгартирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 8.01.2021 йилдаги 9-сон қарори билан қуйидагиларни бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг янги маъмурий регламентлари қабул қилинди:

- гидрогеологик хулоса;
- ер ости сувларига қудуқларни бургилаш учун рухсатнома;
- ер ости сувларидан махсус фойдаланиш ёки уларни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома.

### Гидрогеологик хулоса бериш

Регламент маълум бир ҳудуднинг ер ости сувлари ҳолати юзасидан гидрогеологик хулосалар бериш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш, берилган гидрогеологик хулосалар ҳисобини юритиш ҳамда тегишлича сувга қудуқ бургилаш жараёнига методик жиҳатдан кўрсатмалар бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Регламент алоҳида НХХ шаклида тайёрланди, аввал гидрогеологик хулосалар бериш тартиби ўз кучини йўқотган ВМнинг «Ер ости сувларига қудуқларни бургулаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қароридан (14.08.2019 йилдаги 672-сон) назарда тутилган эди.

Жисмоний ва юридик шахсларга гидрогеологик хулосалар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидagi гидрогеология қорхоналари томонидан Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали берилади. Хулоса 2 йилдан ошмайдиган давр учун берилади. Хулоса берганлик учун 10 БҲМ миқдорига йғим ундирилади. ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йғим тўланадиган сумманинг 90%ини ташкил этади.

ДХМ вакили тасдиқланган шаклдаги аризани 10 дақиқа мобайнида гидрогеология қорхонасига юборади, электрон шаклда тақдим этилган ариза автоматик тарзда юборилади.

Гидрогеология қорхонаси ариза келиб тушгандан сўнг 1 иш куни мобайнида кўрсатилган ҳудуддаги ер ости сувлари ҳолатини ва тегишлича қудуқ бургилашнинг мақсадга мувофиқлигини (ер ости сувлари захираларининг мавжудлиги, сув чиқариш имконияти, сифат кўрсаткичлари ва бошқаларни) кўриб чиқади ва гидрогеологик хулосани бериш учун аризани қабул қилиш ёки рад этиш бўйича давлат хизматлари марказига маълумот юборади. Аризани қабул қилиш рад этилганда йғим қайтарилади.

Хизматлар кўрсатишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- аризада кўрсатилган ҳудуднинг ёки тегишлича қудуқ географик жойининг тўлиқ бўлмаган, нотўғри ёки бузиб кўрсатилган ҳажмда тақдим этилганлиги;
- йғим тўланмаганлиги.

Хулоса электрон шаклда матн кўринишида жадваллар, хариталар ва чиизмалар каби қўшимча маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда тайёрланади. Умумий хизмат кўрсатиш муддати 8 иш кунидан ошмаслиги лозим.

ДХМ тайёрланган хулосани ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Шунингдек ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, хулоса электрон ёки қозғош шаклида тақдим этилиши мумкин. Ариза берувчи исталган босқичда хизматлардан фойдаланишдан бош тортиши мумкин, бунда йғим қайтарилмайди.

### Ер ости сувларига қудуқларни бургилаш учун рухсатнома бериш

Регламент ўз кучини йўқотган 14.08.2019 йилдаги 672-сон ВМҚнинг ўрнига қабул қилинган ва унда юридик шахсларга ер ости сувларига қудуқларни бургилаш учун рухсатнома бериш тартиби белги-ланган. Рухсатнома Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилади.

Нималар ўзгарди. Аниқлаштирилишича, ҳар бир бурги қудуғи учун алоҳида рухсатнома берилади. Рухсатноманинг амал қилиш муддати бургилаш ишларини бажариш даврига 2 йилдан ошмайдиган (илгари – 1 йилдан ошмаган) давр учун берилади. Регламентта рухсатнома олмасдан ер ости сувларига қудуқларни бургилаш қатъиян тақиқланиши тўғрисидаги қоида киритилди.

Аризанинг тасдиқланган шакли қуйидаги бандлар билан тўлдирилди:

- ер ости сувларига қудуқ бургилашни лойиҳаланаётган майдон манзили;
- ер ости сувларига қудуқ бургилашни лойиҳаланаётган майдон бўйича илгари олинган гидрогеологик хулосанинг серияси ва рақами;
- ер ости сувини олишдан мақсад;
- ер ости сувига бўлган талаб ҳажми.

«Юридик шахснинг фаолият турлари», «кадастр ишини рўйхатдан ўтказиш рақами ва сано» бандлари аризадан чиқариб ташланди.

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилди. Энди фақат қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ер ости сувларига қудуқларни бургилаш учун буюртмачи ва ариза берувчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- ариза берувчи тегишли бўлган бургилаш ускунасининг мавжудлиги тўғрисида маълумот, ускуна техник паспорти ёки уни ижарага олганлиги тўғрисида шартнома нусхаси.

Рухсатнома бериш учун йғим аввалгидек БҲМнинг 30% миқдорига тўланади. Юридик шахслар давлат хизматларини олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, ундирилмаган йғимнинг 90%и тўланади.

Ҳужжатлар қайта тақдим этилганда (рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда), камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги ариза олинган кундан бошлаб 3 иш куни давомида (илгари – 5 иш куни) кўриб чиқилади.

Қуйидагилар учун рухсатнома беришда рухсат бериш талаблари ва шартларига бир қанча ўзгартиришлар киритилди:

- қудуқни санитария-муҳофаза зонасини ўрнатиш учун жиҳозлаш (илгари – 1-бўғин зоналари);
- бургилаш ишлари якунлангандан кейин ДХМ ёки ЯИДХП орқали бурги қудуғини ҳисобга кўйиш учун техник паспортни тақдим этиш.

Ариза берувчи ер ости сувларига қудуқларни бургилаш ишлари якунлангандан сўнг 1 ой муддатда ДХМ ёки ЯИДХП орқали бурги қудуғини ҳисобга кўйиш учун техник паспортни тақдим этиш шарт. Аввал техник паспорт бевосита гидрогеология станциясига тақдим этилган. Гидрогеостанция 2 иш куни (илгари – 1 иш куни) давомида техник паспортни кўриб чиқади. Натияжлар бўйича қудуққа тартиб рақами берилади ва у ҳисобга олинади.

Шунингдек регламентда қудуқларни ҳисобга олиш ёки рухсатнома олмасдан бургиланган фойдаланишдаги қудуқларни тугатиш тартиби назарда тутилган. Энди фойдаланишга яроқсиз эгасиз қудуқлар Давлат геология қўмитаси бошчилигида экология органлари, сув, қишлоқ ҳўжалиги, маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли соҳа вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ қарори асосида янги сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчига топширилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 9.01.2021 йилдан кучга кирди.**

Наргиза Воҳидова.

Вазирлар Маҳкамаси ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни (ВМнинг 23.12.2020 йилдаги 806-сон қарорига 1-илова) тасдиқлади. Бу бухгалтерлар, солиқ маслаҳатчилари ва аудиторларга қанчалик фойдали бўлиши мумкинлиги ҳақида солиқ маслаҳатчиси Гулнора Эргашева гапириб берди:

## Қандай шартларда бухгалтер ўзини ўзи банд қилган бўлиши мумкин

– ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (иш, хизмат) турлари рўйхатидан (8.06.2020 йилдаги ПҚ-4742-сон қарор билан тасдиқланган) келиб чиқадики, бухгалтерия ҳисоби, солиқ маслаҳати ва аудит соҳасидаги мутахассислар ўзини ўзи банд қилиш шартларида фақат онлайн-маслаҳат (молия соҳасида онлайн-тренинг, маслаҳатлар, вебинарлар) билан шуғулланиши мумкин (Рўйхатнинг 67-б.).

Бунда ўзини ўзи банд қилган фуқарога солиқ маслаҳатчиси ва аудитори ваколатлари берилмаган ва қонун усбу касбларга қўядиган талабларни бажариши шарт эмас.

ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш:

- инсон қандайдир ҳолатлар кўра касбий фаолияти билан тўлақонли шуғуллана олмаган вазиятларда қулай. Бундан унинг билими ва кўникмаларига талаб мавжуд бўлиб, у маслаҳат берган ҳолда, миқдорнинг қандайдир масалаларини ҳал қилиши мумкин;
- меҳнат стажини узмасдан қонуний ишлаш имконини беради.

## Бу қандай ишлайди ва ЯТТдан нима билан фарқ қилади?

1. Хабар бериш тартибидан рўйхатдан ўтказиш. Хабарномани Soliқ мобил иловаси ёки [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) да солиқ тўловчининг шахсий кабинет орқали жўнатиш мумкин.

2. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш зарур эмас.

3. ўзини ўзи банд қилган шахслар фақат ижтимоий солиқни тўлайдилар (ЖШДС тўлашмайди) (СК 369-м. 1-қ. 9-б.). 2020 йилда тўлов ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар БҲМнинг камида 50%ини ташкил этган (ПҚ-4742-сон қарорнинг 3-б.). Мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тўлаш мумкин.

4. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, даромадлар тўғрисида декларация топшириш зарур эмас.

5. Агар ўзини ўзи банд қилиш тўхтатилса, бу ҳақда Soliқ мобил иловаси ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинет орқали ДСИга хабар бериш зарур.

### ўзини ўзи банд қилган шахслар:

Қандай ҳуқуқларга эга	Қандай ҳуқуқларга эга эмас
<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ ишларни/хизматларни бажаришга жалб қилиниш (юридик шахслар билан – ФҲХ шартнома бўйича, жисмоний шахслар билан – оғзаки шартнома асосида)</li> <li>➢ ҳисоб-китобларда тўлов терминллари, НКМ ва банк пластик карточкаларидан фойдаланиш, тижорат банкларида ҳисобварақлари очиш</li> <li>➢ кўрсатилган хизматлар учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар – норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни – ТСОЯЭАТга маълумотларни киритиш мажбуриятисиз қабул қилиш</li> <li>➢ контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш, электрон ёзишмалар алмашиш ёки ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ меҳнат шартномаси бўйича ишлаш</li> <li>➢ ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланиш</li> </ul>

Олег Гаевой тайёрлади.

**Жисмоний шахс ўзининг ноту-  
рар биносида гўзаллик салони  
очишни режалаштиряпти. 8 на-  
фардан 10 нафаргача ходимлар-  
ни ёллашни мўлжалляпти.  
Жисмоний шахс томонидан  
гўзаллик салонини очишда хо-  
димлар билан муносабатни қан-  
дай расмийлаштирган маъқул?  
Улар салонда ўзини ўзи банд  
қилган шахс сифатида ишла-  
ши мумкинми? Ходимларнинг  
ҳар бири билан ижара шарт-  
номасини расмийлаштириш  
зарурми?**

## Гўзаллик салони учун ҳужжатлар

– Жисмоний шахс гўзаллик салони-  
ни очиш учун яқка тартибдаги тадбир-  
кор ёки юридик шахс сифатида рўйхат-  
дан ўтиши мумкин (Низомнинг 2-боби,  
ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон  
қарорига 1-илова). Яқка тартибдаги  
тадбиркорлар юридик шахсни ташкил  
этмаган ҳолда шуғулланиши мумкин  
бўлган фаолият турлари рўйхатига  
(ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қар-  
орига 1-илова) сартарошлик хизмат-  
лари, маникюр, педикюр, косметолог  
хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш  
хизматлар киритилган.

ЯТТ бир неча фаолият турини  
амалга оширган тақдирда ҳам уч нафар  
ходимни ёллаши мумкин. Ёлланган хо-  
дим билан меҳнат шартномаси 3 нуса-  
хда (ДСИ, ходим ва ЯТТ учун) тузила-  
ди. Меҳнат шартномаси муддати ЯТТ  
рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги  
гувоҳноманинг амал қилиш муддати-  
дан ошмаслиги лозим. Ходимга меҳнат  
дафтарчаси берилмайди (Низомнинг  
4, 9, 10-б., ВМнинг 31.07.2015 йилдаги  
219-сон қарорига 1-илова).

Шу билан бирга, ЯТТ ўзини ўзи  
банд қилган шахс мақомига эга бўл-  
ганларни ёллаши мумкин эмас (Ни-  
зомнинг 2-б. 5-хатбоши, ВМнинг  
23.12.2020 йилдаги 806-сон қарорига  
1-илова).

Юридик шахс ўзини ўзи банд қил-  
ган шахсларни шартнома асосида,  
яъни фуқаролик-ҳуқуқий шартно-  
маси бўйича ишларни бажаришга ва  
хизмат кўрсатишга жалб этишга ҳақли-  
дир. Шартномада ишларни бажариш  
(хизматлар кўрсатиш) жойини гўзаллик  
салони деб белгилаш мумкин.

Шунингдек юридик шахс ўзини ўзи  
банд қилган шахслар билан гўзаллик  
салони биносининг бир қисmini ижа-  
рага бериш шартномасини (агар бино  
жисмоний шахс томонидан унинг ўзи  
ташкил қилган юридик шахсга берилган  
бўлса) ёки субижара шартномасини  
(агар бино жисмоний шахс томонидан  
унинг ўзи ташкил қилган юридик шахс-  
га ижара шартномаси бўйича берилган  
бўлса) тузишга ҳақлидир.



## Тадбиркорлик давлат томонидан қай йўсинда назорат қилинади

Бизнес-омбудсман томонидан  
ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик  
субъектлари фаолиятини давлат  
томонидан назорат қилиш  
тўғрисида»ги қонун лойиҳаси  
муҳокама учун ҚХТБТ порталида  
жойлаштирилган.

Қонун лойиҳасининг мақсади – тад-  
биркорлик субъектларини давлат то-  
монидан назорат қилиш фаолиятини  
амалга ошириш соҳасидаги муносабат-  
ларни тартибга солишдан иборат.

Қонун лойиҳасида:

1) тадбиркорлик субъектлари фао-  
лиятини давлат томонидан назорат қи-  
лиш ва текшириш, мониторинг қилиш,  
статистика ва бошқа ахборотни таҳлил  
қилиш механизми белгиланади;  
2) назорат қилувчи органлар томони-  
дан тасдиқланган чораклик манзилли  
дастурлар асосида ҳуқуқий тарғибот  
ўтказиш йўли билан профилактик  
тадбирларни амалга ошириш тартиби  
белгиланади;

3) давлат томонидан назорат қилиш-  
ни мувофиқлаштиришнинг замонавий  
механизми жорий этилади, у қуйидаги-  
ларга асосланади:

– барча текширувлар назорат қи-  
лувчи органлар томонидан Текширув-

ларни электрон рўйхатга олиш ягона  
тизимида мажбурий рўйхатдан ўткази-  
лиши лозим;

– рўйхатга олиш ваколатли орган  
билан текширувларни келишиш ва  
уни текширувлар ўтказиш тўғрисида  
хабардор этиш йўли билан амалга  
оширилади;

– қонун ҳужжатлари бузилиши  
ҳақидаги жисмоний ва юридик шахс-  
ларнинг муносабатлари, бошқа давлат  
органлари томонидан тақдим этилган  
маълумотлар, ОАВ ва бошқа ахборот  
манбааларидан олинган маълумотлар  
асосида текширувларни ташаббус қи-  
лиш келишилиши лозим;

– Президент томонидан белгилана-  
диган текширувлар хабардор этилиши  
лозим;

– Текширувларни ваколатли орган-  
ни хабардор этиш тартибида ўтказила-  
диган текширувлар рўйхати Президент-  
нинг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбир-  
корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва  
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш  
тизимини янада такомиллаштириш чо-  
ра-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-  
сон Фармони билан тасдиқланган.

Қонун лойиҳаси билан текширув-  
ларни ўтказиш муддатлари белгила-  
нади:

– молия-ҳўжалик фаолиятини текши-  
риш – 30 кундан ошмаган муддатда;

– келишилган ҳолда бошқа текши-  
рувларни ўтказиш – 10 кундан ошмаган  
муддатда;

– хабардор этиш тартибида ўткази-  
ладиган текширувлар – муддатлар Пре-  
зидент қарори билан белгиланади.

Қонун лойиҳасига иловада назорат  
қилувчи органлар ва уларнинг назорат  
функцияларининг тўлиқ рўйхати келти-  
рилади. Шундай тартиб ўрнатилмоқда-  
ки, унга мувофиқ:

– мазкур рўйхатда келтирилмаган  
орган ва ташкилотлар томонидан тад-  
биркорлик субъектлари фаолиятида  
назорат тадбирларини ўтказиш тақиқ-  
ланади;

– рўйхатда назарда тутилмаган  
орган ва ташкилотлар томонидан тад-  
биркорлик субъектлари фаолиятида  
текширувлар ўтказиши тадбиркор-  
лик фаолиятига ноқонуний аралашши  
ва тўсқинлик қилиш сифатида баҳола-  
нади.

**Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қў-  
шимча киритилиши ёки рад этили-  
ши мумкин.**

Лола Абдуазимова.

## 2021 йилги Давлат дастурига тадбиркорлар учун 8 та муҳим банд киритилмоқда

Президентнинг «2017–2021  
йилларда Ўзбекистон  
Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта  
устувор йўналиши бўйича  
Ҳаракатлар стратегиясини  
«Ешларни қўллаб-қувватлаш  
ва аҳоли саломатлигини  
мустаҳкамлаш йили»да амалга  
оширишга оид давлат дастури  
тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси  
муҳокама учун тақдим этилди.  
Ҳужжатда тадбиркорлик  
субъектларини қўллаб-қувватлаш  
бўйича бир қатор чора-тадбирлар  
назарда тутилган. Асосийларини  
санаб ўтамыз:

1. Қуйидагилар 2021 йил 31 декабр-  
га қадар узайтирилади (лойиҳанинг  
2-б.):

– солиқларни ва бошқа мажбурий  
тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган  
кичик тадбиркорлик субъектларида со-  
лиқ аудити ўтказилишига мораторий;

– туризм, транспорт ва умумий ов-  
қатланиш соҳаларида фаолият юрита-  
диган тадбиркорлик субъектларига бе-  
рилган ер ва мол-мулк солигини тўлаш  
бўйича имтиёзлар, аввал солиқларни  
тўлаш 2020 йил якунига қадар кечик-  
тирилган эди;

– Президентнинг 19.03.2020 йил-  
даги ПФ–5969сон Фармонида назарда  
тутилган мол-мулк солиғи ва ер солиғи  
бўйича пенялар ҳисобланишини тўхта-  
тиб туриш, шунингдек солиқ қарзини  
мажбурий ундириш чоралари кўри-  
лишига чеклов – 2020 йил 31 декабрь ҳо-  
латига мавжуд солиқ қарзга нисбатан;

– микрофирма, кичик корхона ва  
ЯТТларга маҳаллий давлат ҳокимия-  
ти органларига ариза бермасдан туриб  
солиқ органларини хабардор қилган

ҳолда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўй-  
ича берилган фойсиз кечиктириш (бўй-  
ича бўлиб тўлаш) тартиби (3.04.2020  
йилдаги ПФ-5978-сон Фармон).

2. Ишсизлар қуйидаги чора-тадбир-  
лар туфайли фермерларга ёки ўзини  
ўзи банд қилган шахсларга айланади-  
лар:

– 2021 йил 1 июлдан бошлаб деҳ-  
қончилик билан шуғулланиш учун янги  
ўзлаштирилган, лалми, фойдаланил-  
маётган ер майдонларида 10 сотихдан  
1 гектаргача ер ажратилади;

– ажратилган ер майдонлари суғо-  
риш тизими (артезиан қудуқлар, том-  
чилатиб суғориш тизими ва бошқалар)  
ҳамда электр энергияси билан таъмин-  
ланади;

– янги фермерларга берилган ер-  
ларни ўзлаштириш учун мақсадли суб-  
сидиялар ажратилади;

– тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд  
қилиш фаолиятини бошламоқчи бўл-  
ган ишсизларга фаолиятини бошлаш  
учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат  
курорларни харид қилиш учун 7 млн сўм-  
гача субсидиялар ажратилади.

3. 2021 йил 1 июлдан бошлаб ўзини  
ўзи банд қиладиган шахслар учун фао-  
лият турлари рўйхати кенгайтирилади:  
ўрта тиббиёт мутахассисларига «ҳам-  
ширалик иши» билан мустақил шуғул-  
ланиш ҳуқуқи берилади.

4. Хўжалик юритувчи субъектларни  
энергия ресурслари билан таъминлаш  
тартиби соддалаштирилади:

– 2021 йил 1 мартдан суюлтирилган  
газ импорти учун белгиланган божхона  
божи ва уни импорт қилиш учун талаб  
этиладиган рухсат этиш хусусиятига  
эга ҳужжатлар бекор қилинади;

– 2021 йил 1 мартга қадар ишлаб  
чиқарувчи ва импортёрлар учун электр  
энергияси ва табиий газ билан таъмин-

лаш соҳасига бозор механизмларини  
жорий этиш орқали улгуржи бозорни  
шакллантириш «йўл харитаси» ишлаб  
чиқилади;

– 2021 йил 1 августдан бошлаб йи-  
рик корхоналарга электр энергияси ва  
табиий газни импорт асосида сотиб  
олиш ҳуқуқи берилади.

5. Валютани сотиб олиш тартиби  
соддалаштирилади. Бунинг учун Мар-  
казий банк томонидан:

– банклараро валюта бозори он-  
лайн-платформага ўтказилади;

– тадбиркорларга валютани бево-  
сита банкнинг ўзидан сотиб олиш им-  
конияти яратилади;

– расмий валюта курси кунлик эъ-  
лон қилиб борилади.

6. Давлат солиқ қўмитаси томони-  
дан кичик тадбиркорлик субъектлари  
ва фермер хўжаликларини учун молия-  
вий ҳисоботни автоматик тарзда шакл-  
лантириб, солиқ органларига юбориш  
ва мониторинг олиб бориш имкони-  
ни берувчи электрон тизим 2021 йил  
1 июнга қадар жорий этилади. Мазкур  
электрон тизимдан фойдаланувчи хў-  
жалик субъектларида солиқ аудити  
ўтказилмайди.

7. 2021 йил 1 июлдан бошлаб бож-  
хона органлари масофавий электрон  
декларациялаш тизимига босқичма-  
босқич ўтади.

8. Тадбиркорлик субъектлари ва  
давлат органлари ўртасидаги бюрок-  
ратик тўсиқларни қисқартириш мақ-  
садида юридик шахсларни давлат  
рўйхатидан ўтказиш, электрон ҳужжат  
айланиши, хизматларни почта ало-  
қасидан фойдаланган ҳолда амалга  
ошириш механизмлари такомиллаш-  
тирилади.

Саида Жанизакова тайёрлади.

## Ишончноманинг ўзи етарли

*Корхона балансида автомобиль мавжуд. Ундан хизмат мақсадларида, шу жумладан ишдан ташқари вақтда фойдаланадиган ходимга ишончнома ёзиб берилган. Яъни у эрта тонгдан ва кечкурун автомобилдан фойдаланиши мумкин. Ходим ўз хоҳишига кўра автомобилдан фойдаланиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олишини билдирди.*

*Ишончнома мавжуд бўлганда ходимга йўл варақаси ёзиб берилиши лозимми?*

*Ходим хизмат автомобилдан ишдан ташқари вақтларда фойдаланган ҳолларда текширувчи органларда ходим хизмат автомобилдан шахсий мақсадларда фойдаланаяпти деган тахмин пайдо бўлиши ва бунинг учун корхонани жазога тортиши эҳтимоли борми?*

— Ҳозирги пайтда йўл варақасининг мавжуд бўлиши тўғрисидаги талаб қуйидагиларга татбиқ этилади:

➢ идоровий мансублигидан қатъи назар, автомобиль транспортида юк ташиш билан банд бўлган юридик шахсларга (АВ томонидан 2.07.2004 йилда 1382-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома);

➢ ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мансублигидан қатъи назар, автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро мунтазам йўловчилар ташувларини амалга оширувчи автомобиль ташувчиларига (АВ томонидан 9.10.2003 йилда 1282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Ходимларнинг хизмат сафарларида боришида фойдаланиладиган енгил автомобиллар учун йўл варақаларининг алоҳида шакллари назарда тутилмаган. Корхона автомобилдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни (ЕММ, ҳайдовчининг иш ҳақи ва бошқалар) назорат қилиш учун ўзи ишлаб чиққан йўл варақалари шаклидан фойдаланиши мумкин, унда бунинг учун барча зарур маълумотлар (сана, йўналиш, босиб ўтилган масофа, чиқиб кетиш (қайтиш) вақти, ёқилги сарфи ва бошқалар) кўрсатилади.

Бундан келиб чиқадики, **енгил автотранспортни бошқариш учун йўл варақаси ёзиб берилиши шарт эмас.**

Таъкидлаш жоизки, ҳайдовчиларнинг корхона, муассаса ва ташкилотларнинг транспорт воситаларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши БҲМнинг 2 бараваридан 5 бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТК 141-м.). Транспорт воситасидан ғаразли мақсадларда

фойдаланилиши фаол ҳаракатлар шаклида (масалан, ҳайдовчи томонидан ноқонуний рейсни амалга ошириш), шунингдек ҳаракатсизлик шаклида (ҳайдовчининг бундай хатти-ҳаракатларига мансабдор шахсининг тўқинлик қилмаслиги) ифодаланиши мумкин.

Ушбу асос бўйича қуйидаги санкциялар қўлланилади:

➢ қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасидан фойдаланганлик учун — Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш бўйича инспекция органлари (МЖТК 245-7-м.);


➢ ҳайдовчилар - ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун — Мудофаа вазирлиги органлари (МЖТК 256-м.);

➢ бошқа ҳолатларда — ички ишлар органлари томонидан (МЖТК 248-м.).

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун жарима ҳайдовчидан ҳамда транспорт воситасидан фойдаланилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсдан ҳам ундирилади.

Бунда ходимга бериладиган ишончномада «автотранспортни туну кун бошқариши» кўрсатилса, текширувчи органлар томонидан эътирозлар билдирилмаслиги керак.

Таъкидлаш жоизки, енгил автотранспорт учун қатнов лимити фақат бюджет ташкилотлари учун белгиланган (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 2-илова). Бундан келиб чиқиб, **нодавлат корхоналарига тегишли бўлган автотранспорт воситасидан фойдаланиш тартиби ва вақти корхона томонидан белгиланади.**



## Аралаш шартнома: тузиш шартлари

*Интернет-провайдер (МЧЖ) телекоммуникация хизматларини ускуна ёрдамида кўрсатади, провайдер ушбу ускунани мижозларда ўрнади. Бунда ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш ва ускунани сотиб олиш бўйича ягона шартнома тузилади. Бироқ ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (ФК 703-м.). Берилаётган ускуна эса истеъмол қилинмайдиган ашё ҳисобланади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар қайта-қайта фойдаланишига мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлардир (ФК 89-м.).*

*Хизматлар кўрсатиш ашёвий шаклда бўлмаганда, бир шартномалар ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш (абонент тўлови билан) элементларини ва ускунани сотишни кўрсатиш мумкинми? Ёки провайдер иккита алоҳида шартнома тузиши шартми?*

— **Битта умумий шартномага турли шартномаларнинг киритилиши қонунга зид бўлмайди.**

Усқунани сотиш фуқароликка оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади (ФК 29-боби). Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади (ФК 386-м.). Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича эса ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш мажбуриятини олади (ФК 703-м.).

Ҳақиқатан ҳам, булар турли шартномалар ҳисобланади, бири иккинчидан фарқли ўлароқ ашёвий шаклда (олди-сотди) бўлади, иккинчиси эса (ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш) ашёвий шаклда бўлмайди. Бироқ белгиланишича, фуқаролар ва юридик шахслар шартномалар тузишда эркин ҳисобланадилар. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномаларни ҳам тузишлари мумкин. **Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин.**

Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФК 354-м.).

Бундан келиб чиққан ҳолда қўриб чиқилаётган ҳолатда бир шартномада ушбу хизматларни қабул қилиш учун усқуналарни ўрнатиш ва уларни абонентнинг мол-мулкига ўтказиш орқали интернет-провайдер хизматларини кўрсатиш шартларини белгилаб олиш мумкин. Ушбу шартномада турли шартномаларнинг элементлари (текинга хизматлар кўрсатиш ва усқуналарни сотиш) мавжуд бўлади. Бу шартнома қонунчиликка зид бўлмайди, сабаби усқунани сотиш шартноманинг бошқа элементи (хизматлар кўрсатишга) таъсир кўрсатмайди ва ҳалал бермайди.

Бунда компания билан уяли алоқа хизматлари юзасидан тузилган шартномани мисол қилиб келтириш мумкин. Абонентни улашда уяли алоқа хизматлари кўрсатиш шартномаси тузилади ва сим-карта берилади. Мазкур ҳолатда бир шартномада хизматларни (алоқа хизматларини) ҳақ эвазига кўрсатиш шартномаси ва мол-мулкни — сим-картани текинга бериш аломатлари мавжуд бўлган шартнома мужассам топган (ФК 355-м.).





## Асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинишининг –

### Мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари ҳисобига таъсири

2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий воситаларни ҳар йилги мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинган (30.12.2020 йилдаги ПҚ-4938-сон қарорнинг 9-б.). Бу 2021 йилда юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловлари ҳисоб-китобида қандай акс этишини МВ Солиқ-божхона сиёсати ва даромадларни прогнозлаштириш департаменти ресурс солиқлари ва бошқа даромадлар методологияси бўлими бошлиғи Зарема Меналиева тушунтирди:

– 2021 йил 1 январдан бошлаб солиқ ҳисобида амортизацияга харажатлар асосий воситаларнинг қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан аниқланади (СК 306-м. 4-қ.). Ушбу норма фақат фойда солиғига тааллуқли.

Бунда мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби тартиби ўзгармайди. Улар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ базаси ўртача йиллик қолдиқ қийматидан келиб чиқиб аниқланадиган объектлар бўйича ҳисоб-китоб асосида, илгаригидек – кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати. Уни аниқлашда қайта баҳолаш натижалари ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш – бу АВ тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 24-б.). Шу боис, асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинганга қарамай, агар уларнинг ҳисоб сиёсатида бу назарда тутилган бўлса, корхоналар уни амалга оширишлари мумкин.

Бино ва иншоотлар, темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар бўйича со-

лиқ базаси ушбу объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидир.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охири кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини қўшишдан олинган сумманинг ун иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Бунда қолдиқ қиймат мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (СК 412-м. 1-қ. 1-б.; 413-м. 1-қ.).

Амортизация – фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини харажатларга ўтказиш. Уз навбатда, амортизацияланадиган қиймат тахмин қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммасига тенг (5-сон БҲМСнинг 3-б. «в» кичик б.; 29-46-б.).

Бинобарин, сиз 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий воситаларни қайта баҳолашни амалга оширган бўлсангиз, мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари ҳисоб-китобида уларнинг тикланган (қайта баҳоланган) ҳисобга олинг.



### Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларига таъсири

Корхонангиз фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари тўласа ва сиз бўнак маълумотномасини тақдим этишга қарор қилган бўлсангиз, мўлжалланаётган солиқ солинадиган фойдани аниқлашда асосий фондларни мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинганлигини инобатга олинг (30.12.2020 йилдаги ПҚ-4938-сон қарорнинг 9-б.).

Буни Молия вазирлиги Бевосита солиқлар бошқармаси бошлиғи Умид Ҳамроев тавсия этади:

– Фойда солиғи бўйича солиқ базасига таъсир кўрсатувчи харажатлар моддаларидан бири – амортизация. Бу йилдан бошлаб амортизация харажатлари 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича қийматдан аниқланди. Солиқ солиш мақсадларида АВни кейинчалик қайта баҳолашлар амортизация харажатларини эътироф этишда ҳисобга олинмайди (СК 306-м.).

Яъни, мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинганга қарамай, агар бу

уларнинг 2021 йил учун ҳисоб сиёсатида белгиланган танланган ҳисоб модели талаб қилса, корхоналар узоқ муддатли активларни қайта баҳолашга ҳақлидир.

Сиз қайта баҳолашни амалга оширсангиз, фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда амортизация 2021 йил давомида амалга оширилган қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан, яъни – 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича қийматдан аниқланади.

### МИСОЛ. Қайта баҳолашни амалга оширишда амортизация бўйича харажатларни аниқлаш

2021 йил 1 январь ҳолати бўйича корхонанинг асосий воситалари қиймати 500 млн сўмни ташкил этган. Январда корхона уларни ҳисоб сиёсатига мувофиқ қайта баҳолади. Натижада АВнинг қиймати 530 млн сўмни ташкил этди.

Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини аниқлашда корхона харажатларда йил боши ҳолати бўйича қийматдан – 500 млн сўмдан келиб чиқиб амортизацияни ҳисобга олиши керак.

Реклама

### МИСОЛ. 2021 йил учун мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари ҳисоб-китоби

Айланмадан солиқ тўловчи бўлмаган корхона балансида бошланғич (тикланиш) қиймати 1.01.2021 йил ҳолати бўйича қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда 716 200 000 сўм бўлган бинога эга. Тугатиш қиймати мавжуд эмас. Жамғарилган эскириш қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда – 21 486 000 сўм. Амортизация нормаси – йилига 3%.

Ой	Бошланғич (тикланиш) қиймати	Бир ойлик амортизация	Жамғарилган эскириш	Қолдиқ қиймат
Январь	716 200 000	1 790 500	23 276 500	692 923 500
Февраль	716 200 000	1 790 500	25 067 000	691 133 000
Март	716 200 000	1 790 500	26 857 500	689 342 500
Апрель	716 200 000	1 790 500	28 648 000	687 552 000
Май	716 200 000	1 790 500	30 438 500	685 761 500
Июнь	716 200 000	1 790 500	32 229 000	683 971 000
Июль	716 200 000	1 790 500	34 019 500	682 180 500
Август	716 200 000	1 790 500	35 810 000	680 390 000
Сентябрь	716 200 000	1 790 500	37 600 500	678 599 500
Октябрь	716 200 000	1 790 500	39 391 000	676 809 000
Ноябрь	716 200 000	1 790 500	41 181 500	675 018 500
Декабрь	716 200 000	1 790 500	42 972 000	673 228 000
<b>Жами:</b>				<b>8 196 909 000</b>

Мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймат 683 075 750 сўмни (8 196 909 000 / 12) ташкил этади.

2021 йил учун мўлжалланаётган мол-мулк солиғи суммаси: 683 075 750 х 2% = 13 661 515 сўм.

1 138 460 сўм (13 661 515 / 12) миқдоридаги ҳар ойлик бўнак тўловлари ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тўланиши керак.

**NORMA**

## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таҳтимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,  
web: www.norma.uz

## Тўлашга кечиккан бўлсангиз

2020 йил декабрда ходим бухгалтерияга 2020 йилнинг 12 мартидан 16 мартигача бўлган давр учун касаллик варақасини тақдим этди.

Бундай вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича тўлов тўлаш мумкинми?

– Меҳнатга лаёқати тикланган кундан бошлаб 6 ойдан кечиктирмай мурожаат этилган тақдирда, нафақа тўланади.

Аввало меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нима сабабдан бундай кечикиш билан тўлаш учун топширилганлигини аниқлаш лозим.

**Ходимнинг мурожаати кечиккан бўлса** нафақа тўланмайди, сабаби меҳнатга лаёқати тикланган кундан эътиборан 6 ойдан ортқ вақт ўтган (*Низомнинг 5-б., АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган*).

**Касаллик варақаси бўйича тўлов ташкилот ходимларининг айби билан** (ҳужжатни бухгалтерияга тўлов учун бериш ёддан чиққан, ўз вақтида расмийлаштирилмаган ва ҳ.к.) тўланмаган бўлса, бунинг сабабларини аниқлаш учун хизмат юзасидан текширув ўтказиш, айбдорларни интизомий тартибда жазолаш, кўрсатилган даврда қу-

йдаги ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш лозим:

➢ иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлмаган;

➢ болани парваришlash таътилда бўлмаган;

➢ иш ҳақини тўлаш тўхтатилган ҳолда ишдан (лавозимидан) четлаштирилган бўлмаса;

➢ ҳарбий ўқувларда ёки текширув йўғинларида бўлмаса;

➢ ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув муассасаларида таълим олиш даврида тақдим этиладиган қўшимча таътилда бўлмаса (*МК 181-м., Низомнинг 22-б.*).

Шунингдек ушбу даврда ташкилот фаолияти вақтинча тўхтатилган бўлса, нафақа тўланмайди.

Нафақани тўлаш учун баённома расмийлаштириш чоғида тўлов кечикканлиги сабабини кўрсатиш тавсия этилади.

## Сақлашни ҳеч ким бекор қилмаган

Ходимнинг меҳнат стажи «ЯММТ» ИДАКдаги маълумотлар асосида ҳисобга олинмаган бўлса, 2020 йилдан бошлаб корхонада ходимларнинг қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари сақланиши лозими?

– Қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари сақланиши лозим.


ЯММТ жорий қилинганлигига қарамай, қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини сақлаш бекор қилинмаган (*АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома*).

2020 йилдан бошлаб қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари сотилмайди ва янги ишга қабул қилинган ходимларга бундай дафтарчалар очилмайди.

ЯММТ дастури аввалги иш жойлари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ қабул қила олмаяпти. Ходимга зарар етказмаслик ва унинг аввалги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йўқотмаслик учун қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини юритишдан буткул воз кечиш бўлмайди.

Ходимнинг 2020 йил 1 январгача бўлган меҳнат стажи қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари бўйича, 2020 йил 1 январдан кейинги стажи ЯММТдаги маълумотлар асосида электрон меҳнат дафтарчасидаги маълумотлар бўйича ҳисобланади (*31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қарорнинг 4-б.*).

Шу боисдан корхонада аввал (31.12.2019 йилга қадар) очилган меҳнат дафтарчаларини юритишни ва сақлашни, шунингдек аввалги иш жойларида очилган меҳнат дафтарчалари билан 2020 йил январдан кейин ишга қабул қилинган ходимларнинг қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларини қабул қилиб олишни ва сақлашни тавсия этамиз.



## Жамоа шартномаси–2021

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда жойлардан олинган таклифлар асосида 2021 йил учун жамоа шартномасининг умумий макетини ишлаб чиқди.

Хусусан, макетга «Коронавирус ёки бошқа юқумли касалликлар туфайли жорий қилинган карантин чоралари даврида ходимларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар» деб номланган янги бўлимга киритилган.

Унда қуйидагилар назарда тутилган:

➢ коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланиши;

➢ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100%и миқдоридан тўланиши;

➢ карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчи ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказиши.

Оммавий равишда ишдан озод этиш мезонлари «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонун нормаларига мослаштирилди.

Иш ҳақи масалаларида автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомига (*АВ рўйхат рақами 3130,*

*23.01.2019 й.*) мувофиқ амалга оширилиши тавсия этилди.

Президентнинг «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони (*30.10.2020 йилдаги ПФ-6099-сон*) мувофиқ макетга қуйидаги меъёрлар ҳам киритилди:

➢ жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиш) ҳамда меҳнат жамоасида «ходимлар гимнастикаси» ва «спорт дақиқалари»ни жорий этиш;

➢ технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга «ходимлар гимнастикаси» машқларини бажариши учун ҳамда иш вақтига киритилмаган «спорт дақиқалари» учун махсус танаффусларни белгилаш;

➢ соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20% миқдорда устама белгилашни йўлга қўйиш ва бошқалар.

Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар қаторига қуйидаги масалалар киритилди:

➢ меҳнат жараёнида юқори кўрсаткичларга эришаётган, қасаба уюшмаларида фаол ва шижоатли ёшларни рағбатлантириш;

➢ ёш ходимларни маданий-маърифий тадбирлар, касб маҳорати бўйича танловларда фаол иштирок этишини таъминлаш.

2021 йил учун жамоа шартномаси умумий макети билан Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг [kasaba.uz](http://kasaba.uz) веб-порталида танишиш мумкин.

norma.uz

Реклама

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

# Ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан буйруқ чиқариш мумкинми

*Компания ходими МКнинг 99-моддаси бўйича «ўз хоҳишига кўра» ишдан бўшаш ҳақидаги аризани тақдим этди. Ходим ҳақиқатда ишдан кетишидан бир неча кун олдин буйруқ чиқариш мумкинми? Юрист бундай қилиш мумкин эмас, буйруқни меҳнат шартномаси бекор қилинадиган кунда расмийлаштириш лозим деяпти.*

Вазиятни «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова тушунтириб берди:

– Қонун ҳужжатларида ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида олдиндан буйруқ чиқарилиши тақиқланмаган. Айрим ҳолатларда бу кадрлар хизмати ходимининг кўнглига келган иш эмас, балки мажбурий чора ҳисобланади. Масалан, раҳбар сафарда бўлиши ва ходим ишдан бўшатиш кунда буйруқни имзолай олмаслиги мумкин.

Масалан, ходим меҳнат шартномасини 20 январда бекор қилиш тўғрисидаги аризани 6 январь кuni тақдим этди, 15 январда эса директор меҳнат таътилга кетади. Мазкур ҳолатда буйруқ 15 январга қадар чиқарилади.

Бироқ бунда оғохлантириш муддати тугагунига қадар ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақли бўлганлиги сабабли ариза қайтариб олинганда ноқулай вазият юза келиши мумкин (МК 99-м. 3-қ.). У аризани оғохлантириш муддатининг сўнгги кунда, яъни меҳнат шартномаси бекор қилинадиган кuni ҳам қайтариб олиши мумкин. Агар олдиндан буйруқ чиқариладиган бўлса, охир-оқибатда уни бекор қилишга тўғри келади. Келтирилган мисолда 6 январдан 20 январгача бўлган муддатда, 20 январь ҳам ҳисобга киритилади, яъни оғохлантириш муддати давомида ходим аризасини қайтариб олиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда оғохлантириш муддати тугагунига қадар ходимга аризасини қайтариб олиш ҳуқуқини рад этиб бўлмайди. Жумладан, ҳатто меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилган ёки ишдан бўшаётган ходимнинг ўрнига бошқа шахс тақлиф этилган бўлса ҳам рад этиш мумкин эмас (ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 15-б. 6-хатбошичи). Шу боис ходим ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаётганда у билан тузилган

меҳнат шартномаси ҳақиқатда бекор қилинадиган кунда бу ҳақда буйруқ чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, ходим 1 февралда ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани тақдим этди. Унинг охириги иш кuni – 15 февраль, шу кuni буйруқ чиқариш мақсадга мувофиқдир.

## Буйруқ олдиндан расмийлаштирилди. Меҳнат дафтарчасига маълумотлар қачон киритилади?

Буйруқни олдиндан расмийлаштиришга тўғри келса, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув меҳнат дафтарчасига ходим ишдан бўшайдиган кuni киритилади. Ходимнинг бу охириги иш кuni Ягона миллий меҳнат тизимида (ЯММТда) рўйхатдан ўтказилади. Акс ҳолда тизимда меҳнат шартномасини бекор қилишни қайтаришда мураккабликлар юзага келиши мумкин.

Меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисидаги ёзув меҳнат дафтарчасига олдиндан киритилган бўлса, нима қилиш керак?

### 1. Ходим аризасини қайтариб олмаганда

Ходим 15 февралда ишдан бўшаши ҳақидаги аризани 1 февраль кuni тақдим этди. Кадрлар бўлими ходими 8-санада буйруқ чиқарган ва шу кuni меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ёзувни меҳнат дафтарчасига киритган бўлса, башарти ходим аризасини қайтариб олмаганда ҳам ушбу ёзувни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш лозим. Меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси буйруққа мувофиқ кўрсатилади (буйруқ чиқариш санасини меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси билан чалкаштириб юборман!).



### 2. Ходим аризасини қайтариб олганда

Кадрлар хизмати ходими меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни киритди, бундан кейин эса ходим аризасини қайтариб олди. Кор-

хона раҳбари ариза қайтариб олинганлигига асосланиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Мазкур ҳолатда қуйидаги ёзув киритилади:

### Иш тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Сана			Ишга қабул қилинганлиги, бошқа ишга ўтказилганлиги ва ишдан бўшатишганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Қандай асосга кўра ёзув киритилди (ҳужжат, унинг санаси ва рақами)
	Йил	Кун	Ой		
1	2			3	4
				«Velikan» масъулияти чекланган жамияти	
5	2019	23	09	Юридик бўлим бошлиғи этиб ишга қабул қилинди	23.09.2019 йилдаги 32-к-сонли буйруқ
6	2020	15	09	Меҳнат шартномаси бекор қилинди	08.09.2020 йилдаги 12-к-сонли буйруқ
				Кадрлар бўлими бошлиғи Каримов С.А. имзо, муҳр	
7	2020	18	09	6-сон ёзув ҳақиқий ҳисобланмайди, аввалги ишига тикланди	18.09.2020 йилдаги 13-к-сонли буйруқ

Эълон ва реклама

## ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

**200-00-59**

телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгиноқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кuni давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



### Иш тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Сана			Ишга қабул қилинганлиги, бошқа ишга ўтказилганлиги ва ишдан бўшатишганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Қандай асосга кўра ёзув киритилди (ҳужжат, унинг санаси ва рақами)
	Йил	Кун	Ой		
1	2			3	4
				«Velikan» масъулияти чекланган жамияти	
5	2019	23	09	Юридик бўлим бошлиғи этиб ишга қабул қилинди	23.09.2019 йилдаги 32-к-сонли буйруқ
6	2020	08	09	Меҳнат шартномаси бекор қилинди	08.09.2020 йилдаги 12-к-сонли буйруқ
				Кадрлар бўлими бошлиғи Каримов С.А. имзо, муҳр	
7	2020	08	09	6-сон ёзув ҳақиқий ҳисобланмайди	08.09.2020 йилдаги 13-к-сонли буйруқ
8	2020	15	09	Меҳнат шартномаси бекор қилинди	08.09.2020 йилдаги 12-к-сонли буйруқ
				Кадрлар бўлими бошлиғи Каримов С.А. имзо, муҳр	

## «КОРХОНА ЮРИСТИ»



электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз.

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## Қачон ходим вақтинча бошқа ишга ўтказишни талаб қилишга ҳақли



**Ишлаб чиқариш цехида ишлайдиган ҳомиладор ходима «декрет»га чиққунига қадар енгилроқ ишга ўтказишни талаб қилаяпти. Бироқ корхонада бундай бўш лавозимлар мавжуд эмас. Мазкур ҳолатда ҳамда ходимлар вақтинча бошқа ишга ўтказишни талаб қилган бошқа ҳолатларда қандай йўл тутиш керак?**

– МКнинг 93-моддасида белгиланган умумий қоидага кўра, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт. Бироқ айрим ҳолатларда томонларнинг тегишли розилиги олинмаган ҳолда вақтинча бошқа ишга ўтказиш мумкин. Ходим узрли сабаблар мавжуд бўлганда, вақтинча бошқа ишга ўтказишни талаб қилишга ҳақли бўлади, иш берувчи эса ушбу талабни қаноатлантириши керак.

Иш берувчи қуйидагиларни вақтинча бошқа ишга ўтказиши шарт ҳисобланади:

- ходимни соғлиғи ҳолатига кўра;
- ҳомиладор ходимларни;
- 2 ёшгача боласи бўлган аёлларни;
- локал тартибда белгиланган узрли сабаблар мавжуд бўлганда, ходимнинг илтимосига биноан (МК 94-м.).

### Ходимни соғлиғи ҳолатига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш

Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт. Бунда ходим камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда, шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб 2 ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади (МК 218-м. 1, 2-қ.).

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказил-

ганлиги муносабати билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган ходимларга иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади (МК 218-м. 4-қ.).

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун (лекин 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида) касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Касаллик варақасида кўрсатилган муддатга бошқа иш тақдим этилиши лозим. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, ходим ишдан озод этилади ва шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун умумий асосларда меҳнатга қобилиятсизлик варақаси бўйича умумий асосларда нафақа тўланади (МК 218-м. 3-қ.).

### Ҳомиладор ходимларнинг талабларига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади. Муҳим жиҳати шундаки, бошқа ишга ўтказилган даврида уларнинг аввалги иши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади (МК 226-м. 1-қ.).

Иш берувчи тегишли тиббий хулоса мавжуд бўлганда, ҳомиладор аёлнинг енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш илтимосини рад этишга ҳақли эмас. Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, шунингдек корхонада унга тўғри келадиган иш мавжуд бўлмаган ҳолатларда, у ана шу сабабдан ишга

чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим (МК 226-м. 2-қ.).

### МИСОЛ. Зарарли омиллardan холи бўлган бошқа ишга ўтказиш

**Металлдан ясалган буюмларни бўйаш цехида ишлайдиган ходима ҳомиладорлик тўғрисидаги маълумотномани тақдим этди. Тиббий хулосада уни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш тавсия этилган. Цех бошлиғи унга мос ишни танлаш олмапти. Иш берувчи қандай йўл тутиши лозим?**

– Буйруқ билан ходимани тиббий хулосада кўрсатилган соғлиғига тўғри келмайдиган ишдан озод этиш керак. Бошқа иш берилмагунга қадар, унга аввалги иши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи тўла-ниши лозим (МК 226-м.).

### 2 ёшгача боласи бўлган аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш

2 ёшгача боласи бўлган аёл аввалги ишини бажаришининг имкони бўлмаса, уни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш лозим. Янги ишга ўтказилган даврда ходимнинг боласи 2 ёшга тўлгунга қадар унинг аввалги иши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

### Локал тартибда белгиланган узрли сабаблар мавжуд бўлганда ходимни илтимосига биноан вақтинча бошқа ишга ўтказиш

Иш берувчининг ходимнинг илтимосига кўра уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш бўйича мажбурияти компаниянинг жамоа шартномасида назарда тутилади. Бундай шартнома тузилмаган бўлса, ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланади. Мазкур ҳолатда жамоа шартномасида ёки ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг тегишли тартиби белгиланади. Бироқ мазкур ҳолатда, юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардан фарқли ўлароқ, иш берувчи ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимосини, агар бундай иш корхонада мавжуд бўлса, қаноатлантириши шарт.

### Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказишни расмийлаштириш

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказишни мазкур ишга ўтказилган давр кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади. Бунга ходимнинг аризаси асос бўлади. Ҳомиладор ва 2 ёшгача боласи бўлган аёлларни бошқа ишга ўтказиш учун аризага тиббий хулоса илова қилиниши лозим.

Саволларга «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти **Ленара Хикматова** жавоб берди.

ЭЪЛО

### «Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [pota.uz](http://pota.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз. Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал [pota.uz](http://pota.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

## МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ

2020 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш муддати яқинлашмоқда. «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ уни тўлдиришга оид жиҳатлар ҳақида гапириб берди.

### Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини (7-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 йил) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида йилда 1 мартга, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этинг (СК 417-м. 2-қ.).



Йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати – ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун эса – 25 мартдан кечиктирмай (Низом 2, 4-б., АВ рақами 942, 3.07.2000 йил).

Кўчмас мулк солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича ҳам ҳисоб-китобни тақдим этинг. Бироқ бу қуйидаги мол-мулкка тааллуқли эмас (ҳисоб-китоб солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида тақдим этилади):

- темир йўллар;
- магистраль қувурлар;

- алоқа ва электр узатиш линиялари;
- мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар.

Ўзбекистон норезидентлари бўлган юридик шахслар солиқ ҳисоботини ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 15 февралига қадар бўлган муддатда тақдим этадилар.



Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилинади:

- ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимларининг умумий сонидан бундай шахслар камиди 50%ни ташкил этадиган юридик шахслар. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий МҲТФнинг камиди 50%ини ташкил этиши керак;
- энергия ишлаб чиқарувчилар – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун, улар фойдаланишига жорий этилган пайтдан эътиборан 10 йил муддатга (СК 414-м. 2-қ.).

### Ҳисоб-китоб қандай тўлдирилади

[my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталида жойлаштирилган шаклдаги шартли мисол ёрдамида Ҳисоб-китоб тўлдирилишини кўриб чиқамиз.

Ҳисоб-китобни қуйидаги кетма-кетликда тўлдиришни тавсия этамиз.

1. 3-илова «Солиқ солинмайдиган мол-мулк рўйхати».

Уни қуйидагиларга эга бўлган солиқ тўловчилар тўлдиради:

➢ маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, jisмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектилари;

➢ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулк (СК 414-м. 1-қ.).

Бундан ташқари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам имтиёзлар тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолда

1-устунда мавжуд рўйхатдаги имтиёз асосини танланг, 3 ёки 4-устунларда эса мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ (ўртача йиллик) қийматини кўрсатинг.

Шуни инобатта олинки, қуйидагиларда назарда тутилган имтиёзлар:

➢ СКнинг 2007 йил тахриридаги 269-моддасида, 2020 йил 1 апрелгача амал қилган;

➢ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, ш.ж. Президентнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 январгача қабул қилинган қарорларида, уларнинг амал қилиш муддати тугагунча амал қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонун 4-м.).



*Қуйидагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 31 декабргача бўлган даврда мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинган:*

➢ кичик тадбиркорлик субъектлари;

➢ бозорлар ва савдо комплекслари;

➢ кинотеатрлар;

➢ умумий овқатланиш корхоналари;

➢ жамоат транспорти корхоналари;

➢ спорт-соғломлаштириш муассасалари;

➢ йўловчи ташиш, машиий хизматлар кўрсатиш, биноларни, ш.ж. банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармон 1-б.; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармон 7-б. «а» кичик банди).



*3-иловада қуйидагича изоҳ берилган: «Ҳисоб-китобни кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органига тақдим этишда ушбу илова фақатгина кўчмас мулк объекти (бинолар, иншоотлар ва норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар) ҳақиқатда жойлашган ер бўйича тўлдирилади». Яъни кўчмас мулк объектини фақатгина у жойлашган ер бўйича ҳисоб-китобга киритинг.*

2. Ҳисоб-китобга 2-илова «Норматив муддатларда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектларнинг рўйхати».

Қурилиши тугалланмаган объектларга норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар киради. Ушбу муддат лойиҳа-смета ҳужжатларида (ЛСХ) белгиланади. Агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса – ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органининг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичда (СК 411-м. 2-қ.).


Иловада қуйидагиларни кўрсатинг:

➢ объектнинг номи;

➢ объект қурилишига доир ЛСХда белгиланган норматив муддат;

➢ объектни ишга тушириш муддати (белгиланган бўлса);

➢ норматив муддатларда тугалланмаган қурилиш қиймати (ҳар ой охиридаги ҳолатга кўра).



*2-иловада қуйидагича изоҳ берилган: «Ҳисоб-китобни кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органига тақдим этишда ушбу илова фақатгина қурилиши тугалланмаган объектларнинг ҳақиқатда жойлашган ер бўйича тўлдирилади». Яъни кўчмас мулк объектини фақатгина у жойлашган ер бўйича ҳисоб-китобга киритинг.*

3. 1-илова «Солиқ солинадиган объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймати) ҳисоб-китоби».

Тегишли ойлар бўйича 3-14-устунларда қуйидагиларни кўрсатинг:

Сатр коди	Кўрсаткич	Тўлдириш тартиби
0101	Кўчмас мулкнинг бошланғич (тиклаш) қиймати	Кадастр органида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар бўйича ушбу ахборотни тегишли ойнинг охириги санасида 0120-«Бинолар, иншоотлар ва ўтказувчи қурилмалар» счёти бўйича айланма-сальдо қайдномасидан олишингиз мумкин. Йил давомида объектлар қўшилмаган ёки чиқиб кетмаган бўлса, ушбу кўрсаткич ўзгармайди. 2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра асосий фондлар қайта баҳоланган бўлса, ушбу сатрда тиклаш қийматини кўрсатинг (қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда).

Сатр коди	Кўрсаткич	Тўлдириш тартиби
0102	Эскириш суммаси	Ушбу кўрсаткични куйидаги формула бўйича аниқланг: Ой охиридаги жамғарилган эскириш = Ой бошидаги жамғарилган эскириш + Тегишли ой учун ҳисобланган эскириш суммаси 1.01.2020 йилдаги ҳолатга кўра эскириш қайта баҳоланган бўлса, у ушбу кўрсаткични ҳисоблаш чоғида ҳисобга олинади, эскириш эса тиклаш қийматидан ҳисобланади (қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда). Масалан: > 3-устундаги (январь) қиймат 1.01.2020 йилдаги ҳолатга кўра (қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, агар ўтказилган бўлса) жамғарилган эскириш + 2020 йил январь ойи учун ҳисобланган эскиришга тенг; > 4-устундаги (февраль) қиймат 2020 йил 1 февралдаги ҳолатга кўра жамғарилган эскириш + 2020 йил февраль ойи учун ҳисобланган амортизацияга тенг ва ҳ.к.
0201	Бошланғич (тиклаш) қиймати: > темир йўллар; > магистраль қувурлар; > алоқа ва электр узатиш линиялари; > мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар	Ушбу кўрсаткични бинолар ва иншоотлар учун бўлганидек тартибда ҳисобланг.  <i>Изоҳ: 2020 йилда ушбу объектлар бўйича 0,2%лик солиқ ставкаси қўлланган (СК 415-м. 4-қ.)</i>
0202	Эскириш суммаси	Ушбу кўрсаткични бинолар ва иншоотлар учун бўлганидек тартибда ҳисобланг
030	Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг қолдиқ қиймати	Консервация қилинган асосий воситалар 0199-счётда қайд этилади, тугалланмаган қурилиш объектлари эса – 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида. Кўчмас мулк учун ушбу кўрсаткични бинолар ва иншоотлар учун бўлганидек тартибда, бироқ консервацияга қўйилмаган асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш тўхтаб турилишини инобатга олган ҳолда ҳисобланг (5-сон БҲМС 32-б., АВ рақами 1299-сон, 20.01.2004 йил).  <i>Изоҳ: 2020 йилда ушбу объектлар бўйича 0,2%лик солиқ ставкаси қўлланган (СК 415-м. 4-қ.)</i>
040	Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтган турар жой кўчмас мулк объектларининг қиймати	Ушбу кўрсаткични 6 ойдан ортиқ балансда қайд этилган сотилмаган турар жой кўчмас мулк объектлари қисмида аниқланг
050	Ўзбекистон Республикаси норезидентлари кўчмас мулкнинг қиймати	Ушбу сатрни Ўзбекистон норезидентлари тўлдирадилар. Ўзбекистон норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир (СК 412-м. 2-қ.).
060	Норматив мuddатда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектнинг қиймати	Ушбу сатрни 2-илованин «жами» сатридаги маълумотлардан келиб чиқиб тўлдириг

15-устунда ўртача йиллик қиймат 3-14-устунларда кўрсатилган кўрсаткичлар суммасининг 1/12 қисми сифатида автоматик равишда аниқланади.



**1-иловада қуйидагича изоҳ берилган:**

«Ҳисоб-китобни кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органига тақдим этишда ушбу илова фақатгина кўчмас мулк объекти (бинолар, иншоотлар ва норматив мuddатда қурилиши тугалланмаган объектлар) ҳақиқатда жойлашган ер бўйича тўлдирилади (020-сатрда кўрсатилган объектлар бундан мустасно), шу билан бирга ушбу кўчмас мулк солиқ рўйхатга олинган жойда ҳисоб-китобни топширишда ҳисобга олинмайди. 020-сатрда кўрсатилган объектлар бўйича ҳисоб-китоб фақат солиқ ҳисобини олиб бориш жойидаги солиқ органларига берилади». Яъни кўчмас мулк объектини фақатгина у жойлашган ер бўйича ҳисоб-китобга киритинг. Темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар бундан мустасно. Улар солиқ бўйича ҳисобга олинган жойда тақдим этиладиган ҳисоб-китобга киритилади.

**4. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби.**  
Шаклнинг сатрма-сатр тўлдирилишини кўриб чиқамиз.

Сатр коди	Кўрсаткич	Тўлдириш тартиби
0101	Солиқ солинадиган бино ва иншоотларнинг (шу жумладан бўйича олинган) ўртача йиллик қолдиқ қиймати	Ушбу ахборотни Ҳисоб-китобга 1-илованинг 15-устуни 0103-сатридан олишингиз мумкин. Ўзбекистон норезиденти бўлган юридик шахслар – Ҳисоб-китобга 1-илованинг 15-устуни 050-сатридан
0102	Ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати	Тўлдирилмайди
0201	Бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ базасини камайтириш	Ушбу ахборотни Ҳисоб-китобга 3-илованинг 3-устунидан олишингиз мумкин
0202	Ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк бўйича солиқ базасини камайтириш	Тўлдирилмайди
030	Тўлиқ амортизация қилинган бинонинг қайта баҳоланган (бозор) қиймати	Бино тўлиқ амортизация қилинган бўлса, мол-мулк солигини уч йилда камда бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган (СК 412-м. 1-қ. 1-б.) Қонун ҳужжатларида мол-мулк солиғи солиш мақсадида бундай қиймат қандай аниқланиши белгиланмаган. Бинобарин, буни мустақил равишда ёки баҳоловчи ташкилотни жалб этган ҳолда амалга оширишингиз мумкин. Кейинги вариантда бозор қиймати янада ишончли ва ҳаққоний баҳоланади
060	020-сатрдаги камайтиришни ҳисобга олган ҳолда 010, 030 ва 040-сатрларда кўрсатилган объектлар бўйича солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси 2% миқдорда белгиланган (СК 415-м. 1-қ.)
100	080 ва 090-сатрларда кўрсатилган объектлар бўйича солиқ ставкаси	2020 йил учун солиқ ставкаси 0,2% миқдорда белгиланган (СК 415-м. 4-қ.)
150	140-сатрда кўрсатилган объектлар бўйича солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси 4% миқдорда белгиланган (СК 415-м. 2-қ.)
180	Солиқ даври учун бўнақ тўловлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси	Ушбу ахборотни 2020 йил учун бўнақ тўловлар тўғрисидаги маълумотномадан олишингиз мумкин
2101	Солиқ бўйича ҳисобга олиш жойи бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси (маълумот учун)	Ушбу ахборотни солиқ бўйича ҳисобга олинган жойга тақдим этиладиган Ҳисоб-китобнинг 170-сатридан олишингиз мумкин
2102	Кўчмас мулкнинг жойлашган жойи бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси (маълумот учун)	Ушбу ахборотни кўчмас мулк жойлашган жойга тақдим этиладиган Ҳисоб-китобнинг 170-сатридан олишингиз мумкин
21021-21100	Кўчмас мулкнинг жойлашган жойи бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси (объектлар кесимида)	Кўчмас мулк объектлари жойлашган жой ва солиқ суммасини кўрсатинг (ҳар битта объект бўйича алоҳида)

Қолган сатрлардаги қийматлар автоматик равишда ҳисобланади.



Ҳисоб-китобда қуйидагича изоҳ берилган: «210-сатр ва бошқалар Ҳисоб-китобни фақатгина солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органларига тақдим этишда тўлдирилади». Ушбу ахборот маълумотнома тусига эга, у умуман корхона бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини акс эттиради.

Бўнақ тўловларни ҳисобга олган ҳолда солиқнинг якуний суммасини 190-сатрда (кўшимча тўлашга) ёки 200-сатрда (камайтиришга) кўришингиз мумкин.



Қуйидагиларга нисбатан оширилган ставкалар қўлланиши мумкин:

- бўш турган бинолар; фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари;
- яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар;
- тугалланмаган қурилиш объектлари (СК 415-м. 3-қ.).

Бунда СК 414-моддасида кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга татбиқ этилади. Оширилган ставкаларни қўллаш тартиби 13.08.2019 йилдаги 666-сон ВМҚда белгиланган.

Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, ш.ж. 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан оширилган ставкаларни қўллаш тартиби 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар тўхтатилди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон 4-б. «я» кичик банди).

2020 йил 1 апрелга қадар сизда тегишли хулоса чиқарилган объектлар бўлган бўлса, уларни акс эттириш учун Маълумотнома-Ҳисоб-китоб ва Ҳисоб-китобга 4-илова назарда тутилган.



# МҲХСга ўтадиган компаниялар қандай қўллаб-қувватланади

Вазирлар Маҳкамасининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокамага кўйилди. Унинг асосий мақсади – МҲХСга ўтишга самарали тайёргарлик кўриш бўйича қўшимча шарт-шароитлар яратиш.

1. МҲХС матнлари Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Бунда давлат тилига таржима қилинган матнлар Ўзбекистон ҳудудига МҲХСни қўллаш учун асос бўлади. Бошқа тиллардаги матнлар, ҳатто Молия вазирлиги сайтыда эълон қилинган тақдирда ҳам тавсиявий характерга эга бўлади.

этилади. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб МҲХС асосида ҳисоб юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш фақат 470 та ташкилот учун мажбурийдир (банклар, сугурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчилар).

3. Ташкилотлар 2021 йилда МҲХС асосида ҳисоботни бундай тарзда топширадилар:

қайта ўтиш мумкинми? Ёки – барибери 2023 йил 1 январдан бошлабми?

Ушбу масалани дарҳол ҳужжатнинг ўзидан – у тасдиқлангунга қадар аниқлаштирилишини истардик.

5. МҲХС асосида ҳисоб юритишга

ўтган ташкилотлар, 1 мартга қадар солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали бу ҳақда солиқ органларига хабарнома юборишлари шарт.

6. Молиявий ҳисобот куйидаги муддатларда тақдим этилиши керак:

Ҳисобот тури	Тақдим этиш муддатлари	Изоҳ
Чораклик	Ҳисобот чораги тугагандан кейин 40 кун ичида	2023 йилнинг I чораги якунидан бошлаб тақдим этилади
Йиллик	Ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 мартага қадар	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилинади, бундан дастлабки молиявий ҳисобот мустасно

Илгаригидек, кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.



Агар лойиҳа жорий таҳририда қабул қилинса, МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тузувчи ташкилотларга: МҲХСни биринчи марта қўллаш асосида молиявий ҳисоботни тузиш тартибини бузганлиги учун молиявий санкциялар қўлланилмайди; 2021 йил давомида фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини камайтирилган тақдирда, пеня ҳисобланмайди.

7. Ваколатли органлар куйидаги топшириқларни оладилар:

➢ МҲХС бўйича ўқув адабиётларни давлат тилига таржима қилиш бўйича ўзаро лойиҳаларни амалга ошириш ва электрон кутубхонани шакллантириш;

➢ мутахассислар ва ўқитувчиларни йирик чет эл компанияларида амалиёт ва тренинглardan ўтказиш;

➢ масофадан ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда 2025 йилга қадар ҳар йили янгиланиб борадиган, «МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот» махсус курсидан ўтиш учун бепул таълим платформасини ташкил этиш;

➢ «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги

низоми (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) янги таҳририни ишлаб чиқиш.

ДСҚнинг веб-сайтида ҳар йили куйидагилар жойлаштирилади:

1) 1 апрелга қадар – МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботни тузадиган (шу жумладан ихтиёрий асосда) ташкилотларнинг МҲХСга ўтиш санасини кўрсатган ҳолдаги рўйхати;

2) 2023 йилдан бошлаб – 1 августга қадар қонунчиликка мувофиқ эълон қилинадиган МҲХС асосидаги йиллик молиявий ҳисоботлар тўлиқ тўплами.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Татьяна Белоусова.

Куйидаги санадан ўтган ташкилотлар:	МҲХС асосидаги молиявий ҳисобот		
	2021 йил якуни бўйича, яъни 2022 йил 1 январь ҳолати бўйича	2022 йил якуни бўйича, яъни 2023 йил 1 январь ҳолати бўйича	2023 йил якуни бўйича ва шу тарзда
2021 йил 1 январдан бошлаб	МҲХС асосидаги дастлабки йиллик молиявий ҳисоботни тузадилар. 2021 йил 1 январь бўйича қиёсий маълумотлар фақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилади	МҲХС асосидаги биринчи йиллик молиявий ҳисобот – молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тузадилар	Ҳар йили МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тузадилар
2021 йилга қадар	Ҳар йили МҲХС асосидаги молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тузадилар		

4. Улар учун МҲХСга ўтиш мажбурий бўлмаган ташкилотлар ихтиёрий равишда МҲХС асосида ҳисоб юритишлари ва молиявий ҳисоботни тузишлари мумкин. Бунда улар МҲХС асосида молиявий ҳисоботларни камида 2 календарь йил учун тайёрлаш ва фақат муддат ўтгандан кейин БҲМСга қайтиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Бунда бу муддатга дастлабки молия-

вий ҳисоботни тақдим этиш кириши ёки кирмаслиги ноаниқ. Масалан, корхона 2021 йил 1 январдан бошлаб ихтиёрий равишда МҲХС асосида ҳисоб юритади ва молиявий ҳисобот тузади. Биринчи молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами 2023 йил 1 январь ҳолати бўйича (2022 йил якуни бўйича) тақдим этилади, иккинчиси – 2024 йил 1 январь ҳолати бўйича. Бинобарин, камида 2024 йил 1 январдан бошлаб БҲМСга

## САВОЛ БОР

# Мол-мулк солиғи ва Интернет

Корхонамиз Интернет ва кабель телевидениесини тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатади. Лицензиялар маевжуд. Хизматлар кабель телевидениесининг ортик тармоғи ва Интернет маълумотларини узатиш симли тармоғи орқали кўрсатилади. Кабель ўтказишда лойиҳа ишлаб чиқилади, кабелни ўтказиш шартномаси тузилади, зарур материаллар сотиб олинади. Барча харажатларни капиталлаштирамиз ва назорат бўйича давлат инспекцияси қабул қилгандан сўнг йиллик 8%лик амортизация ажратмалари билан узатиш қурилмаси сифатида асосий воситалар таркибига кириш қиламиз. Кабеллар «Ўзбектелеком» АЖдан ижарага олиннадиган қувурлардан ўтказилади. Солиқ кодексига мувофиқ алоқа ва электр узатиш линиялари мол-мулк солиғи солинадиган объект ҳисобланади. «Ўзбектелеком» АЖ қувурлари орқали ўтказилган Интернет тармоғи ва кабель телевидениеси мол-мулк солиғи солинадиган объект ҳисобланадими?

– Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиш объекти ҳисобланади. Улар жумласига алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар ҳам қиради (СК 411-м. 1-қ., 2-қ. 3-б.).


Шунингдек кўчмас мулк жумласига белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар қиради (ФК 83-м.).

Қувурлар орқали ўтказилган Интернет ва кабель телевидениеси кабеллари алоқа ва электр узатиш ли-

нияларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Уларни зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин эмас.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбектелеком» АЖ қувурлари орқали ўтказилган Интернет тармоғи ва кабель телевидениеси кабеллари мол-мулк солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Азизахон Тошўжаева, «Norma» МЧЖ эксперти.



## Чиқишга таққ қандай олиб ташланади


**Иккита болага алимент тўлайман. Собиқ турмуш ўртоғим мажбурий ижро бюросига чет элга вақтинчалик чиқишимни чеклашни сўраб мурожаат қилган.**

**Қандай ҳолатларда чет элга вақтинча чиқишимга рухсат берилиши мумкин?**

— Давлат ижрочиси куйидаги ҳолларда қарздорнинг илтимосномасига асосан қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни ҳаракатдан тўхтатиб туриши лозим:

➢ республика ҳудудидан ташқарида касалхонага ётқишни талаб қиладиган қарздорнинг соғлигини тиклаш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

➢ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарздори Ўзбекистондан чиқиб кетувчи расмий делегация таркибига киритиш ҳақидаги қарори мавжуд бўлганда.



Бунда, қарздорнинг чиқишига вақтинча чекловни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор давлат ижрочиси томонидан қабул қилинади ва катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжати талаблари ижро этилганда ёхуд қонунда белгиланган асосларга кўра ижро ҳужжати тугатилганда, тамомланганда ёки алиментларни олдиндан тўлаш ҳамда алиментларни тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминланганда, шунингдек қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги давлат ижрочисининг қарори бекор қилинганда давлат ижрочиси махсус электрон тизим орқали қарздорнинг чиқишига қўйилган вақтинча чекловни олиб ташлайди (Низомнинг 15, 19-б., 1-илова, АВ томонидан 12.11.2019 йилда 3196-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

## Чел эл фуқароси учун ID-карта

**10 йилдан буён Ўзбекистонда яшайман. Швейцариядан аёлим билан келганмиз — у Ўзбекистон фуқароси. Чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномасига эгаман, Самарқанд шаҳрида аёлимнинг уйида рўйхатга турганман. Яқинда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш гувоҳномасининг ўрнига идентификация карточкалари жорий этилиши ҳақида эшитиб қолдим.**

**Бу қандай амалга оширилади ва карточкаларни бериш тартиби қандай бўлади?**


— ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга куйидаги муддатларга берилади:

➢ янги туғилган болага 1 ёшгача — 2 йил муддатга (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра);

➢ 1 ёшдан 16 ёшгача — 5 йил муддатга (ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра);

➢ 16 ёшдан 60 ёшгача — 5 йил муддатга;

➢ 60 ёшдан ошганларга — 10 йил муддатга (Низомнинг 3-б., 22.09.2020 йилдаги ПФ-6065-сон Фармонга 2-илова).



Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароларига ID-карта унинг миллий паспортнинг амал қилиш санасидан ошмаган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 млн АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс — хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси), шунингдек, уларнинг оила аъзоларига (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандларига) — ID-карта 10 йил муддатга, бироқ миллий паспортнинг амал қилишидан ортқ бўлмаган муддатга берилади (Низомнинг 4, 5-б.).

ID-картани расмийлаштириш ва бериш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ, куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга:

➢ уларнинг ота-оналари, васийларининг (ҳомийларининг) ихтиёрига кўра — бола туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунча қадар;

➢ шахс 16 ёшга тўлганда;

➢ шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, фуқаролиги, туғилган санаси, жинси ўзгарганда;

б) ID-картанинг амал қилиш муддати тугаганда;

в) ID-картага ёки чипга киритилган маълумотларда ноаниқликлар, хатолар ва техник нуқсонлар мавжудлиги аниқланганда;

г) ID-карта ёки чип яроқсиз ҳолга келганда;

д) ID-картани ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда;

е) ID-карта йўқотиб қўйилганда.

ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, жинси ўзгарганлиги ёки ID-картага киритилган маълумотларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштириладиганда, чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш кунда кўриб чиқилади.

ID-картани йўқотилган тақдирда, янгиси белгиланган тартибда ID-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш кунда берилади (Низомнинг 10-б.).

ID-картаси бўлмаган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс 16 ёшга тўлганда ID-карта олиш учун бир ойдан кечикмасдан маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт (Низомнинг 11-б.).

Улар ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига куйидагиларни тақдим этади:

➢ белгиланган шаклдаги ариза-анкета;

➢ чет давлат фуқаросининг миллий паспорти (ID-карта биринчи маротаба расмийлаштириладиганда);

➢ илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта;

➢ туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (ID-карта биринчи маротаба расмийлаштириладиганда);

➢ ваколатли органлар томонидан берилган ариза-чиқиннинг фуқаролиги тугаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат (чет давлат фуқаролигидан чиққан ёки фуқаролигини йўқотган ҳолатда);

➢ давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда квитанция мажбурий эмас) (Низомнинг 13-б.).

ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг 1 иш кунли мобайнида берилади (Низомнинг 14-б.).

Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган ҳужжатлар асосида ариза-чиқиннинг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғиш, шахсни олд томондан рақамли форматда суратга олади ва ID-картани расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради (Низомнинг 16-б.).

Ариза-чиқига аввал жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами (ЖШШИП) бириктирилмаган ёки жисмоний шахснинг аввалги шахсий идентификация рақами хатолик билан бириктирилган бўлса, талабнома ID-картага ЖШШИПни бириктириш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Давлат персоналлаштириш маркази талабномадаги ЖШШИП мавжудлиги ва тўғрилигини текширади, мавжуд бўлмаган ҳолларда эса реал вақт режимида рақамни шакллантиради ва шакллантирилган талабномани маълумотларни йиғиш пунктига юборади (Низомнинг 17-б.).

Чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс қўл бармоқ излари олингандан бош тортса ёхуд кўзойнақда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади (Низомнинг 18-б.).

ID-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ID-карта бепул алмаштирилади (Низомнинг 20-б.).

Куйидаги ҳолатларда чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси ЎзР ИИБ томонидан бекор қилинади:

➢ қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганда;

➢ чет давлат фуқароси Ўзбекистон Республикасида ташқарига вақтинча чиққанда, агар у 3 йилдан ортқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса;

➢ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча хорижга чиққан фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгунча қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса ёки хорижда уни алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштириши рад этса;

➢ бекор қилиш тўғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет давлатдаги тегишли органларнинг сўровига асосан;

➢ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилганда;

➢ суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топши ҳақидаги қарори асосида;

➢ вафот этганда — ФХДЭ органининг ўлим ҳақида гувоҳнома ёки маълумотномаси асосида;

➢ чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганда;



➢ чет давлат фуқароси миллий паспортнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг 6 ой давомида уни алмаштирмаса ёки ўз давлати фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этмаса;

➢ давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига

биноан доимий яшашга рухсатнома олган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;

➤ шахс ID-картани олаётганда ёки уни алмаштиришда ўзи ёки қариндошлари ҳақида ёлгон маълумот берганда, қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим этганда.

Бекор қилинган ID-карта шахснинг сўнги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пункти ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига йўқ қилиш учун топширилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун ИИВга юборилади (*Низомнинг 22-б.*).

ID-карта эгасининг шахсини ва доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида фойдаланилади (*Низомнинг 24-б.*).

ID-карта йўқолган тақдирда, дарҳол янги ID-картани расмийлаштириш учун маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт.

Тоғиб олинган ID-карта эгасига қайтариш учун ички ишлар органига топширилиши лозим (*Низомнинг 25, 26-б.*).

Янги ID-карта бериш чоғида илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта йўқ қилиш учун маълумот-



ларни йиғиш пункти томонидан олиб қолинади (*Низомнинг 29-б.*).

Фуқаролиги ўзгарган ёки хорижий давлатда доимий яшашга қолиш истагини билдирган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картани сўнги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пункти ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт. Бундай ID-карталар йўқ қилиш учун ИИВга юборилади (*Низомнинг 30-б.*).

ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаганда, яроқсиз ҳолга келтирилганда, йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, янги ID-карта кўпайтирилган миқдордаги давлат божи тўлови асосида расмийлаштириб берилади.

Бошқа шахсга тегишли бўлган ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйиш, ID-картадан гаразли мақсадларда фойдаланиш, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолатга келтириш ёки яшириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгарлик белгилади.

Талабномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига вояга етмаган шахслар номидан мурожаат қилган шахслар ёки вояга етган ва ID-картани биринчи марта олаётган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шахсан жавобгар ҳисобланади (*Низомнинг 31–33-б.*).

## Ўзбекистонда туғилганлик ҳуқуқи бўйича

**Биз аёлим билан фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланамиз. Иккита фарзандимиз бор, улар Ўзбекистонда туғилган. Бири яқинда 16 ёшга тўлади ва у янги Низом бўйича ID-карта олиши лозим. Анча олдин қариндошларимиз бир муаммога дуч келишган эди. Улар ҳам фуқаролиги бўлмаган шахслар эди, уларнинг ўғли Ўзбекистон паспортини олиши керак бўлган, бироқ паспорт столида бундай ҳужжат берилиши рад этилган. Мазкур ҳолат 10 йил олдин юз берган.**

**Ҳозирда бундай масалалар қандай тартибда ҳал этилмоқда?**

— Хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Ҳозирги пайтда ўғлингизда бундай муаммолар бўлмайди.

Бола ўзининг туғилган жойидан қатъи назар, агар туғилган пайтида:

а) ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) ЎЗР фуқаролари бўлса;

б) унинг ота-онасидан бири ЎЗР фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ёки бедарак йўқолган деб топилган ёхуд унинг турган жойи номаълум бўлса;

в) унинг ота-онасидан бири ЎЗР фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлса, туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Бунда «в» бандда назарда тутилган ҳолда боланинг ЎЗР фуқаролигини олиши фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакилларининг илтимосномасига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади («Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-м.).

Шу боис ўғлингизга ID-карта бериши рад этишга ҳақли эмаслар.

Санжар Хўжааҳмедов, «Норма» МЧЖ эксперти.

### ҲАМКОРЛИК

## «Паспорт-виза хизмати» вакиллари билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида Россия Ички ишлар вазирлигининг «Паспорт-виза хизмати» федерал давлат унитар корхонаси вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Э.Муҳитдинов, Россия Ички ишлар вазирлигининг «Паспорт-виза хизмати» федерал давлат унитар корхонаси бош директори С.Машин иштирок этган учрашувда Россия Федерациясида ишлаш учун патент расмийлаштириш бўйича хизматларни Ўзбекистонда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда маълум қилиндики, «Паспорт-виза хизмати» ваколатхонасининг Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиш масаласи, яъни ўзгартиришлар киритилган ташкилотнинг устави ҳозирда Россия Ички ишлар вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан биргаликда Ўзбекистонда патентни рўйхатдан ўтказиш бўйича максимал хизматларни тақдим этилиши, молиявий харажатларни камайтириш билан бирга «виждонсиз воситачилар қўлига тушиб қолиш» нуқтаи назаридан уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

С.Машиннинг сўзларига кўра, миграция рўйхатидан ўтказиш ва тиббий кўриқдан ташқари патентни расмийлаштириш бўйича деярли барча хизматларни Ўзбекистонда ташкил қилиш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, Россияда патент олиш бир ҳафтадан кўп давом этмайди, келгусида бу муддатни 2-3 кунга қисқартириш режалаштирилган.

Учрашувда мамлакатимизда хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция механизмларини жорий этиш орқали ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини оптималлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ушбу соҳада олиб борилаётган ишларнинг учта асосий йўналишлари — жўнаш олдидан тайёргарлик, меҳнат мигрантларини хорижда қўллаб-қувватлаш, чет элдан қайтиб келган меҳнат мигрантларини бирлаштириш ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, томонлар Ўзбекистондаги хизматларни ташкил этиш масалаларини батафсил муҳокама қилди. Хусусан, Ўзбекистонда тиббий хизматни ташкил этиш масаласида

РФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан музокаралар олиб борилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш учун Россиянинг хусусий лабораторияларини жалб қилиш имконияти ўрганилиб, бугунги кунда, «Хеликс» лабораторияси ушбу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган. Шу билан бирга, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу лаборатория фаолиятини Ўзбекистонда ташкил этиш имконияти тўғрисида тегишли хулоса бериши керак.


С.Машин меҳнат мигрантларини сўғурталаш борасида Россиянинг бир қатор сўғурта компаниялари билан музокаралар олиб борилганини ва ҳозирга қадар «Росгосстрах» ва «Ингосстрах» ташкилотлари ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди. Хусусан, сўғурта полиси Ўзбекистонда расмийлаштирилади ва меҳнат мигранти Россияга кириб келгандан кейин ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон фуқароларини Россияга жўнаб кетишдан олдин таққ бор-йўқлигини текшириш так-

лиф қилинди. Паспортнинг нотариал тасдиқланган таржимаси эса Россия қонунчилигига биноан ушбу хизмат паспортнинг асл нусхаси ва эгасининг ўзи бўлганда тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистонда таржима қилиш ва уни сертификатлаш учун (муҳр, электрон имзо) Россия нотариусига юбориш кераклиги таққ қилинди. Ўзбекистон фуқароси Россияга келгандан сўнг, паспортнинг асл нусхасини тақдим этган ҳолда таржимаси билан бирга нотариал тасдиқланган нусхасини олиши мумкин.

Россия Ички ишлар вазирлигининг «Паспорт-виза хизмати» федерал давлат унитар корхонаси ходимларини аниқлаш, уларга Ташқи меҳнат миграцияси агентлигидан жой ажратиш масалалари ҳал қилинди. Россияда ишлаш учун патент расмийлаштириш бўйича хизматларни Ўзбекистонда ташкил этиш учун биринчи навбатдаги вазибалар «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга қарор қилинди.

ЎЗА асосида.



## Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан субсидия қандай олинади

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига субсидия ажратишни давом эттиради. Бу ёрдамни қандай олишни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг юристи Маҳлиё Каримова тушунтириб берди:

– Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ (ВМнинг 6.10.2020 йилдаги 602-сон қарорига 1-илова) ҳозирги вақтда қўйидагилар субсидия олиши мумкин:

туроператор ва турагентлар – Ўзбекистон резидентлари хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун;

жойлаштириш воситалари (меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажму-

лар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар.

Субсидия тadbиркорлик субъекти ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунига қадар тақдим этиладиган ариза асосида ажратилади. Жумладан, январь учун ариза топширишнинг сўнгги мuddати – 4 февраль.



Мезонлар	Туроператорлар ва турагентларга хизмат кўрсатилган хорижий туристлар учун субсидия (Низомнинг 3-боби)	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш учун субсидия (Низомнинг 4-боби)
Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>Туристларга кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (касса чеклари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар);</li> <li>туристик йўлланмалар нусхалари;</li> <li>тўлдирилган ҳисобот шакли (Низомга 2-илова)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>жойлаштириш воситасида жойлаштириш хизматлари кўрсатилган ташриф буюрувчилар рўйхати ва уларга кўрсатилган жойлаштириш хизматлари ҳажми тўғрисида маълумот;</li> <li>ҳисобварақ-фактуралар ва (ёки) жойлаштириш хизматларига ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;</li> <li>номер (жой) нарҳини шакллантириш тартибини белгилловчи жойлаштириш воситасининг локал ҳужжати нусхаси</li> </ul>



Тadbиркорлик субъекти ариза бериш вақтида қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги керак ва фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги лозим.

Субсидия бериш тартиби Низомнинг 3 ва 4-бобларида белгиланган

Мезонлар	Туроператорлар ва турагентларга хизмат кўрсатилган хорижий туристлар учун субсидия (Низомнинг 3-боби)	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш учун субсидия (Низомнинг 4-боби)
Субсидия лимити	Кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етунга қадар	1.06.2020 йилдан 31.12.2021 йилга қадар Аризалар 15.12.2021 йилга қадар қабул қилинади
Субсидия миқдори	<p>Ҳар бир хорижий турист учун, камида 5 сутка давомида мамлакатда бўлиш шarti билан – 15 АҚШ доллари.</p> <p>Субсидия сўмда тўлов кундаги МБ томонидан белгиланган курс бўйича ажратилади.</p> <p>Субсидия чартер рейслар ташкилотчиларига ажратилмайди (Низомнинг 2-боби)</p>	<p>Субсидиялар жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нарҳининг 10%и миқдорида ажратилади.</p> <p>Номер (жой) нарҳига кириштиладиган хизматлар назарда тутилади.</p> <p>Жойлаштириш воситаси томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар (бар хизмати, ресторан хизмати ва бошқалар) кириштирмайди.</p> <p>«Е-Меһмон» тизимига ҳар бир ташриф буюрувчи ҳақидаги маълумотларни жойлаштиришда жойлаштириш воситалари турист жойлашган номер нарҳини кўрсатиши керак</p>
Қаерга муружаат қилиш лозим	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига – ёзма ёки электрон шаклда, Низомга 1-илова билан тасдиқланган шакл бўйича маблағ ажратиш тўғрисида ариза билан	

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ариза олинган кундан бошлаб 5 иш кунини мобайнида ҳужжатларнинг Низом талабларига мувофиқлигини текширади. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади. Бу ҳолда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 5 календарь кунга узайтириши мумкин.

Субсидияларни ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор 1 иш кунини мобайнида қабул қилинади, қарорнинг нусхаси қабул қилинган кунда ариза берувчига юборилади.

Рад этилган тақдирда ариза берувчи 2 ҳафта мuddатда камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такроран ариза билан муружаат қилиши мумкин. Ушбу мuddат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб 3 иш кунини мобайнида қайта қўриб чиқилади ва янги асослар бўйича

уни қаноатлантиришни рад этиш мумкин эмас.

Лимит ёки субсидия бериш учун мuddатнинг тугаши асосида рад этилган ҳолда такроран аризалар қўриб чиқилмайди.

**Рад этишлари мумкин, агар:**

а) Низомга мувофиқ ариза берувчи ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим қилмаган бўлса;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг нотўғрилиги;

в) лимит ёки субсидия бериш мuddати тугаган бўлса.

Қўмита Молия вазирлигига субсидия ажратиш тўғрисида буюртманомани тақдим этади. Молия вазирлиги уни 3 иш кунинида қўриб чиқади ва маблағларни Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиши. Ўз навбатида Қўмита 3 иш кунинида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисобварақларига ўтказиб беради.

Маълумотлар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан сохталаштирилганлиги аниқланган тақдирда субсидия Давлат бюджетига қайтарилмайди.

Олег Гаевой тайёрлади.

Иқтисодий-ҳўқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ЎЗБЕКИСТОН  
СОЛЖЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
**Фарҳод Собирович**  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
**АЛИМОВ**

Саҳифаловчи  
**Наталья**  
**БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz),  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz),  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
ётказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муружаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теринида ва саҳифаланди.  
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўғоғ бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳою кўпайилган нарҳда.  
Буюртма G123. Адади 670. Газета 2021 йил 26 январь соат 16.00 да топширилди.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## СОЛИҚ ХАВФИНИ БОШҚАРИШ, СОЛИҚ ХАВФИ МАВЖУД СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ (СОЛИҚ АГЕНТЛАРИНИ) АНИҚЛАШ ВА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА\*

ЎзР ВМнинг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарорига  
2-ИЛОВА\*\*

### СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

#### І БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**далолатнома** – текширув материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиш учун асослардан бири бўлиб ҳисобланадиган, солиқ текширувини ўтказиш жараёнида ёки унинг натижаси бўйича солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузиладиган ҳужжат;

**солиқ ҳисоботидаги тафовутлар** – солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ солиқ ҳисоботларида акс эттирилиши лозим бўлган кўрсаткичлар ёки маълумотлар билан солиқ ҳисоботида акс эттирилган кўрсаткичлар ёки маълумотлар орасидаги фарқ ёки номувофиқликлар;

**солиқ ҳисоботидаги хатолар** – солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботида нотўғри маълумотлар ёки кўрсаткичлар акс эттирилиши;

**солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини видеоасвирга олиш** – фуқаролар ёки солиқ органлари мансабдор шахслари томонидан видеокамера ва бошқа видеоёзиш қурilmаларидан фойдаланган ҳолда тасвирга олиш йўли билан олинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги видеоматериаллар;

**талабнома** – камерал солиқ текшируви якуни билан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланганда, солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш зарур-

лиги ҳақида кўрсатма мавжуд бўлган, солиқ органи томонидан солиқ тўловчига юбориладиган ҳужжат;

**тафовутларнинг асосномаси** – солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган солиқ органининг талабномасига жавобан аниқланган тафовутларга асос бўладиган тушунтиришлар ва ҳужжатлар;

**хронометраж кўздан кечириш** – ишлаб чиқаришнинг (хизматлар кўрсатишнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлашга доир солиқ назорати тадбири.

**хулоса** – камерал солиқ текшируви доирасида амалга оширилган ҳаракатлар, солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳолатларнинг солиқ текширувида тасдиғини тоғланлиги ёки қисман тасдиғини тоғланлиги ёхуд тасдиғини тоғланлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган текшируви ўтказган мансабдор шахс томонидан текширув натижаси бўйича тузиладиган ҳужжат.

4. Солиқ текширувлари доирасида ҳужжатлар алмашиш куйидагича амалга оширилади:

солиқ тўловчига ҳужжатлар электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, бироқ ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади;

солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади;

ҳужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур ҳужжатлар олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо кўйдириб топширилиши мумкин.

#### 2-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

5. Солиқ органлари солиқ текширувларининг куйидаги турларини ўтказди:

- камерал солиқ текшируви;
- сайёр солиқ текшируви;
- солиқ аудити.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 8.01.2021 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу қарорга 1 ва 3-иловалар «СБХ»нинг 19.01.2021 йилдаги 3 (1379)-сонида берилган. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

6. Камерал солиқ текшируви – солиқ тўловчилар (солик агентлари) томонидан солиқлар ва йиғимлар (кейинги ўринларда – солиқлар) тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимига тўланишини текшириш мақсадида солиқ тўловчи, солиқ агентлари (кейинги ўринларда – солиқ тўловчи деб юритилади) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ органида мавжуд бўлган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув ҳисобланади.

Кўшилган қиймат солигини қоплаш билан боғлиқ бўлган камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом асосида белгиланади.

7. Сайёр солиқ текшируви – солиқ органлари томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш соҳасида солиқ тўловчиларнинг айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажариш бўйича ўтказиладиган текширув бўлиб, унда ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий қимматлиқлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади.

8. Солиқ аудити – солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) муайян даврдаги молия ва солиқ ҳисоботларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига барча жиҳатлардан мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, солиқ солиш мақсадларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг тўғри шакллантирилиши ва акс эттирилишини солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текширишдир.

9. Сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларни текшириш бундан мустасно.

Солиқ тўловчиларда ўтказилган текширув натижалари солиқ органлари томонидан текширув тугатилганидан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

### 3-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10. Солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органининг мансабдор шахси, солиқ тўловчи ва унинг вакиллари солиқ текширувининг иштирокчилари ҳисобланади.

11. Солиқ текширувларига зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 149-153-моддаларида белгиланган тартибда гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва ҳолислар жалб этилиши, шунингдек, экспертиза тайинланиши мумкин.

12. Эксперт, мутахассис ва таржимонни жалб қилиш учун солиқ органи томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилинади.

Мустақил эксперт, мутахассис ва таржимонлар шартнома асосида солиқ органининг маблағлари ҳисобидан жалб қилиниши мумкин, маблағ ажратиш тартиби Ўзбекистон Респуб-

ликаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) томонидан тасдиқланади.

13. Солиқ назоратини амалга ошириш учун аҳамиятга эга бирор-бир ҳолатлар ўзига маълум бўлган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахс кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Солиқ текшируви давомида кўрсатмалар олишдан аввал солиқ органининг мансабдор шахси гувоҳни кўрсатмалар беришни рад этганлик ёки бундан бош тортганлик ёхуд била туриб ёлгон кўрсатмалар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида оголхатирлади.

Гувоҳнинг кўрсатмалари ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада қайд этилади.

14. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда солиқ текширувини ўтказадиган солиқ органи мансабдор шахсининг илтимосини асосида қабул қилинади.

15. Солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органининг мансабдор шахси солиқ тўловчининг экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарор билан таништиради ва ҳуқуқларини тушунтириб, бу ҳақида ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ шаклда баённома тузади.

16. Солиқ органлари мансабдор шахслари сайёр солиқ текширувида ҳолис сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

17. Солиқ текширувларини ўтказишда солиқ тўловчилар кўйидаги ҳуқуқларга эга:

солиқ органлари мансабдор шахсларининг текширув масалаларига алоқаси бўлмаган талабларини бажармаслик;  
солиқ текширувларини ўтказишда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

солиқ текширувини амалга оширувчи солиқ органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросига тааллуқли масалалар бўйича тушунтиришлар бериш;

солиқ тўловчи талаб қилиб олинаётган ҳужжатларни солиқ органига тақдим этмасликка ҳақли, агар ушбу ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари олдин солиқ органларига олдинги ўтказилган камерал ёки сайёр солиқ текширувларида ёхуд солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тақдим этилган бўлса;  
экспертни рад этиш ва экспертни ўзи кўрсатган шахслар орасидан тайинлаш тўғрисида илтимос қилиш;

солиқ органи мансабдор шахсининг рухсати билан экспертиза ўтказишда иштирок этиш ва экспертиза тушунтиришлар бериш, экспертнинг хулосаси билан танишиш;

солиқ текшируви материаллари билан танишиш ва текширув далолатномасини олиш;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш;  
камерал солиқ текшируви натижаси бўйича талабномада кўрсатилган тафавутларнинг асосномаси сифатида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тақдим этиш.

Сайёр солиқ текширувлари ёки солиқ аудитини ўтказишда солиқ тўловчилар кўйидаги ҳолларда солиқ органи мансабдор шахсларини солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўймасликка ҳақли, агар:

сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ва буйруқ нуسخаси солиқ тўловчига берилмаган бўлса, солиқ тўловчи уни олишдан бош тортган ҳоллар бундан мустасно;

текширувчи мансабдор шахс текширувини тайинлаш тўғ-

\*Низомга 1-24-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

## КИМЛАР ҚҚСНИ ЧОРАКЛИК АСОСДА ХИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШГА ҲАҚЛИ

Молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ чораклик асосда ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиб-бини тушунтирди.

– Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси ойига 1 млрд сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланади. Мазкур норма 2020 йилда Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонида назарда тутилган. 2021 йилдан бошлаб ушбу норма Солиқ кодексига киритилди (СК 259-м. 2-қ.; 30.12.2020 йил-

даги ЎРҚ-659-сон Қонун 2-м. 5-б.) Агар солиқ тўловчи ушбу талабларга мувофиқ бўлса, у солиқ органларига шахсий кабинет орқали хабарномани чоракнинг биринчи ойи учун солиқ тўлашнинг биринчи муддати келишидан кечиктирмай жўнатиши керак (10012\_1 шакл [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталида электрон солиқ ҳисоботи шакллари таркибиде жойлаштирилган):

Хабарнома тақдим этиш муддати	Чораклик асосда тўлаш ҳуқуқига эга бўлиш даври
2021 йил 20 февралдан кечиктирмай	2021 йил I чорагидан бошлаб
2021 йил 20 майдан кечиктирмай	2021 йил II чорагидан бошлаб
2021 йил 20 августдан кечиктирмай	2021 йил III чорагидан бошлаб
2021 йил 20 ноябрдан кечиктирмай	2021 йил IV чорагидан бошлаб

ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашни мисолларда кўриб чиқамиз:

### 1-МИСОЛ. Солиқ тўловчи чораклик асосда ҚҚС ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга ҳақли

2021 йил I чорак учун ҚҚС ҳисоб-китобига 1-«Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар» илованинг 010-сатри бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма қуйидагиларни ташкил этди:

январь учун – 100 млн сўм;  
февраль учун – 500 млн сўм;  
март учун – 800 млн сўм.

Солиқ тўловчи чораклик асосда ҚҚС ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга ҳақли. У 2021 йил 20 апрелдан кечиктирмай I чорак учун ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этади ва солиқни тўлайди, башарти у 20 февралга қадар чораклик асосда ҚҚС бўйича ҳисобот топшириш ва солиқни тўлашга ўтиш тўғрисида хабарнома берган бўлса. Агар у бунга амалга оширмаган бўлса, I чоракда ҳар ойда ҚҚС бўйича ҳисобот топшириш ва солиқни тўлашга тўғри келади.

### 2-МИСОЛ. Солиқ тўловчи чораклик асосда ҚҚС ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга ҳақли эмас

Солиқ тўловчи 2021 йил I чоракда ҚҚСни чораклик асосда тўлади.

2021 йил II чорак учун ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 010-сатри бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма қуйидагиларни ташкил этди:

апрель учун – 1 100 млн сўм;  
май учун – 900 млн сўм;  
июнь учун – 700 млн сўм.

II чоракда солиқ тўловчи чораклик асосда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга ҳақли эмас. 2021 йил 20 майдан кечиктирмай у апрель ойи учун ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва солиқни тўлаши керак.

Бу ҳақда солиқ хизматига хабар бериш талаб қилинмайди.

### 3-МИСОЛ. Солиқ тўловчи чораклик асосда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳуқуқини йўқотади

Солиқ тўловчи 2021 йил I чоракда чораклик асосда ҚҚС тўлаган. 2021 йил II чорак учун ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 010-сатри бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма қуйидагиларни ташкил этди:

● апрель учун – 100 млн сўм;  
● май учун – 1 500 млн сўм;  
● июнь учун – 800 млн сўм.

Солиқ тўловчи май учун яқундан бошлаб чораклик асосда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳуқуқини йўқотади ва тегишинча, 2021 йил 20 июндан кечиктирмай апрель ва май учун солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва солиқни бюджетга тўлаши керак.

Бунда апрель учун 20 июндан кечиктирмай ҳисоботни тақдим этиш ва солиқни тўлаш пеня ҳисоблашга сабаб бўлмайди ва СКнинг 220-моддасига биноан солиқ ҳисоботини тақдим этмаслик сифатида баҳоланмайди.

Агар солиқ тўловчи чоракнинг қайсидир ойида ҳажмини 1 млрд сўмдан оширса, бу чоракда у ҳар ойда солиқни тўлаши ва ҳисобот топшириши керак.

Солиқ органлари солиқ тўловчи-

ни у чоракда бир марта солиқ тўлаш ҳуқуқини йўқотганлиги ҳақида хабардор қилади. Бироқ бундай хабарномани кутиб турмаган маъқул, тегишли ҳолатлар рўй берганда мустақил равишда ҚҚСни ҳар ойда тўлашга ўтинг.

Кейинги чоракларда солиқ тўловчи яна чораклик асосда ҚҚСни тўлаш учун хабарнома топшириш ҳуқуқига эга. Асосий шарт – реализация қилиш бўйича айланма ойда 1 млрд сўмдан ошмаслиги керак.



Агар корхона ўтган йили ҚҚСни чораклик асосда тўлаган бўлса ва бу вақтда ҚҚСни чоракда бир марта тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган бўлса, 2021 йилда ҚҚСни чораклик асосда ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳақида хабарнома топшириш зарур эмас.

## ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** **Бизнинг фирма - айланмадан олинган солиқ тўловчиси янги фаолият тури - олтиндан ясалган заргарлик буюмларини тайёрлаш ва реализация қилишни йўлга қўймоқда. Катта айланма қилиб, бир ойдан кейин умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишимиз эҳтимоли бор. Нафақат ўзимиз ишлаб чиқарган, балки хунармандларнинг («Нинартанд») буюмларини ҳам сотишни режалаштирмоқдамиз.**

1. Олтиндан ясалган заргарлик буюмларини тайёрлайдиган ва реализация қиладиган корхона қандай умумбелгиланган солиқларни тўлайди?  
2. Хунармандлар билан қимматбаҳо металллардан буюмлар тайёрлаш бўйича шартномаларни тузишга ҳақимизми?

1 Олтиндан ясалган буюмларни тайёрловчи ва реализация қилувчи корхона фойда солиғи ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади.

Бунда заргарлик буюмларини реализация қилиш бўйича айланма ҚҚСдан озод этилган (СК 243-м. 1-қ. 18-б.).

2019 йил 1 июлдан бошлаб навбатдаги йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари шакллантирилаётганда миқдорини ҳар йили индексация қилган ҳол-


да, олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун 1 граммга 1 000 сўм миқдориде йигим жорий этилган (18.05.2019 йилдаги ПФ-5721-сон Фармоннинг 6-б.).

2 Хунармандлар «Хунарманд» уюшмаси аъзолари ҳисобланади. Хунармандчилик фаолияти субъектлари ўз фаолиятларини Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томо-

нидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг рўйхатига мувофиқ хунармандчилик фаолияти йўналишларини кўрсатган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида юридадилар (17.11.2017 йилдаги ПФ-5242-сон Фармонга 1-илова). Хунармандлар амалга ошириладиган фаолият турига мос келадиган маҳсулот ёки товар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш, шунингдек уларни мустақил равишда ёки бошқа йўл билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки товарлар (иш, хизматлар) нархларини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга (29.07.2009 йилдаги 216-сон ВМҚ билан тасдиқланган Низомнинг 16-б.). Рўйхатга кўра, хунармандлар заргарлик билан шуғулланиш, яъни қимматбаҳо металллардан маҳсулотлар тайёрлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Шундан келиб чиқиб, фирма хунармандлар, шу жумладан «Хунарманд» уюшмаси аъзолари билан қимматбаҳо металллардан маҳсулотлар тайёрлаш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



## УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАСИ АЛКОГОЛНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛДИ...

2021 йилдан эътиборан алкоғолли маҳсулотларни чакана реализация қилувчи турғун савдо шохобчалари айланмадан олинандиган солиқни тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар ва ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишлари керак. Бухгалтерларнинг саволларига молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ жавоб бери.

**1. 2020 йилда алкоғолли маҳсулотларни, шу жумладан пивони реализация қилган умумий овқатланиш корхоналари 2021 йилдан бошлаб ҚҚС тўлашга ўтишлари керакми?**

– 2021 йил 1 январдан бошлаб алкоғолли маҳсулотлар, шу жумладан пивони чакана реализация қилиш бўйича турғун савдо шохобчалари ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтган бўлишлари керак (СК 461-м. 2-қ. 9-б.).



ҚҚС ва фойда солиғига ўтиш айнан алкоғолли чакана реализация қиладиган турғун савдо шохобчалари учун назарда тутилган.

**Турғун чакана савдо шохобчаси** – бу савдо залига, савдо асбоб-анжомларига ҳамда товарларни сақлаш, навларга ажратиш ва қadoқлаш учун хоналарга эга бўлган, назорат-касса машиналари билан жиҳозланган бино (иншоот) (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-б. 5-хатбоииси). Бошқача айтганда, гап алкоғол билан чакана савдо қиладиган дўконлар ҳақида бормоқда.

Умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъект – бу умумий овқатланиш соҳасида кулинария, шунингдек бошқа озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи юридик шахсдир (Қоидаларнинг 2-б., ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 2-илова).

Умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш жараёнида тайёр маҳсулотлар ва харид қилинган товарлар истеъмолчининг хоҳишига кўра тегишли идишда ва ўрамда олиб чиқиб кетилиши мумкин, алкоғолли ичимликлар бундан мустасно. Алкоғолли ичимликларни олиб чиқиб кетиш учун сотишга йўл қўйилмайди (Қоидаларнинг 19-б.).

### МИСОЛ. Кўп тармоқли корхонада алкоғол билан чакана савдо қилиш

Айланмадан олинандиган солиқ тўловчи корхона 2020 йил учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

	Фаолият тури	Даромад суммаси, млн сўм	Жами даромаддаги улуғи, %
1.	Умумий овқатланиш	310	44
2.	Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш (шохобча 2020 йил декабрда очилган)	150	21
3.	Ижарага беришдан олинган даромадлар	250	35
	<b>Жами</b>	<b>710</b>	<b>100</b>

Алкоғол билан чакана савдо қилишдан олинган даромад умумий жами даромадда устунлик қилмайди (21%). Шунга қарамай, корхона 2021 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлаши керак.

**3. Корхона алкоғолли маҳсулотларни реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлайди, бироқ ҳали у алкоғол сотишни бошламади. У ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиши керакми?**

– Йўқ, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга турғун савдо шохобчалари орқали чакана реализация қилишни амалга оширадиган корхоналар ўтади.

Бевосита алкоғолни реализация қилмаган ҳолда алкоғолли маҳсулотларни реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлаш ҚҚС ва фойда солиғига ўтиш учун асос ҳисобланмайди.

**4. Умумий овқатланиш корхонаси 2021 йил февралдан ўзи ишлаб чиқарган пивони на-**

шу билан бирга умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар 2020 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги махсус комиссиялар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлганда сотилган (Қоидаларнинг 20-б.).

Яъни, умумий овқатланиш корхонасида 2020 йилда алкоғолли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлганда (олиб чиқиб кетиш учун сотишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги шартга риоя қилинган тақдирда) умумий овқатланиш шохобчасини алкоғолни чакана сотиш объектига айлантормайди. Ва унга ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга мажбурий ўтиш тўғрисидаги норма татбиқ этилмайди.

**2. Бошқа фаолият қаторида алкоғол билан ҳам чакана савдо қиладиган кўп тармоқли корхона қандай йўл тутуши лозим?**

– Агар кўп тармоқли корхонада алкоғолни сотиш бўйича савдо шохобчаси мавжуд бўлса, 2021 йилдан бошлаб у ҚҚС ва фойда солиғи тўловчисига айланади.

**фақат ташриф буюрувчиларга, балки чакана савдо шохобчаси орқали сотишни ҳам режалаштирмоқда. У қайси даврдан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғи тўловчисига айланади?**

– Агар корхона 2021 йил февралдан чакана савдо шохобчаси орқали алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишни бошласа, у 2021 йил 1 мартдан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиши керак.

Корхона 2021 йил 5 мартдан кечиктирмай ҚҚС тўлашга ўтиш ҳақида ариза бериши ва ҚҚС тўловчининг рўйхат рақамини олиши керак (Низомнинг 6-б., рўйхат рақами 3232, 2.05.2020 й.).

Солиқ кўмитасининг матбуот хизмати тушунтиришни [solik.uz](http://solik.uz) сайтида эълон қилиб, унда алкоғолни реализация қилувчи умумий овқатланиш корхоналарига 2021 йилда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиш талаби татбиқ этилиши масаласи юзасидан идоранинг позициясини тушунтирди.

## ДСҚ АЛКОГОЛЬ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШГА ДОИР МАСАЛАНИ ТУШУНТИРДИ

Хусусан, идоранинг хабар беришича, 30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-659-сон Қонунга мувофиқ СК алкоғол маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчаларига 2021 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиш мажбуриятини юклайдиган норма билан тўлдирилди (СК 461-м. 2-қ.; ЎРҚ-659-сон Қонун 2-м. 33-б., 5-м.).

Улар 2021 йил 5 январга қадар солиқ органларига ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга олиш учун ариза тақдим этган бўлишлари керак эди. Бироқ истисно тартибда ушбу муддат жорий йилнинг 15 январига қадар (15 январь ҳам қиради) узайтирилди.

Бунда Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига асосан давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан белгиланган жойларда доимий асосда жойлашган савдо объектлари (дўконлар, киоскалар, ларёклар, павильонлар, дорихоналар, оптика, автомобиль ёнилғиси кўйиш шохобчалари) турғун савдо шохобчалари ҳисобланади (Қоидаларнинг 3-б. 5-хатбоииси, ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова).

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларига асосан эса умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъект бу умумий овқатланиш соҳасида кулинария, шунингдек бошқа озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича функцияларни бажарувчи юридик шахсдир (Қоидаларнинг 2-б., ВМнинг 75-сон қарорига 2-илова).

Юқорида баён этилганларга биноан турғун савдо шохобчалари орқали алкоғолли маҳсулотлар, шу жумладан пиво билан чакана савдо қилувчи юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб жами даромади миқдори ва давлат рўйхатидан ўтказилган санадан қатъи назар барча амалга ошириладиган фаолият турлари бўйича ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтадилар.

СКнинг 461-моддаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда СКнинг 461-моддаси 2-қисми 9-банди нормалари умумий овқатланиш соҳасида фаолият доирасида алкоғолли маҳсулотларни реализация қилувчи солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда Президентнинг «Яширин иктисодийни кискартириш ва солиқ органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (30.10.2020 йилдаги ПФ-6098-сон) билан шундай тартиб ўрнатилгани, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмайди.

СКнинг 461-моддаси 2-қисми 10-банди нормалари бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга татбиқ этилмайди.



рисидаги буйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса;

солиқ текширувини ўтказишнинг буйруқда кўрсатилган муддатлари бошланмаган ёки ўтиб кетган бўлса.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

18. Солиқ текширувларини ўтказишда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари:

солиқ органларининг текшириш билан боғлиқ қонуний талаблари ва ҳисоб-китобларни инвентаризациядан ўтказиш; солиқ текширувини ўтказишнинг қонуний фаолиятига тўқинлик қилмаслик.

текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларига текширув билан боғлиқ, шу жумладан, электрон ахборот жисмларида сақланадиган, ҳужжатлар ва ахборотни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятини таъминлаш;

текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг талабига кўра солиқ тўловчи электрон шаклда тузилган ҳужжатларнинг қозғабди кўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт, электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида рўйхатга олинган электрон ҳисобварақ-фактуралар бундан мустасно;

камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда тегишли солиқлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан тақдим этиш;

солиқ аудити бошлангунга қадар солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаб қўйиш.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

19. Солиқ текширувларини ўтказишда солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари:

*камерал солиқ текширувини ўтказишда:*

ушбу Низомнинг 6-боби 3-параграфидида кўрсатилган тартибда солиқ тўловчининг ҳудудлари ва биноларини кўздан кечириш;

солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ тўловчини ёзма билдириш асосида солиқ органига у томонидан солиқларни тўлаш (ушлаб қолиш ва ўтказиш) юзасидан ёхуд солиқ текшируви билан боғлиқ равишда тушунтиришлар беришга қақариш;

текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни (ахборотни) учинчи шахслардан талаб қилиб олиш зарур бўлган ҳолларда ушбу ҳужжатларни (ахборотни) солиқ тўловчининг контрагентидан ёки ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган бошқа шахслардан талаб қилиб олиш; товарларнинг (хизматларнинг) битимдаги нархи бозор нархидан паст ёки юқори бўлган ҳолларда, тегишли солиқлар бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш;

камерал солиқ текшируви жараёнида текширилаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилмаганда, Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

*сайёр солиқ текширувини ўтказишда:*

солиқ тўловчилар томонидан аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини, шу жумладан, назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилишини текшириш; профилактика тадбирларини ўтказиш;

солиқ тўловчининг текширув билан боғлиқ, шу жумладан, электрон ахборот жисмларида сақланадиган ҳисоб ҳужжатлари ва ахборотни талаб қилиб олиш ва ўрганиш;

солиқ тўловчининг ҳудудлари ва биноларини, шунингдек, ҳужжатлар ва буюмларини, шу жумладан, солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни ушбу Низомнинг 6-боби 3-параграфидида белгиланган тартибда кўздан кечириш; видеотасвирга олиш мосламаларидан мажбурий фойдаланган ҳолда мустақил равишда назорат харидини амалга ошириш;

ассосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни инвентаризациядан ўтказиш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобга қўйилиши устидан солиқ назоратини амалга ошириш;

хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш;

сотилаётган товарлар нархини ва кўрсатилётган хизматлар ҳақини сунъий равишда ошириш ёки пасайтиришни текшириш;

солиқ тўловчи ишчи-ходимлари ҳақиқий сонининг уларнинг солиқ ҳисоботидаги акс эттирилган сонига мувофиқлигини текшириш;

бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш;

ер қаъридан фойдаланувчи солиқ тўловчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмини текшириш;

банклар томонидан солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ва солиқ органларининг инкассо топшириқномалари ўз вақтида бажарилишини текшириш;

валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилиши юзасидан текширувларни амалга ошириш;

активлар ва мажбуриятларни инвентаризациядан ўтказиш;

автотранспорт воситаларида ташилаётган товарларга белгиланган тартибда расмийлаштирилган товар-кузатув ҳужжатлари мавжудлигини текшириш;

*солиқ аудитини ўтказишда:*

кўрсатилган объектлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг текширилаётган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган маълумотларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида текширилаётган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳудудларини ёки биносини ёхуд солиқ солиш объектларини кўздан кечириш; текширилаётган шахсдан солиқ текшируви учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

солиқ текширувларини ўтказувчи шахс солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни, буюмларни ва электрон ахборот сақловчи жисмларни (солиққа оид ахборотни сақловчи мосламалар, шу жумладан, компьютернинг қаттиқ диски, ноутбуклар ва бошқалар) Солиқ кодексининг 148-моддасида белгиланган тартибда олиб қўйиш;

агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, тегишли солиқлар бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш.

Солиқ органлари қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Солиқ текширувларини ўтказишда солиқ органлари мансабдор шахслари қуйидагиларга мажбур:

**сайёр солиқ текширувини ўтказишда:**

солиқ тўловчига ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиш;  
солиқ тўловчининг солиқ текшируви мақсади, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириш;  
солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг бир нусхасини солиқ тўловчига тақдим этиши;

ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича солиқ текшируви далолатномасини тузиш ва бир нусхасини солиқ тўловчига тақдим этиш;

ўтказилган солиқ текширувларининг натижалари текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилишини таъминлаш;  
солиқ аудити бошлангунга қадар:

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини солиқ текшируви мақсади билан таништириш, унга ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиш;  
солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг бир нусхасини солиқ тўловчига тақдим этиш;

солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш.  
Солиқ органлари мансабдор шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## II БЎЛИМ. КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

### 4-БОБ. КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

#### 1-§. Камерал солиқ текширувини ташкил этиш

21. Камерал солиқ текшируви қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

солиқ хавфини бошқариш тизими асосида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши содир этилганлиги хавфи мавжудлигида;

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафавутлар ёки хатолар аниқланганда.

Солиқ органлари қуйидаги ҳолларда ҳам камерал солиқ текширувини ўтказишга ҳақли:

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари солиқ органига тушганда;

солиқ тўловчи томонидан олдин тақдим этилган солиқ ҳисоботиغا нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирадиган ёки кўрилган зарар суммасини кўпайтирадиган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилганда.

22. Камерал солиқ текшируви Солиқ кодексининг 88-моддасида белгиланган даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан ўтказилиши мумкин.

Агар солиқ (ҳисобот) даври учун солиқ мониторинги ўтказилаётган бўлса, бундай давр учун камерал-солиқ текшируви ўтказилмайди. Кўрсатилган қонун солиқ мониторинги муддатидан олдин тутилганда қўлланмайди.

23. Камерал солиқ текшируви солиқ органи жойлашган жойда амалга оширилади, бундан солиқ тўловчининг ҳудудларини ва биноларини кўздан кечириш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно.

Ҳудудларни ва биноларни кўздан кечириш солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида акс эттирилган кўрсаткичлар ёки маълумотлар ҳамда солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа ахборотнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун ўтказилади.

Ҳудудларни ва биноларни кўздан кечириш солиқ тўловчида белгиланган иш режимида асосан бир иш кунини давомида ўтказилади.

24. Агар солиқ тўловчи томонидан аввал ҳисобланган солиқ суммаси ўзгартирилиб, камерал солиқ текшируви туғалгунга қадар ўн кун олдин аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилса, камерал солиқ текшируви ушбу тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

#### 2-§. Камерал солиқ текширувини ўтказиш

25. Камерал солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) ушбу Низомга 4-иловада\* келтирилган шаклда расмийлаштириладиган буйруғи асосида ўтказилади.

26. Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида фақат битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилади.

27. Камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи ва унинг идентификация рақами, текширувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр кўрсатилади.

28. Камерал солиқ текширувида солиқ органининг икки ва undan ortiq текширувчи мансабдор шахслари қатнашганда, текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштиришга буйруқда фамилияси биринчи кўрсатилган текширувчи жавобгар шахс ҳисобланади.

29. Камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган санадан бошланади.

Камерал солиқ текширувининг умумий муддати олтиш кундан ошиши мумкин эмас.

30. Камерал солиқ текшируви давомида солиқ органи ушбу Низомга 5-иловада\* келтирилган мувофиқ шаклда расмийлаштирилган сўровнома асосида солиқ тўловчидан:

солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳамда бошқа ҳисоб ҳужжатларини;

тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни талаб қилиб олишга ҳақли.

31. Сўровномада кўрсатилган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ тўловчи томонидан солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак.

Ҳужжатларни тақдим этиш муддати солиқ тўловчининг ҳужжатлар тақдим этиш учун сабаблари ва зарур бўлган муддатлари кўрсатилган аризасига кўра солиқ органи томонидан узайтирилиши мумкин. Бунда ариза солиқ тўловчи томонидан солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан кейинги кун давомида тақдим этилади.

32. Текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни (ахборотни) учинчи шахслардан талаб қилиб олиш зарур бўлган ҳолларда, солиқ органлари ушбу ҳужжатларни (ахборотни) солиқ тўловчининг контрагентидан ёки ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган бошқа шахслардан талаб қилиб олади. Ҳужжатларни (ахборотни) учинчи шахслардан талаб қилиб олиш ушбу Низомнинг 6-боби 5-параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан ҳужжатлар тасдиқланган кўчирма нусха шаклида тақдим этилади. Тасдиқланган бўлган ҳолларда солиқ органи ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишга ҳақли.

34. Агар ҳужжатлар олдин солиқ органига асл нусхалар тарзида тақдим этилиб, кейинчалик текширилаётган солиқ

тўловчига қайтарилган бўлса, шунингдек, солиқ органига тақдим этилиб, бартароф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текшириладиган солиқ тўловчидан қайта талаб қилиб олинishi мумкин.

35. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича текширувни ўтказувчи мансабдор шахс ушбу Низомга 6-иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ хулоса тузади.

Хулосада камерал солиқ текширувини бошлаш ташаббуси учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар кўрсатилиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланганлиги ёки аниқланмаганлиги, қисман тасдиғини топганлиги ёки топмаганлиги, солиқ ҳисоботларидаги тафовутлар ёки хатолар баён этилади.

Шунингдек, хулосада, агар бундай ҳаракатлар камерал солиқ текшируви доирасида амалга оширилган бўлса, солиқ тўловчидан ёки учинчи шахслардан талаб қилиб олинган ёхуд солиқ тўловчининг худудларини ва биноларини қўздан кечиришда ҳамда ўтказилган сайёр солиқ текширувларида олинган ахборотни (ҳужжатларни) ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари ҳам кўрсатиллади.

36. Камерал солиқ текшируви юзасидан тузилган хулоса солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан икки кун ичида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

37. Камерал солиқ текшируви материаллари, шу жумладан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги далолатнома, текшириш якунларига кўра тафовутлар аниқланганлиги ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши мавжуд эмаслиги тўғрисида тузилган хулоса Солиқ кодексининг 135-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши керак.

### 3-§. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномани юбориш

38. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича тасдиқланган хулосага кўра солиқ ҳисоботидаги тафовутлар ёки хатолар аниқланган ҳолатлар юзасидан солиқ органи томонидан икки кун муддатда солиқ тўловчига уларни бартароф этиш тўғрисида ушбу Низомга 7-иловага\* мувофиқ шаклда талабнома юборилади.

Талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади. Тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича тафовутлар ёки хатолар аниқланмаган бўлса ҳам камерал солиқ текшируви якунланган деб ҳисобланади ва бу ҳақда солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига тегишли хабарнома юборилади.

39. Солиқ тўловчи талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда тегишли солиқлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан солиқ органига тақдим этиши шарт.

40. Солиқ тўловчи талабномада кўрсатилган тафовутларнинг асосномаси сифатида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тақдим этишга ҳақли. Ушбу асосномани солиқ тўловчининг номидан солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мустақил равишда солиқ тўловчи билан тузилган шартномага асосан тақдим этиши мумкин.

41. Солиқ тўловчининг тақдим этган асосномаси тегишли ҳужжатлар (асосномалар) олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида солиқ органининг раҳбари (раҳбари ўринбосари) томонидан кўриб чиқилади.

42. Аниқланган тафовутлар бўйича тақдим этилган асосномаларга тўлиқ ёки қисман розилик берилган тақдирда, солиқ органи олдин юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғ-

рисидаги билдириш хатини ёхуд солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш тўғрисидаги аниқлаштирилган талабномани уч кун ичида солиқ тўловчига юборади.

43. Агар солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса ёки аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса ёхуд тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли. Бунда солиқ аудити ушбу Низомнинг 6-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

### 4-§. Камерал солиқ текширувда аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш

44. Агар камерал солиқ текшируви пайтада солиқ тўловчи томонидан Солиқ кодексининг 28-бобига мувофиқ жавобгарлик белгиланган солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ҳолати аниқланса, камерал солиқ текширувини ўтказган мансабдор шахс солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолатларини қайд этувчи далолатномани тузади.

45. Далолатнома ушбу Низомга 8-иловага\* мувофиқ шаклда солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган кундан эътиборан ўн кун ичида, бироқ камерал солиқ текшируви муддати тугаши кунидан кечиктирмай тузилади. Мазкур далолатнома ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган хулоса тузилишидан олдин тузилиши керак.

Далолатнома камерал солиқ текширувини ўтказган мансабдор шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

46. Камерал солиқ текширувини ўтказган солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) далолатномани ва камерал солиқ текширувининг бошқа материалларини ушбу далолатнома тузилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач, бироқ ўн беш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

47. Солиқ органи мансабдор шахси томонидан солиқ текширувда олинган фотосуратлар, видеоёзувлар ва текширишда олинган бошқа материаллар хулосага ёки солиққа оид ҳуқуқбузарлик далолатномасига илова қилинади.

48. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Солиқ кодексининг 165-моддаси еттинчи-ўн тўққизинчи қисмларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади, Солиқ кодексининг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно ва кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор Солиқ кодексининг 166-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

Солиқ кодексининг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Солиқ кодексининг 158-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор Солиқ кодексининг 159-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

49. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далолатнома ва камерал солиқ текширувининг бошқа материаллари кўриб чиқилгандан кейин натижалари бўйича беш кун ичида солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) қуйидагиларни: қўшимча солиқлар ва пеня ҳисоблаш ёки уларни рад этишни;

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш ёки буни рад этишни назарда тутувчи қарор қабул қилади.

50. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш ва қўшимча солиқларни ҳисоблаш тўғрисидаги қарор, у қабул қилинган кундан кейин икки кун ичида юборилади.

51. Солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор олинган кундан

этиборан ўн кун муддатда молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланганда жарима миқдори Солиқ кодекси 28-бобининг тегишли моддасида белгиланган миқдорга нисбатан икки бараварга камайтирилади.

52. Солиқ органининг қарорининг бажарилиши солиқ органи ва солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг қарори олинган санадан бошлаб бир ой муддат ўтгач амалга оширилади.

53. Солиқ тўловчи камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарорни ихтиёрий бажармаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш Солиқ кодексининг 120–124-моддаларида назарда тутилган тартибда солиқ органи томонидан мустакил равишда амалга оширилади.

54. Солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижасида ундирилган солиқ, пеня ва молиявий жарималар суммаларининг 60 фоизи давлат бюджетига, 40 фоизи Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига йўналтирилади.

55. Солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилган қарори устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Давлат солиқ қўмитасининг қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

56. Юқори турувчи солиқ органига тушган шикоятларни қўриб чиқиш Солиқ кодексининг 30-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 5-БОБ. САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

### 1-§. Сайёр солиқ текширувини ташкил этиш

57. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун қуйдагилар асос бўлади:

солиқ хавфини бошқариш тизими орқали аниқланган, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш хавфи мавжудлиги; жисмоний ёки юридик шахсларнинг солиқ ёхуд валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги муружаатлари, шу жумладан, товарлар ва хизматларнинг нархини асоссиз ошириб юбориш ҳолатлари тўғрисида, йўловчиларни енгил автотранспорт воситалари билан ташиш бўйича ноқонуний тадбиркорлик фаолияти;

оммавий ахборот воситаларида солиққа ва валютага оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

ўтказилаётган камерал солиқ текширувини ҳолисона амалга ошириш мақсадида қўшимча маълумотлар олиш зарурати юзага келганда;

валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш жараёнида солиқ органи юборган сўровномага солиқ тўловчи томонидан ҳужжатлар ёки ахборот тақдим этилмаган ёхуд тўлиқ тақдим этилмаганда;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида далолат берувчи ахборот тушганда.

58. Сайёр солиқ текшируви ўн кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилади.

59. Сайёр солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (уринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувларни

ўтказиш муддати ва мақсадлари, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидаги рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний фаолият юритаётган жисмоний шахслар фаолияти бўйича сайёр солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи ва Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидаги рўйхатга олиш рақами кўрсатилмайди.

60. Агар сайёр солиқ текширувида солиқ органининг икки ёки ундан ортқ текширувчи мансабдор шахслари қатнашганда, буйруқда фамилияси биринчи кўрсатилган текширувчи текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштиришга жавобгар шахс ҳисобланади.

61. Сайёр солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувини ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

62. Сайёр солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчилардан сайёр солиқ текшируви предметига алоқадор бўлмаган ҳужжатлари (ахборотни) талаб қилишга йўл қўйилмайди.

63. Солиқ тўловчилар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қўдаларига риоя этилиши, шу жумладан, улар томонидан назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши бўйича сайёр солиқ текширувларини ташкил этиш Давлат солиқ қўмитасининг «Soliq hamkor» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Фуқаролардан тушган муружаатлар ва ўтказилган солиқ текширувлари тўғрисидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг ахборотларни қайта ишлаш маркази тизимида жойлаштирилади.

«Soliq hamkor» автоматлаштирилган ахборот тизимини қайта ишлаш, ҳар йилги сақлаш ва модернизациялаш Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

64. Солиқ тўловчилар томонидан назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши масалалари бўйича сайёр солиқ текширувлари солиқ органлари томонидан хавфини бошқариш тизими маълумотларидан фойдаланган ҳолда чораклик режа-жадвал асосида амалга оширилиши мумкин.

65. Автотранспорт воситаларида ташилаётган товарларга белгиланган тартибда расмийлаштирилган товар-қўзатув ҳужжатлари мавжудлигининг сайёр солиқ текширувлари солиқ органлари мансабдор шахслари томонидан блок-постларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Мазкур текширишлар солиқ органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари ҳамда бошқа назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

66. Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ органи мансабдор шахслари ушбу Низомнинг 6-боби 3 ва 6-параграфларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг биноларини ва худудини кўздан кечиришга ҳамда ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишга ҳақли. Мазкур тадбирлар зарурат юзага келганда ҳолисларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

### 2-§. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг ҳисобга қўйилиши устидан солиқ нозоратини амалга ошириш

67. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш сайёр солиқ текширувлари чоғида, кейинчалик солиқ солинадиган базага

тузатишлар киритиш мақсадида худудлар ва биноларни кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади.

68. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштиришда қуйидагилар текширилади:

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, фаолият тури ва жойининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўйишга ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида мол-мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги.

69. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш натижасида олинган маълумотлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

### 3-§. Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш

70. Хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчиларнинг фаолият турлари бўйича ҳақиқий ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмларини, шунингдек, ҳақиқий харажатларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

71. Хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатмасдан, унинг иш кунини тўлиқ қамраб олган ҳолда, унга тегишли бўлган барча объектларда, уларнинг жойлашган жойидан катъи назар бир вақтнинг ўзиде ўтказилади.

72. Хронометраж кўздан кечириш солиқ тўловчиларнинг текширишга тасдиқланган иш режимида келиб чиқиб, бироқ кетма-кет етти календарь кундан кам бўлмаган муддатда ўтказилади.

73. Агар солиқ тўловчининг турли худудларда жойлашган (туман, шаҳар) бир неча объектлари мавжуд бўлса, солиқ органи уларда хронометраж кўздан кечириш ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий солиқ органига хронометраж кўздан кечириш бошланишидан камида бир кун олдин режалаштирилган хронометраж кўздан кечиришнинг аниқ санасини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар хронометраж кўздан кечириш якунланганидан сўнг ҳудудий солиқ органилари томонидан солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига бир кун ичида юборилиши шарт.

74. Хронометраж кўздан кечириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар) тури ва миқдорини аниқлаш;

тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини, ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини қайд этиш;

тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари учун сарфланётган ресурслар (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқлигини аниқлаш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (бажарилаётган ишларни, кўрсатилаётган хизматларни) реализация қилиш усулларини аниқлаш;

солиқ тўловчининг ҳақиқий харажатларини аниқлаш.

75. Хронометраж кўздан кечириш натижаси баённомаси икки нусхада расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси текширилаётган шахсга баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Солиқ тўловчи баённомага имзо чекишдан ва (ёки) унинг бир нусхасини олишдан бош тортган ҳолларда сайёр солиқ

текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан бу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади.

76. Хронометраж кўздан кечириш натижаси камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчиларга солиқлар ва йиғимларни қўшимча ҳисоблаш учун асос бўлиши мумкин.

### 4-§. Назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш

77. Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш бевосита солиқ тўловчи савдо ёки хизматлар амалга оширилаётган жойда ўтказилади.

Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш назорат харидини амалга ошириш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин.

78. Назорат-касса техникаси ва (ёки) ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши назоратини амалга оширишда, жумладан, қуйидагилар текширилади:

солиқ тўловчи томонидан фойдаланилаётган назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминали тегишли қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

харидорларга назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар берилиши;

банк карталари орқали тўловлар қабул қилиниши, харидорларга ҳисоб-китоб терминаллари чеки ва назорат-касса техникаси чеки берилиши;

сотилаётган товарлар нархини ҳамда кўрсатилаётган ҳақини нақд пул маблағлари ёки банк карталар бўйича тўлаш шаклига қараб уларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш масалалари.

79. Назорат харидини амалга оширишда қуйидаги шахслар жалб қилиниши мумкин:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат қилган жисмоний шахс (юримдик шахснинг вакили);  
«халис харидор» хизматини кўрсатувчи юридик шахс ишчи-ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган тартибда фуқаролик тусидаги шартномалар асосида солиқ органилари томонидан жалб қилинган жисмоний шахслар;

Иستёмогчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяятлари федерацияси вакиллари.

Сайёр солиқ текширувини ўтказишда назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилиши бўйича кўрсатма бериш учун товар ёки хизматни харид қилган, текширув натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай мустақил вояга етган ва солиқ назоратини амалга ошириш учун аҳамиятга эга ҳолатлар ўзига маълум бўлган шахслар жалб қилиниши мумкин.

80. Сайёр солиқ текширувида солиқ органиларининг текширувчи мансабдор шахслари томонидан назорат хариди жараёнини видеоасвирга олиш учун видеоасвирга олиш мосламаларидан мажбурий фойдаланиш шarti билан мустақил равишда назорат хариди амалга оширилиши мумкин.

81. Назорат харидини амалга оширган шахслар сотиб олинган товарларни назорат хариди якунланиши билан солиқ органининг сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсларига топшириши шарт.

82. Ўтказилган назорат хариди натижаси бўйича ушбу Низомга 9-иловага<sup>1</sup> мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади ва сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс, назорат харидини амалга оширган шахс ва текширилаётган шахс томонидан имзоланади.

Назорат харидини ўтказиш баённомасининг бир нусхаси солиқ тўловчига баённома нусхасини олганлигини тасдиқ-

ловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади. Бунда солиқ тўловчи назорат харидини ўтказиш баённомасига имзо чекидан ва (ёки) унинг нухасини олишдан бош тортган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённома бу ҳақида тегишли ёзув киритилади.

83. Назорат харидини ўтказишда нақд пул маблағлари ва банк пластик карталаридаги маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс назорат харидини ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли солиқ органи кассасидан олади.

Нақд пул маблағларини сайёр текширувини ўтказиш учун мансабдор шахсга беришда уларнинг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Мазкур варақ нухаси сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга берилади.

84. Назорат хариди ўтказилиб ва ўзаро ҳисоб-китоблар якунланган назорат харидини ўтказишда фойдаланилган пул маблағлари текширилган солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга қайтарилди, харид қилинган товарлар солиқ тўловчига (унинг вакили) қайтариб берилиши шарт, бундан қайтариш имкони бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилиши лозим бўлган назорат хариди предметлари мустасно.

Сайёр солиқ текшируви якунлангандан сўнг назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун олинган нақд пул маблағлари бир кун ичида тегишли солиқ органи кассасига тўлиқ ҳажмда топширилади. Пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақ нухаси кирим касса ордерига илова қилинади.

85. Солиқ органларига назорат-касса техникаси ёки ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш билан боғлиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақида жисмоний шахслардан тушган мурожаатларга видеоёзувлар илова қилингандан назорат харидини амалга ошириш талаб қилинмайди.

Жисмоний шахслардан тушган видеоёзувлар илова қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари солиқ органи томонидан сайёр солиқ текшируви натижаси бўйича тузиладиган далолатномада акс эттирилади, бунда ушбу Низомнинг 82-бандида кўрсатиб ўтилган баённома тузилмайди.

86. Жисмоний шахслар томонидан солиқ органларига тақдим қилинган солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги видеоёзувлар кўйидаги талабларга мос бўлиши керак:

видеофайлнинг намоиш этиш имконияти 720x480 пикселдан кам бўлмаслиги;  
видеоёзув давомийлиги 30 секунддан кам бўлмаслиги ва 10 дақиқадан ошмаслиги;  
видеоёзув маълумотларида сана ва вақт кўрсатилиши.

Солиқ органлари жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган видеотасвирларни солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолати аниқланган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Ўзгариши киритилган видеоёзувлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди, бевосита солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини акс эттириш юзасидан ҳажмини қисқартириш мақсадида ажратиб олинган ҳоллар бундан мустасно.

87. Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчининг

кассасида мавжуд нақд пул қолдиги санокдан ўтказилади ва ушбу Низомга 10-иловага\* мувофиқ шаклда нақд пул қолдигини санокдан ўтказиш далолатномаси тузилади.

Солиқ тўловчининг кассасидаги нақд пул қолдиги суммасини назорат-касса техникасида акс эттирилган пул тушумлари суммаси билан солиштириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасига киритилади.

88. Солиқ тўловчи томонидан бошқа солиқ тўловчига тегишли назорат-касса техникаси ёки ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш ҳолати аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текшируви далолатномасида уларнинг русуми ва завод рақамли тўғрисидаги маълумот акс эттирилади, шунингдек, харид чеки илова қилинади.

89. Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса техникаси мавжудлиги аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан белгиланган тартибда баённома тузилади ва ушбу назорат-касса техникаси экспертизадан ўтказиш учун вақтинча олиб қўйилади.

#### 5-§. Солиқ тўловчи ишчи-ҳодимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисоботидаги акс эттирилган ишчи-ҳодимлар сонига мувофиқлигини текшириш

90. Сайёр солиқ текшируви доирасида солиқ тўловчи – юридик шахслар ишчи-ҳодимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисоботидаги акс эттирилган ишчи-ҳодимлар сонига мувофиқлиги текшируви амалга оширилиши мумкин. Мазкур текширув кўйидагиларни ўз ичига олади:

солиқ тўловчининг ҳақиқатда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлари сонини аниқлаш ва ушбу Низомга 11-иловага\* мувофиқ шаклда баённома тузиш;

текширувда аниқланган солиқ тўловчининг ҳақиқатда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлари охириги ҳисобот даври учун солиқ органига тақдим этган солиқ ҳисоботларида акс эттирилган ишчи-ҳодимлар билан солиштирилади;

солиқ ҳисоботларида мавжуд бўлмаган ишчи-ҳодимлардан уларнинг ишлаш даври ҳамда олаётган даромадлари суммаси (иш ҳақи) тўғрисида ёзма равишда тушунтиришлар олинади.

91. Солиқ тўловчи ишчи-ҳодимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисоботида акс эттирилган ишчи-ҳодимлар сонига мувофиқлиги текшируви натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

92. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ҳодимлар билан меҳнат шартномалари ва (ёки) ёлланган ҳодимни ҳисобга қўйиш карточкалари мавжуд бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, ушбу қондабузарликлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### 6-§. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш

93. Бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш кўйидагиларни ўз ичига олади:

бир марталик йиғимларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилиши ҳамда уларни тўлашда назорат-касса техникаси қўлланилишини назорат қилиш;

Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида сотувчи ҳам ҳаридорларга кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ҳамда бино ва иншоотларни, шунингдек, буюмларни ижарага бериш бўйича ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини назорат қилиш;

савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш.

94. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### **7-§. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш**

95. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда, шу жумладан, қуйидагилар текширилади: алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилганлиги ва тегишли рухсатнома ёки лицензиялар мавжудлиги;

ҳисоб-китоб терминали, назорат-касса техникалари мавжудлиги ҳамда солиқ тўловчининг номига расмийлаштирилганлиги;

савдо шохобчасида сотувчи – юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар, яъни корхонанинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), иш режими, солиқ тўловчининг идентификация рақами, агар сотувчи яққа тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва рўйхатдан ўтказган органининг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар харидорлар танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

сақланаётган, фойдаланмаётган ва реализация қилинаётган товарларга уларнинг қонуний келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

агар солиқ тўловчи амалга оширадиган фаолият лицензияланиши шарт бўлса, лицензиянинг тартиб рақами ва амал қилиш мuddати тўғрисидаги, шунингдек, уни берган орган ҳақидаги маълумотлар харидорлар (истеъмолчилар) танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ҳамда бошқа буюмлар билан савдони амалга оширадиган сотувчи томонидан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни сотиш қоидаларига риоя этилиши, заргарлик буюмларининг асиллик даражаси белгиланганлиги ва тамғаланганлиги;

умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ва сотиш қоидаларига риоя этилиши;

алкоғоль маҳсулотлари реализациясини амалга оширишни бошлаш тўғрисида солиқ органлари хабардор қилинганлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган алкоғоли маҳсулотлар билан чакана савдони ва умумий овқатланишни амалга ошириш шартларига мувофиқлик текширилади.

96. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### **8-§. Ер қаъридан фойдаланувчи солиқ тўловчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳақмини текшириш**

97. Ер қаъридан фойдаланувчи солиқ тўловчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳақмини текшириш солиқ органлари мансабдор шахслари томонидан қончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатли давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўтказилади.

98. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геологик, маркшейдерлик ёки техник хизматларидан олинган хулосалар солиқ органлари томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлашда фойдаланилади.

99. Солиқ органлари томонидан ер қаъридан фойдаланувчилар ҳақиқатда қазиб олган (ажратиб олган) фойдали қазилмалар ҳақмини текшириш учун қончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатли давлат органлари мутахассисларини жалб қилиш йилига икки мартадан кўп бўлмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

#### **9-§. Солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ва солиқ органларининг инкассо топшириқномалари банклар томонидан ўз вақтида бажарилишини текшириш**

100. Солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ва солиқ органларининг инкассо топшириқномалари банклар томонидан ўз вақтида бажарилишини текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади, жумладан:

солиқ тўловчининг пул маблағлари ҳисобидан солиқни бюджет тизимига ўтказишга доир тўлов топшириқномаси банклар томонидан унинг банкдаги ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари ҳисобидан ўз вақтида бажарилишини текшириш;

солиқ органининг солиқни бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банклар томонидан солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари ҳисобидан ўз вақтида бажарилишини текшириш.

101. Текширишда солиқ тўловчининг топшириқномалари ва солиқ органининг инкассо топшириқномалари банк томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган навбат бўйича бажарилиши ўрганилади, жумладан:

солиқдан қарздор миқозининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлганда солиқ органларининг инкассо топшириқномалари, солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари банклар томонидан ижро қилинишини текшириш;

солиқ тўловчининг ҳисобварақларидаги миллий валютадаги маблағлар тўланиши лозим бўлган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда солиқ органларининг тақдирномасига асосан миқозларининг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағларнинг инкассо талабномаларини қондириш учун етарли бўлган миқдордаги қисми банк томонидан Республика валюта биржасига сотувга чиқарилганлигини текшириш;

миқозининг пул маблағлари етарли бўлмаганда тижорат банклари томонидан ижро тўлов ҳужжатлари бўйича мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш тартибига риоя қилинаётганлигини текшириш.

102. Солиқ органининг инкассо топшириқномаси ҳамда солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномаси тижорат банклари томонидан бажарилишини текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### **10-§. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини текшириш**

103. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилиши юзасидан текширув қуйидагиларни ўз ичига олади, жумладан:

валюта операциясини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар (шартномалар), ушбу ҳужжатлар (шартномалар) асосида амалга оширилган барча операцияларни тасдиқловчи ҳужжатлар текширилади;

экспорт-импорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар мавжудлиги текширилади.

104. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-

ларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риюа этилиши юзасидан текширув натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### **11-§. Активлар ва мажбуриятлар инвентаризациядан ўтказиш**

105. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни инвентаризациядан ўтказиш мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсадида ўтказилади.

106. Сайёр солиқ текширувларини ўтказишда солиқ тўловчининг актив ва мажбуриятларини инвентаризациядан ўтказиш ушбу Низомнинг 6-боби 7-параграфига белгиланган тартибда амалга оширилади.

107. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

#### **12-§. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш**

108. Ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш улар солиққа оид ҳуқуқбузарлик предмети бўлган ҳолларда сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилиши мумкин. Мазкур қарор ушбу Низомга 12-иловага\* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

109. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни тунги вақтларда (соат 23.00 дан 06.00 га қадар бўлган вақт оралиғида) олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

110. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширилаётган шахслар ишторикида ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда олиб қўйишни амалга оширишда ишторик этиш учун мутахассис таклиф этилади.

111. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш бошлангунига қадар сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс солиқ тўловчига ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Сайёр солиқ текширувида солиқ тўловчининг фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳужжатлар ва буюмларни (нусхалари, шунингдек, асл нусхалари), шу жумладан электрон ҳужжатлари, предметларини (товарлар, буюмлар, хом ашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналари) олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

112. Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ҳужжатлари ва (ёки) буюмлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ўз ихтиёри билан топширишни таклиф этади, таклиф рад этилган тақдирда эса — олиб қўйишни мажбурий тарзда амалга оширади.

Ўзига нисбатан олиб қўйиш амалга оширилаётган шахс олиб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва буюмлар сақланиши мумкин бўлган буюмларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортганда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс тамбаларга, эшикларга ва бошқа буюмларга зарурат сабабли имкон қадар шикаст етказмаган ҳолда олиб қўйишни мустақил тарзда бажаришга ҳақли.

113. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олишда ушбу Низомга 13-иловага\* мувофиқ шаклда икки нусхада ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги

баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдириб топширилади.

Солиқ тўловчи ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомани имзолаш ва (ёки) олишдан бош тортган ҳолларда бу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади ва солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

114. Солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатлар ва буюмларни тақдим этишдан, буюмларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақида сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан тузилган ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённомада қайд этилади.

Солиқ органлари томонидан сайёр солиқ текшируви жараёнида олиб қўйилган буюмларни ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек, йўқ қилиб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **13-§. Сайёр солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш**

115. Сайёр солиқ текширувида солиқ тўловчи томонидан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг ҳудуди ва буюмларига киришига тўқинилиб қилинган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан ушбу Низомга 14-иловага\* мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

Бундай далолатнома асосида солиқ органи текширилаётган шахс тўғрисида ўзида мавжуд бўлган маълумотлар ёки худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли. Далолатнома сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ва текширилаётган шахс томонидан имзоланади. Текширилаётган шахс кўрсатилган далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, мазкур далолатнома бу ҳақида тегишли ёзув киритилади.

116. Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан ушбу Низомга 15-иловага\* мувофиқ шаклда сайёр солиқ текшируви далолатномаси тузилади.

117. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси икки нусхада тузилади ва солиқ органи мансабдор шахслари ҳамда солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

Сайёр солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига далолатнома билан танишиб чиқиб, уни олганлиги ва санаси кўрсатилган имзоси орқали топширилади.

118. Солиқ тўловчи сайёр солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортганда, солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритилади ва унинг бир нусхаси солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети ёки почта орқали буюртма хат билан юборилади.

119. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун ёки унга юборилган кун солиқ текшируви яқунланган кун ҳисобланади.

120. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, текширув давомида расмийлаштирилган ҳужжатлар, эксперт ва мутахассислар хулосалари, сайёр солиқ текшируви давомида олинган материаллар, шунингдек, сайёр солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатларнинг бажарилишини тақдирловчи бошқа ҳужжатлар сайёр солиқ текшируви далолатномасига илова қилинади.



121. Сайёр солиқ текшируви давомида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш Солиқ кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда молиявий санкциялар Солиқ кодексининг 28 ва 29-бобларида назарда тутилган миқдорларда белгиланади ва пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади.

## 6-БОБ. СОЛИҚ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

### 1-§. Солиқ аудитини ташкил этиш

122. Солиқ аудити қуйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:

солиқ таваккалчилигининг юқори тоифасига мансуб бўлган;

камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, ёки у тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилган ҳолларда;

ихтиёрий тугатилаётган юридик шахсларда (солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича ҳужжатлари мавжуд бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно);

солиқ тўловчиларнинг жиноий ишлар бўйича молия-ҳўжалиқ фаолияти тафтиш қилиниши доирасида;

фаолиятини тўхтатган яқка тартибдаги тадбиркорлар, қатъий белгиланган миқдорда ёки декларация асосида жисмоний шахслардан даромад солигини тўлайдиганлардан ташқари.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга доир текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига 16 иш соатидан кўп бўлмаган муддатта жалб қилиниши мумкин.

123. Солиқ органлари солиқ аудити ўтказилиши бошланишидан камида ўттиз календар кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборади.

Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда солиқ тўловчини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир.

124. Солиқ аудитини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ аудитини ўтказиш дастури тайёрлангандан кейин чиқарилади.

Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан уни ўтказиш дастури ҳам тасдиқланади.

Жиноят иши юзасидан буйруқ терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими солиқ органига тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида чиқарилади.

125. Ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар ва фаолиятини тўхтатган яқка тартибдаги тадбиркорлар бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан солиқ органи хабардор қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида солиқ аудитини амалга оширишга киришилади.

Доимий муассаса орқали фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентларида солиқ ауди-

ти уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти туганган кундан бошлаб уч иш куни ичида бошланиши лозим.

126. Солиқ аудити солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Солиқ аудитида иштирок этиш учун Давлат солиқ қўмитаси билан келишлган ҳолда бошқа солиқ органларининг мансабдор шахслари жалб этилиши мумкин.

127. Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

солиқ аудити ўтказиш учун асослар;

солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами;

солиқ аудитини ўтказувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

солиқ аудитининг мақсади (текшириладиган битта ёки бир нечта солиқ турлари);

солиқ аудитини ўтказиш муддати;

солиқ аудити ўтказиш даври;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимдаги рўйхатга олиш рақами.

128. Солиқ аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботида солиқ тўловчи томонидан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди.

Солиқ аудитида икки ва ундан ортиқ текширувчилар қатнашганда текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштириш мақсадида буйруқда биринчи кўрсатилган текширувчи гуруҳ раҳбари ҳисобланади.

Солиқ аудитини ўтказиш жараёнида солиқ аудитида қатнашиш учун қўшимча равишда текширувчи ходимлар жалб этилиши, текширувчилар алмаштирилиши, шунингдек, текширувчини буйруқдан чиқариш зарурати туғилганда олдинги буйруқнинг рўйхатга олиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қўшимча буйруқ чиқарилади.

129. Солиқ органи солиқ аудити бошланишидан олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида ушбу Низомга 16-иловага<sup>1</sup> мувофиқ шаклда хабарнома юборади, бундан солиқдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлган, ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар ва фаолиятини ўз ташаббуси билан тўхтатган яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда жиноят иши доирасида тафтиш ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно.

Хабарномада солиқ аудитининг бошланиш санаси, текширилиши лозим бўлган масалаларнинг рўйхати, зарур ҳужжатларнинг дастлабки рўйхати, шунингдек, солиқ аудитини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Солиқ тўловчи солиқ аудити бошлангунга қадар хабарномада кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаб қўйишга мажбурдир.

130. Солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома солиқ тўловчининг шахсий кабинети ёки бюуртма хат қилиб почта орқали юборилади.

131. Солиқ аудити фақат Солиқ кодексининг 88-моддасида белгиланган даъво қилиш муддати ўтмаган ҳолдаги солиқ аудитидан кейинги даврни қамраб олиши мумкин.

132. Солиқ органлари солиқ тўловчининг айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортиқ солиқ аудитини ўтказишга ҳақли эмас, бундан солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно. Янги ҳолатлар аниқланган тақдирда солиқ органи такрорий солиқ аудитини тайинлашга ҳақли.

133. Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўттиз иш кунини ташкил қилади, бундан ушбу Низомнинг 134-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

134. Куйидаги ҳолларда солиқ аудитини ўтказиш муддати икки ойдан олти ойгача узайтирилиши мумкин:

солиқ аудити жараёнида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли солиқ аудитини ўтказиш учун буйруқда кўрсатилган муддатнинг етарли эмаслиги;

яроқсиз ҳолга келган ҳужжатларнинг ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ электрон ахборотни сақловчи жисмлар қайта тикланиши;

мутахассис фикри олинishi;

эксперт жалб қилиниши;

табiiй офат ёки бошқа фавқуллода ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар.

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ аудити ўтказилишини куйидаги ҳолларда ҳам узайтиришга ҳақи:

талаб қилинган ҳужжатлар (ахборот) беш иш кун ичида тақдим қилинмаслиги (узайтириш ҳужжатлар талаб қилинаётган ҳар бир шахс бўйича кўпи билан бир марта йўл қўйилади);

чет эл давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот олинishi;

экспертизалар ўтказиш;

чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни таржима қилиш.

135. Солиқ аудитини ўтказишнинг умумий муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас.

136. Солиқ аудитининг муддатини узайтириш солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг илтимосномасига асосан амалга оширилади. Бунда илтимоснома солиқ аудитининг муддати туғашидан беш иш кун олдин берилиши керак.

137. Солиқ аудитининг муддати узайтирилганда олдинги буйруқнинг рўйхатга олиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қўшимча буйруқ чиқарилади.

138. Солиқ аудитини ўтказиш муддати солиқ тўловчига (солиқ агентига) солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ топширилган кунда бошланади.

139. Солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси солиқ тўловчига ёки унинг вакилига буйруқнинг иккинчи нусхасига уни олганлиги тўғрисида имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

Текширув бошланишидан олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан солиқ тўловчининг ваколатли вакилига унинг текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакилларини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки уларнинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилиб, бу ҳақида баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларини рад этганлик солиқ тўловчи томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмайди.

Агар солиқ тўловчи маълум қилган манзилида жойлашмаганлиги ёки бошқа сабабларга қўра буйруқни тақдим қилишнинг имкони бўлмаганда, буйруқ электрон ҳужжат шаклида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, буйруқ нусхаси бюромта хат қилиб почта орқали юборилади.

140. Солиқ аудити натижалари солиқ органлари томонидан текширув тамомлангандан кейин уч иш кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

141. Солиқ аудитини солиқ тўловчининг ҳудудида ўтказишнинг имкони бўлмаганида, солиқ аудити солиқ органи жойлашган жойда ўтказилади. Бунда солиқ аудитини ўтказиш

учун зарур бўлган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан солиқ органига тақдим этилади.

## 2-§. Иختиёрий тугатилаётган юридик шахслар ва фаолиятини тўхтатган яқка тартибдаги тадбиркорларда солиқ аудитини ўтказиш хусусиятлари

142. Иختиёрий равишда тугатилаётган юридик шахслар, ваколатхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларда солиқ аудити рўйхатдан ўтказувчи органининг хабарномаси асосида амалга оширилади.

Солиқ органида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасасида солиқ аудити унинг солиқ органида ҳисобга қўйилишига асос бўлган аризада ёки унга илова қилинган шартномада кўрсатилган муддат туғанадга ўтказилади.

143. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган тижорат ташкилотларида солиқ аудити ўтказилмайди.

144. Иختиёрий равишда тугатилаётган солиқ тўловчида солиқ аудити охириги солиқ аудитидан кейинги солиқ даврини, бироқ солиқ аудити ўтказилаётган йилдан олдинги уч йилдан ошмаган даврни қамраб олиши мумкин.

## 3-§. Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш

145. Солиқ органларининг бевосита солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахслари кўрсатилган объектлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг текширилаётган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган маълумотларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида текширилаётган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳудудларни ёки биносини ёхуд солиқ олиш объектларини кўздан кечириши мумкин.

Кўздан кечириш давомида суратга олиш ва видеоёзувлар амалга оширилади, ҳужжатлардан нусха олинди ёки текшириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг талабига биноан кўздан кечириш ҳолилар иштирокида амалга оширилади.

146. Бевосита солиқ аудитини ўтказувчи солиқ органлари мансабдор шахсларининг текширилаётган шахснинг ҳудудига ёки биносига кириши ушбу мансабдор шахслар томонидан хизмат гувоҳномалари кўрсатилган ва солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) ушбу шахснинг солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Солиқ органларининг солиқ аудитини ўтказувчи мансабдор шахсларига мазкур ҳудудларга ёки биноларга (бундан турар жой бинолари мустасно) киришига тўсқинлик қилинган тақдирда, солиқ органининг мансабдор шахси ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган даллолатномани ушбу Низомга 17-иловага\* мувофиқ шаклда тузади. Бундай даллолатнома асосида солиқ органи текширилаётган шахс тўғрисида ўзида мавжуд бўлган маълумотлар ёки худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида туъланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли.

147. Солиқларни ҳисоблаш учун бухгалтерия ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, биринчи навбатда, солиқ органларида мавжуд бўлган ва солиқ тўловчидан олинган маълумотлар ўрганилади.

Бундай ахборотга куйидагилар қиради:

солиқ тўловчининг ўтган даврлар учун тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботи;

солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари;

давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлардан олинган маълумотлар.

148. Агар солиқ тўловчи томонидан солиқлар ҳисоблаш учун зарур бўлган бухгалтерия ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган ёхуд ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда солиқ органлари мустақил равишда солиқларни ялпи ҳудудий маҳсулот дефлятори миқдорига мос даврига нисбатан ҳисоблайди.

Мол-мулк солиғининг ҳисоб-китоби мол-мулкнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар, амортизация нормалари ва белгиланган ставкалар асосида амалга оширилади.

Ер солиғи суммасининг ҳисоб-китоби ер участкасининг майдони тўғрисидаги маълумотлар ва белгиланган ставкалар асосида амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби фойдаланилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотлар ва белгиланган ставкалар асосида амалга оширилади.

149. Солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ўтмаган тақдирда, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш орқали ҳисоблаб чиқариш солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида амалга оширилади. Бундай ахборотга қуйидагилар қиради:

солиқ органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлардан олинган маълумотлар;

солиқ ҳисоботини мунтазам тақдим этадиган ва ўхшаш фаолият билан шугулланадиган солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар.

150. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ваколатли органлар ва ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида солиқларни ҳисоблаб чиқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

солиқ органлари олинган маълумотлар асосида солиқларнинг ҳисобот даврига белгиланган ставкаларини қўллаган ҳолда солиқ солиш объектини ва солиқ солинадиган базани аниқлайди;

агар олинган маълумотлар асосида солиқ солиш объектини ва солиқ солинадиган базани аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқлар солиқ ҳисоботини мунтазам тақдим этадиган ва ўхшаш фаолият билан шугулланадиган солиқ тўловчилар тўғрисидаги ахборот асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Шунга асосан солиқ тўловчиларнинг ўхшаш фаолияти қуйидаги ўхшаш кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

фаолият тури;

фойдали қазилмаларнинг рўйхати ва қавлаб чиқариш ҳажмлари;

ишлаб чиқариладиган товарларнинг (хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш) рўйхати ва ҳажмлари, товар айланмаси ҳажмлари;

хизмат кўрсатиладиган миқозлар, ўқитилган шахслар (битирувчилар), амалга ошириладиган битимларда жалб этилган шахслар сони;

меҳнат шартномалари бўйича, фуқаролик ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган шахслар сони, шунингдек, ўртача ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;

маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш учун ресурслар ва хом ашё истеъмоли ҳажми;

соф фойданинг соф тушумига (товарлар ва хизматларни реализация қилишда олинган даромад акциз ва қўшилган қиймат солиғисиз ҳисобланган сумма) нисбати сифатида аниқланадиган рентабеллик кўрсаткичи ёки соф фойданинг харажатларга нисбати каби рентабеллик кўрсаткичлари;

солиқ тўловчининг жойлашган жойи.

151. Солиқ тўловчи фақат нақд пулсиз тартибда товарларни (хизматларни) реализация қилиш билан шугулланган тақдирда, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш орқали ҳисоблаб чиқариш реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун тушган маблағлар қисмида солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги хизмат кўрсатувчи банкнинг ахбороти асосида амалга оширилади.

152. Фақат чакана савдо, умумий овқатланиш ва нақд пулга хизматлар кўрсатиш билан шугулланадиган солиқ тўловчилар учун солиқ органлари олинган даромадларни хизмат кўрсатувчи банкларнинг ҳисобварақларига тушган нақд пул тушуми маълумотлари асосида аниқлайди.

153. Фақатгина ҳақ тўлаш фондини ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқлаш молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларидан қатъи назар, ўхшаш солиқ тўловчиларда ишчи-ҳодимлар сони ва таркиб топонд ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

154. Текширилаётган шахс кўрсатилган далолатномани имзоланиш рад этган тақдирда, мазкур далолатномага тегишли қайд киритилади.

Солиқ аудитини ўтказувчи шахсга ҳудудларга ёки биноларга (бундан турар жой бинолари мустасно) киришига тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи рўйхатга олиш маълумотларида кўрсатилган манзилида жойлашмаган тақдирда, солиқ органлари Солиқ кодексининг 111-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг бандаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

155. Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш учун уларга киришга тўсқинлик қилинган ҳолат бўйича далолатнома тузилганидан кейин солиқ тўловчи томонидан ҳудуд ва биноларга киришга руҳсат берилган тақдирда, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор бекор қилинади ҳамда кўздан кечириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

156. Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш натижасида ушбу Низомга 18-иловага\* мувофиқ шаклда баённома тузилади.

157. Агар мазкур солиқ солиш билан боғлиқ объектлар бошқа вилоят ҳудудида жойлашган тақдирда, ушбу объектларни кўздан кечириш, мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда савдо қондаларига риоя қилинишини назорат қилиш солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органи мансабдор шахсининг мурожаати асосида объект жойлашган жойдаги солиқ органи раҳбарининг (уринбосарининг) буйруғига биноан амалга оширилади.

#### 4-§. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш

158. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқ тўловчидан солиқ аудити учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли. Бунда солиқ тўловчига ушбу Низомга 19-иловага\* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабнома юборилади.

Талабнома солиқ тўловчига (унинг вакилига) шахсан имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Агар талабномани мазкур усулда топшириш имкони бўлмаса, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади ёки почта орқали бюуртма хат билан жўнатилади.

159. Солиқ аудити давомида талаб қилинган ҳужжатлар талабнома олинган кундан эътиборан беш иш кўни мобайнида тақдим этилади. Агар текширилаётган шахс талаб қилинаётган ҳужжатларни ушбу муддатда тақдим этиш имконига эга бўлмаса, у солиқ аудитини ўтказувчи шахсни бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Солиқ тўловчи талаб қилган ҳужжатларни белгиланган мuddатларда тақдим этишининг имкони йўқлиги тўғрисида унинг сабаблари кўрсатилган ёзма шаклдаги хабарномани талабнома олинган кундан кейинги кун давомида юбориши керак. Ушбу хабарномада солиқ тўловчи талаб қилган ҳужжатларни тақдим эта олиши мумкин бўлган мuddатлар кўрсатилиши лозим.

160. Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) қолиқ тўловчидан хабарномани олган кундан эътиборан икки кун мобайнида ушбу хабарнома асосида ҳужжатларни тақдим этиш мuddатларини узайтириши ёки мuddатларни узайтиришни рад этишга ҳақли бўлиб, бу ҳақида алоҳида қарор чиқаради.

161. Текширилаётган шахснинг талаб қилинаётган ҳужжатларни тақдим этишни рад этганлиги солиқ органининг мансабдор шахси томонидан ушбу Низомга 20-иловага\* мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада қайд этилади.

Текширилаётган шахс баённомани имлолашни рад этган тақдирда, бу ҳақида тегишли қайд киритилади. Кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганлиги ёки белгиланган мuddатларда тақдим этилмаганлиги ушбу ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлади.

162. Солиқ аудити жараёнида солиқ органларига текширилаётган шахснинг камерал ёки сайёр солиқ текширувлари ўтказилганда олдин тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек, солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тасдиқланган қўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни текширилаётган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эмас.

Агар ҳужжатлар олдин солиқ органига асл нусхалар тарзда тақдим этилиб, кейинчалик текширилаётган шахсга қайтарилган бўлса, шунингдек, солиқ органига тақдим этилиб, бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текширилаётган шахсдан қайта талаб қилиб олинishi мумкин.

#### **5-§. Учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш**

163. Солиқ текширувини ўтказувчи шахс солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли.

164. Агар текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) бошқа ҳудудда ҳисобда турган солиқ тўловчидан (учинчи шахсдан) олиш талаб этилса, солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органи тегишли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисида солиқ тўловчи (учинчи шахс) ҳисобда турган жойдаги солиқ органига топшириқнома юборади. Бунда топшириқномада солиқ назоратининг қайси тadbирини ўтказиш чоғида ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш зарурати юзага келганлиги кўрсатилади, муайян битимга тааллуқли ахборот талаб қилиб олинаётганда эса ушбу битимни идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар кўрсатилади.

Топшириқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида ҳужжатлар (ахборот) қайси шахсдан талаб қилинаётган бўлса, ўша шахснинг ҳисобда турган жойдаги солиқ органи томонидан учинчи шахсга талабнома юборилади.

Талабномага ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқноманинг қўчирма нусхаси илова қилинади.

165. Талабномани олган шахс талабнома олинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида уни бажаради ёки талаб қилиб олинаётган ҳужжатларга (ахборотга) эга эмаслигини хабар қилади.

Агар талаб этиладиган ҳужжатларни (ахборотни) мазкур

мuddатда тақдим этиш имкони бўлмаса, солиқ органи учинчи шахснинг имтиносномасига кўра ушбу ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш мuddатини узайтиришга ҳақли.

#### **6-§. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш**

166. Солиқ аудитини ўтказувчи шахс солиқларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни, буюмларни ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни (солиққа оид ахборотни сақловчи мосламалар, шў жулмалар, компьютернинг қаттиқ диски, ноутбуклар ва бошқалар) Солиқ кодексининг 148-моддасида белгиланган тартибда олиб қўйишга ҳақли.

167. Ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар қуйидаги ҳолларда олиб қўйилади:

солиқ аудитини ўтказиш жараёнида ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилган ёки белгиланган мuddатларда тақдим этилмаганда;

ҳужжатларнинг қўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлганда.

168. Олиб қўйилган ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар сақлаш зарурати туғагунга қадар сақлаб турилади.

Солиқ аудити учун аҳамияти бўлмаган ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб берилади.

Қайтарилган ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар солиқ тўловчидан қабул қилиб олганлиги тўғрисида тилхат олинади.

169. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилганда солиқ органлари уларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

170. Ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни олиб қўйиш ушбу Низомга 21-иловага\* мувофиқ шаклдаги солиқ аудитини ўтказувчи шахснинг асосланган қарори асосида амалга оширилади.

171. Ҳужжатлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни тунги пайтда (соат 23.00 дан 06.00 га қадар бўлган вақт оралиғида) олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Солиқ текшируви предметига алоқаси бўлмаган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйилмайди.

172. Ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва электрон ахборотни сақловчи жисмлари олиб қўйилаётган шахслар иштирокида ўтказилади. Барча олиб қўйиладиган ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кўрсатилади ва зарур бўлган тақдирда олиб қўйилган жойда ўралади.

173. Ҳужжатлар, буюмлар ва электрон ахборотни сақловчи жисмларни олиб қўйиш тўғрисида ушбу Низомга 22-иловага\* мувофиқ шаклда баённома тузилади ва унинг қўчирма нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

174. Солиқ тўловчи баённомани олишдан бош тортса, баённомага тегишли ёзув киритилади ва бир нусхаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ёки почта орқали буюртма хат билан юборилади.

#### **7-§. Инвентаризацияни ўтказиш тартиби**

175. Текширилаётган солиқ тўловчида солиқ аудитини ўтказиш жараёнида солиқ органларининг мансабдор шахслари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда

мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги юзасидан инвентаризация тайинлаш ва ўтказиш ҳуқуқига эга.

176. Жойлашган жойи ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, солиқ тўловчининг барча мол-мулки инвентаризация қилиниши керак.

Шунингдек, ишлаб чиқариш захиралари ва солиқ тўловчига қарашли бўлмаган, бироқ бухгалтерия ҳисобиди қайд этилган (масъулиятли сақлашда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулк, шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентаризация қилиниши лозим.

177. Инвентаризацияни ўтказиш учун солиқ органи раҳбари ушбу Низомга 23-иловага<sup>7</sup> мувофиқ шаклда буйруқ чиқаради, унда уни амалга ошириш асослар ва махсус инвентаризация комиссиясининг тарихи, шу жумладан, солиқ органларининг мансабдор шахслари, жалб қилинган мутахассислар ва солиқ тўловчининг ишчи-ходимлари (қелишилган ҳолда) кўрсатилади.

178. Махсус инвентаризация комиссияси аъзолари қуйидагилар учун жавобгар:

а) инвентаризацияни ўз вақтида ўтказиш ва уни ўтказиш тартибига риоя қилишига;

б) ҳисоб-китобларда текширилаётган асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва воситаларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга тўлиқ ва аниқ қайд этилишига;

в) товар-моддий бойликларнинг улар нархи белгиланадиган фарқловчи белгилари (тури, нави, русуми, ҳажми, прейскурант бўйича тартиб рақами, артикули ва ҳ.к.) рўйхатда тўғри кўрсатилишига;

г) белгиланган тартибга мувофиқ инвентаризация материаллари тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишига.

Мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентаризация комиссияси инвентаризация пайтидаги энг сўнгги кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши керак.

Солиқ тўловчининг мансабдор шахси ҳисоботларга илова қилинган барча кирим-чиқим ҳужжатларига «инвентаризациягача ...да (сана)» деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризацияни бошлаш пайтида мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Солиқ тўловчининг моддий жавобгар шахслари инвентаризация бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига олинган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлиги эса чиқимга ҳисобдан ўчирилгани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мулкни сотиб олишга ҳисобот бериладиган суммалари ёки уни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

179. Агар мол-мулкни инвентаризация қилиш бир неча кун мобайнида ўтказилса, моддий бойликлар сақланаётган хона махсус инвентаризация комиссияси кетаётганда муҳрланиши керак. Махсус инвентаризация комиссиялари ишида танарфус бўлганда (тушлик вақти, тунда, бошқа сабабларга кўра) рўйхатлар инвентаризация ўтказилаётган ёпиқ хонадаги яшиқда (жавон, сейфда) сақланиши шарт.

180. Товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишга киришишдан олдин махсус инвентаризация комиссияси:

ёрдамчи бинолар, ертўлалар ва бойликлар сақланадиган,

алоҳида кириш-чиқиш эшиклари бўлган бошқа жойларни пломбалаши;

оғирлиқни ўлчаيدиган барча асбоблар созланганини текшириши ва уларни тағмалашнинг белгиланган муддатларига риоя қилиши шарт.

181. Тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияда барча товар-моддий бойликлар махсус инвентаризация комиссияси ҳозирлигида, қолган ҳолларда эса – олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бойликлар гуруҳларга бўлиниши, навларга ажратилиши ва улар миқдорини санаш учун қулай бўлган маълум тартибда номлари, навлари, ҳажмлари бўйича жойлаштирилиши керак.

182. Асосий воситалар, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот, товарлар, пул маблағлари ва бошқа бойликларни инвентаризация қилиш уларнинг ҳар бир жойлашган жойи ва ана шу бойликларни сақлаётган жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Ҳақиқатдаги қолдиқларни текшириш солиқ тўловчининг моддий жавобгар шахсларининг (кассирлар, ҳўжалик, савдо корхонаси, омборхона, тайёрлов пункти ва ҳоказолар мудири) албатта иштирок этиши билан амалга оширилади.

Инвентаризация пайтида бойликларнинг мавжудлиги албатта санаш, тарозиди тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланади.

Ўтказиб берувчининг очилмаган ўрамида сақланаётган материаллар ва товарлар бўйича ушбу бойликлар миқдори, истисно тариқасида, ҳўжаликлар асосида, ушбу бойликлар бир қисмини албатта натурда (танлаб олиб) текшириш билан аниқланиши мумкин. Қопланмаган маҳсулотлар оғирлиги (ёки ҳажми)ни ўлчаш ва техник ҳисоб-китоблар асосида аниқлашга йўл қўйилади; ўлчаш далолатномалари ва ҳисоб-китоблар рўйхатга илова қилинади. Тарозиди тортиладиган кўп миқдордаги товарларни инвентаризация қилиш тарозиди тортиш қайдонмаларини ишчи инвентаризация комиссиясининг аъзоларидан бири ва моддий жавобгар шахс юрताди. Иш кунни охирида (ёки тарозиди тортиш тугагач) ана шу қайдонмалар маълумотлари солиштирилади ва чиқарилган яқун инвентаризация рўйхатига қайд этилади. Тарозиди тортиш қайдонмалари рўйхатга илова қилинади.

183. Инвентаризация қилинадиган бойликлар ва объектларнинг номлари ва уларнинг миқдори рўйхатларда номенклатура бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирликларидида кўрсатилади.

184. Рўйхатларга махсус инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо чекадилар. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар комиссия бойликларни уларнинг ҳозирлигида текширганини, комиссия аъзоларига нисбатан ҳеч қандай даъволар йўқлиги ва рўйхатда саналган бойликлар маъсулиятли сақлашга қабул қилинганини тасдиқлайдиган тилхат имзо чекадилар.

Бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш пайтида моддий жавобгар шахслар ўзгарган тақдирда бойликларни қабул қилган шахс инвентаризация рўйхатларига уларни олганлиги, топширган шахслар эса уларни топширганлиги хусусида имзо чекадилар.

Ҳўжаликка тегишли бўлмаган, бироқ унда жойлашган бойликларга алоҳида рўйхатлар тузилади.

185. Инвентаризация рўйхатлари техник воситалар, аҳборот тизими ва аҳборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳамда кўнда тўлдирилиши мумкин.

186. Махсус инвентаризация комиссияси товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш билан бир вақтда ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси тегишли барча сўётлар бўйича ёзувларни корреспонденцияланувчи сўётлар билан қиёслаган ҳолда текшириши керак.

Масалан, асосий воситалар бўйича (капитал маблағларнинг тегишли счётлари билан солиштирилган ҳолда) фойдаланишга қабул қилинган барча объектлар ҳисобга олинган-олинмагани; товар-моддий бойликлар бўйича – барча келиб тушган бойликлар кирим қилинган-қилинмагани, чиқиб кетганлари эса ҳисобдан ўчирилгани ва унда акс эттирилгани, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича – барча харажатлар чиқарилган маҳсулотга ҳисобдан ўчирилган-ўчирилмагани ва ҳоказолар аниқланиши зарур.

187. Асосий воситаларни инвентаризация қилишдан ўтказётганда комиссия мажбурий тартибда объектларни натурада қўздан кечиради ва инвентаризация рўйхатларига уларнинг тўлиқ номи, вазифаси, инвентар рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини қайд этади.

Ҳисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек, ҳисоб регистрларида уларни тавсифлайдиган маълумотлар бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган объектлар аниқланган тақдирда, комиссия инвентаризация рўйхатига ана шу объектлар бўйича етишмайдиган ёки тўғри маълумотларни ва техник кўрсаткичларни киритиши керак, масалан: биналор бўйича – уларнинг вазифаси, уларни қуришда ишлатилган асосий материаллар, ҳажми (ташки ёки ички томондан ўлчаб), майдони (умумий фойдали майдони), қаватлар сони (ертўла, ярим ертўла ва ҳоказоларсиз), қурилган йили ва ҳоказолар; каналлар бўйича – узунлиги, чуқурлиги ва эни (туби ва юзаси бўйича), сунъий иншоотлар, туби ва ёнларини маҳкамлаш материаллари, кўприклар бўйича – жойлашган жойи, материаллар тури ва асосий ўлчамлари; йўллар бўйича – йўл тури (тош йўл, профилли йўл), узунлиги, қоплаш материаллари ва машина қатнайдиغان эни ва ҳоказолар кўрсатилиши керак.

Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича ўтказилиши, эскириш эса объектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши, бунда баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши керак.

Махсус инвентаризация комиссияси инвентаризация вақтида аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар қачон ва қимнинг фармойиши билан барпо этилганини, уларни барпо этиш харажатлари ҳисобдан чиқарилганини аниқлаши ва буни баённомада акс эттириши шарт.

Асосий воситалар рўйхатга объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича қайд этилади. Агар объект тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланган ва бунинг оқибатида унинг асосий вазифаси ўзгарган бўлса, у рўйхатга янги вазифасига мувофиқ келадиган ном билан киритилади.

Агар махсус инвентаризация комиссияси капитал тусда қилинган ишлар (қават қуриш, янги хоналар қуриш ва ҳоказолар) ёки иморат ва иншоотларни қисман тугатиш (айрим конструктив усунларни бузиш) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган деб топса, у тегишли ҳужжатлар бўйича объект дастлабки қийматининг кўпайиш ёки камайиш суммасини аниқлаши ва рўйхатда қилинган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни келтириши керак.

188. Машиналар, усуналар ва куч қурilmалари инвентаризация рўйхатларига яқна тартибда, инвентар рақами, тайёрлаган заводи, чиқарилган йили, вазифаси, қувватлари ва ҳоказолар кўрсатилган ҳолда киритилади.

Бир вақтда бир цех ёки бўлимга жойлаштирилган ва гуруҳ ҳисобининг намунавий инвентарь варақчасида қайд этиладиган бир хил қийматдаги ҳўжалик анжомлари, асбоблар, дастдохлар ва ҳоказо бир турдаги буюмлар инвентаризация рўйхатларида номлари бўйича келтирилиб, ушбу буюмлар микдори кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг инвентарь объектларига берилган рақамлар, қоидага кўра, ўзгармаслиги керак. Объектлар ўларнинг техник-ишлаб чиқариш вазифасига кўра киритилиши керак бўлган асосий воситалар гуруҳидан бошқа гуруҳга хато равишда киритилган ҳолларда, шунингдек, нотўғри рақам қўйилганлиги аниқланган ҳолларда рақамлар ўзгартрилиши мумкин.

189. Фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган асосий воситалар инвентаризация рўйхатига киритилмайди. Ана шу объектларга инвентаризация комиссияси алоҳида рўйхат тўзиб, уларни фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади. Бундай объектларни ҳисобдан чиқариш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

190. Узининг асосий воситаларини инвентаризация қилиш билан бир қаторда ижарага олинган ва масъулиятли сақлашда бўлган асосий воситалар ҳам текширилади.

Кўрсатилган объектлар бўйича алоҳида рўйхат тузилади, унда ана шу объектлар масъулиятли сақлаш ёки ижарага қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларга ҳавола берилиди.

191. Номоддий активларни инвентаризация қилишда қуйидагилар текширилиши зарур:

• солиқ тўловчининг улардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги; номоддий активлар балансида тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлиги.

192. Молиявий қўйилмаларни инвентаризация қилишда қимматли қоғозларга доир ҳақиқатдаги харажатлар ва бошқа солиқ тўловчининг устав капиталлари, шунингдек, бошқа солиқ тўловчиларга берилган қарзлар текширилади.

193. Қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилганда қуйидагилар аниқланади:

• қимматли қоғозлар тўғри расмийлаштирилгани; қимматли қоғозлар бутлиги; қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилиши.

194. Солиқ тўловчида қимматли қоғозлар сақланганида уларни инвентаризация қилиш кассадаги пул маблағларини инвентаризация қилиш билан бир вақтда ўтказилади.

195. Қимматли қоғозларни инвентаризация қилиш алоҳида эмитентлар бўйича ўтказилиб, далолатномада номи, серияси, рақами, номинал ва ҳақиқий қиймати, узиш муддатлари ва умумий суммаси кўрсатилади.

196. Махсус ташкилотларга (депозитарий банк – қимматли қоғозларни сақлайдиган махсус жой ва х.к.) сақлаш учун топширилган қимматли қоғозларни инвентаризация қилиш солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисобида тегишли счётларида қайд этилган суммалар қолдиқларини ушбу махсус ташкилотлар кўчирмалари маълумотлари билан солиштиришдан иборат бўлади.

197. Бошқа ташкилотларнинг устав капиталларига молиявий қўйилмалар, шунингдек, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга берилган қарзлар инвентаризация пайтида ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

198. Товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш, қоидага кўра, мазкур хонада бойликларнинг жойлашиш тартибидега бажарилиши керак. Инвентаризация вақтида бир турдаги товар-моддий бойликлардан бошқасига тартибсиз ўтишга йўл қўйиб бўлмайди.

Товар-моддий бойликлар турли алоҳида хоналарда битта моддий жавобгар шахсда сақланганда инвентаризация қилиш сақлаш жойлари бўйича кетма-кетликда ўтказилади. Бойлик-

лар текширилганидан кейин хона эшиги пломбланади ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади.

199. Товар-моддий бойликлар инвентаризация рўйхатида ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

200. Махсус инвентаризация комиссияси раиси ёки унинг топшириғига кўра комиссия аъзолари оғбор (оғборхона) мудир ва бошқа моддий жавобгар шахслар ҳозирлигида товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини уларни албатта санаш, тарозиде тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширади. Рўйхатларга бойликлар қолдиғи ҳақидаги маълумотларни моддий жавобгар шахслар оғзидан ёки ҳақиқатда мавжудлигини текширмасдан туриб ҳисоб маълумотлари бўйича қайд этиш қатъиян тақиқланади.

201. Инвентаризация вақтида олиннадиган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентаризация комиссияси аъзолари ҳозирлигида қабул қилинади ва инвентаризациядан сўнг реестр ёки товар ҳисоботи бўйича кирим қилинади. Ушбу товар-моддий бойликлар «Инвентаризация пайтида тушган товар-моддий бойликлар» номи билан алоҳида рўйхатга киритилади. Рўйхатда улар қачон, қимдан тушгани, кирим ҳужжатининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади. Айна вақтда кирим ҳужжатида инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан ана шу бойликлар қайд этилган рўйхат санасига ҳавола қилган ҳолда «инвентаризациядан сўнг» белгиси қўйилади.

202. Инвентаризация узоқ вақт ўтказилган тақдирда фавқуллодда ҳолларда ва фақат ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтернинг ёзма рухсати билан инвентаризация жараёнида товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахсларга инвентаризация комиссияси аъзолари ҳозирлигида берилиши мумкин.

Ушбу бойликлар «Инвентаризация пайтида берилган товар-моддий бойликлар» деб номланган алоҳида инвентар рўйхатида киритилади. Бу ёзув инвентаризация пайтида тушган товар-моддий бойликларга оид ҳужжатларга ўхшаб расмийлаштирилиши керак. Чиким ҳужжатларида инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан белги қўйилади.

203. Бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ва масъулиятли сақланишда бўлган товар-моддий бойликлар ўзининг товар-моддий бойликлари билан бир вақтда инвентаризация қилинади. Ана шу бойликларга алоҳида инвентаризация рўйхати тузилади, унда ушбу бойликларни масъулиятли сақлашга қабул қилингани тасдиқланадиган тегишли ҳужжатларга ҳавола берилади.

204. Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан ҳақиқатда тўланмаган, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар оғборларида бўлган товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш тегишли сўётларда кўрсатилган суммаларнинг асослигини синчиклаб текширишни ўз ичига олади.

Ушбу товар-моддий бойликларни (йўлдаги, юклаб жўнатилган ва ҳоказо товарлар) ҳисобга олиш сўётларида тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган суммаларига қўшилиши мумкин:

йўлда бўлганлари бўйича – товар етказиб берувчиларнинг сўёт – тўлов талабномалари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан;

юклаб жўнатилганлари бўйича – харидорлар тақдим этган ҳисобварақ-фактуралар нусхалари ва тўлов талабномалари нусхалари билан;

тўлаш мuddати ўтган ҳужжатлар бўйича эса – банк муоасасасининг картотекаларида тўлов талабномалари мавжудлигини албатта тасдиқлаши билан;

бошқа ташкилотларнинг оғборларида жойлашганлари бўйича – инвентаризация қилиш санасига яқин бўлган санага қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан;

битта шаҳардаги товар етказиб берувчиларнинг оғборларида бўлганлари бўйича – инвентаризация қилишни ўтказиш санасида қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан.

Ушбу сўётлар (талабномалар) бошқа корреспонденцияланувчи сўётлар билан олдиндан солиштирилиши керак.

205. Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан мuddатда тўланмаган ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг оғборларида бўлган товар-моддий бойликларга алоҳида-алоҳида инвентаризация рўйхатлари (далолатномалар) тузилади.

Йўлда бўлган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда ҳар бир жўнатма бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилади: номи (ҳўжат бўйича), миқдори ва қиймати (ҳисоб маълумотларига биноан), юклаб жўнатиш санаси, шунингдек, ушбу бойликлар тегишли сўётларда ҳисобга олинишига асос бўлган ҳужжатларнинг рўйхати ва рақамлари. Бунда белгиланган мuddатда тушмаган ҳамда ҳисобда йўлдаги материаллар ва товарлар сифатида қайд этилган юклар бўйича уларни қидириб топиш учун қандай чоралар қўрилганлигини текшириш зарур.

206. Юклаб жўнатилган ва харидорлар ҳақини мuddатда тўламаган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда ҳар бир алоҳида жўнатма бўйича харидорнинг номи, товар-моддий бойликларнинг номи, юклаб жўнатиш санаси, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана, ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва ҳисобварақ-фактурага доир сумма келтирилади.

207. Ҳўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг оғборларида сақланаётган товар-моддий бойликлар рўйхатларга ушбу бойликлар масъулиятли сақлашга топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида киритилади. Ушбу бойликларга доир рўйхатларда уларнинг номи, миқдори, нави, ҳақиқатдаги қиймати (ҳисоб ҳужжатлари бўйича), юкни сақлашга қабул қилиш санаси, сақлаш жойи, ҳужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Ушбу бойликлар масъулиятли сақланишида бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлардан инвентаризация рўйхатларининг нусхалари олинганда комиссия бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини (инвентаризация рўйхатлари нусхаларининг маълумотлари асосида) ҳужжатларга биноан белгиланган миқдор билан таққослайди.

208. Бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда қайта ишлашда бўлган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда қайта ишловчи корхонанинг номи, бойликлар номи, миқдори, ҳисоб маълумотлари бўйича ҳақиқий қиймати, бойликларни қайта ишлашга бериш санаси, ҳужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

209. Фойдаланишида бўлган арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар улар жойлашган жой ва масъулиятли сақланишида бўлган шахслар бўйича инвентаризация қилинади.

Инвентаризация қилиш ҳар бир буюмни кўздан кечириш йўли билан ўтказилади. Инвентаризация рўйхатларига арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага мувofiқ номлари бўйича киритилади.

Шахсан фойдаланиш учун ходимларга берилган арзон баҳо ва тез эскирувчан буюмлар инвентаризация қилинганда гуруҳли инвентаризация рўйхатларини тузишга йўл қўйилади, уларда ушбу буюмлар учун масъул бўлган, уларга шахсий варақчалар очилган шахслар кўрсатилиб, рўйхатларда тилхатта имзо чекирилади.

Рўйхатларда буюмларнинг дастлабки қиймати кўрсатилади.

Ювиш ва тузатишга юборилган махсус кийим (коржом) ва сочик-дастурхонлар инвентаризация рўйхатига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қайднома-юкхатлари ёки квитанциялар асосида ёзилиши керак.

Яроқсиз холга келган ва ҳисобдан ўчирилмаган арзонбаҳо ва тез эскирувчан буюмларга ишчи инвентаризация комиссияси томонидан белгиланган шаклда далолатномалар тузилиб, фойдаланиш вақти, яроқсиз бўлиш сабаблари, ушбу буюмлардан ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

210. Идиш рўйхатларга турлари, мақсадли вазифаси ва сифат ҳолатига (янги, ишлатилган, тузатишни тақозо этадиган ва ҳ.к.) биноан киритилади.

Текшириш олдидан бўш идиш (тара) турлари бўйича танланиши керак, яъни:

ёғоч идишлар (яшиқлар, бочкалар);

картон идишлар;

металл идишлар (флягалар, барабанлар);

тўқимачилик идишлари (қоплар).

Яроқсиз холга келган идишларга ишчи инвентаризация комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, сабаблари ва идиш учун маъсул шахслар кўрсатилади.

211. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилиш унинг ҳажмлари ва ҳақиқий таннархини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги низом билан белгиланган тартибга ва унинг асосида ишлаб чиқилган тармоқ йўриқномаларига мувофиқ белгилашни тақозо этади.

212. Инвентаризация бошланишидан олдин цехлар учун зарур бўлмаган барча металллар, харид қилинган деталлар, шунингдек, ишлов бериллиши мазкур босқичда тугалланган барча деталлар, узеллар ва агрегатлар оморларга топширилиши лозим.

Цехларда бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари ва ярим тайёр маҳсулотлар уларнинг миқдорини тўғри ва қўлай усулда санашни таъминлайдиган тартибга келтирилиши керак.

213. Тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари (деталлар, узеллар, агрегатлар) қолдигини текшириш амалда санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

Рўйхатлар:

ҳар бир цех (участка, бўлим) бўйича – захиралар номи, уларнинг тайёрлик босқичи ёки даражаси, миқдори ёки ҳажмини кўрсатиб;

қурилиш-монтаж ишлари бўйича – уларга доир ҳисоб-китоблар уларга доир ишлар тўла тугалланганидан кейин, оралик тўловларсиз амалга ошириладиган тугалланмаган корхоналар, уларнинг навбатлари, объектлари, ишга тушириладиган мажмуалар бўйича ишлар ҳажмини кўрсатиб конструктив элементлар ва иш турларининг тугалланмаган қисмлари бўйича тузилади.

Иш жойларида бўлган, ишлов берилмаган хом ашё, материаллар ва харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш рўйхатига киритилмайди, балки алоҳида инвентаризация қилинади ва алоҳида рўйхатларда қайд этилади.

Узил-кесил брак қилинган деталлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибига киритилмайди.

214. Бир хилдаги масса бўлмаган ёки аралашма бўлган (тегишли саноат тармоқларида) тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентаризация рўйхатларида, шунингдек,

солиштириш қайдномаларида иккита миқдорий кўрсаткич келтирилади: ана шу масса ёки аралашма миқдори ва унинг таркибига кирадиган хом ашё ёхуд материаллар (алоҳида номлар бўйича) миқдори. Хом ашё ёки материаллар миқдори техник ҳисоб-китоблар билан тармоқ йўриқномаларида белгиланган тартибда белгиланади.

215. Тугалланмаган капитал қурилишнинг мавжудлиги ва ҳажми инвентаризация пайтида унинг тўланган қисмини натурада текшириш йўли билан белгиланади. Инвентаризация далолатномаларида объект номи ва ана шу объектга доир бажарилган ишлар ҳажми ҳар бир алоҳида иш тури, конструктив унсурлар, ускуналар ва ҳоказолар бўйича кўрсатилади.

Инвентаризация комиссияси қуйидагиларни:

тугалланмаган капитал қурилиш таркибиде монтажда берилган, бироқ ҳақиқатда монтаж бошланмаган ускуна бор-йўқлигини;

консервацияланган ва вақтинча қурилиши тўхтатилган объектларнинг ҳолатини текшириши керак.

Ана шу объектлар бўйича, хусусан, уларни консервациялаш учун сабаблар ва асосни аниқлаш зарур.

216. Қабул қилиниши ва фойдаланишига топширилиши тегишли ҳўжатлар билан расмийлаштирилмаган, қурилиши тугалланган, тўлиқ ёки қисман амалда фойдаланишига топширилган объектларга алоҳида далолатномалар тузилади. Тугалланган, бироқ нимагадир фойдаланишига топширилмаган объектларга ҳам алоҳида далолатномалар тузилади. Далолатномаларда кўрсатилган объектларни фойдаланишига топширишни расмийлаштириш нимага чўзилганлиги сабабларини ҳам кўрсатиш лозим.

217. Қурилиши тугалланган объектларга, шунингдек, амалга оширилмаган, баландан ўчирилиши керак бўлган қурилиш бўйича лойиҳалаш-тадқиқот ишларига далолатномалар тузилади, уларда қурилишни тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда бажарилган ишлар хусусияти ва уларнинг қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Бунинг учун тегишли техник ҳўжатлар, ишлар, босқичларни топшириш далолатномаларидан, қурилиш объектларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш журналлари ва бошқа ҳўжатлардан фойдаланилиши керак.

218. Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик қурилмалар ва бошқа объектларнинг тугалланмаган капитал таъмирларини инвентаризация қилиш натурада ишлар ҳолатини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал таъмирга далолатнома тузилади, унда таъмирланаётган объект номи, ишлар номи ва бажариш фаизи, бажарилган ишларнинг сметадаги ва ҳақиқий қийматлари кўрсатилади.

219. Ҳайвонлар ва ёш ҳайвонларни инвентаризация қилиш вақтида катта ёшли маҳсулдор ва иш ҳайвонлари инвентаризация рўйхатларида қайд этилади, уларда: ҳайвоннинг рақами (бирка, тамгаси), ҳайвоннинг лақаби, тугилган йили, насли, семизлиги, ҳайвоннинг тирик вазни (оғирлиги) (вазни (оғирлиги) кўрсатилмайдиган отлар, туялар, хачирлар, буғулардан ташқари) ва дастлабки қиймати кўрсатилади.

Ҳайвоннинг насли уни бонитировкалаш маълумотлари асосида кўрсатилади.

Қорамол, иш ҳайвони, чўчқалар (урғочи чўчка ва эркак чўчқалар), қўй ва бошқа ҳайвонларнинг алоҳида қимматли нусхалари (наслдор ўзаги) рўйхатларга яқка тартибда киритилади. Гуруҳ тартибиде ҳисобга олинадиган асосий поданинг бошқа ҳайвонлари рўйхатларга ёш ва жинс гуруҳлари бўйича киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича тувқлар сони ва жонли вазни (оғирлиги) кўрсатилади.

220. Ёш қорамоллар, ёш наслдор отлар ва иш ҳайвонла-



ри инвентаризация рўйхатларига яқка тартибда киритилиб, инвентарь рақамлари, лақаблари, жинси, насли ва ҳоказолар кўрсатилади.

Сўқимга боқиладиган ҳайвонлар, ёш чўчалар, қўй ва эчкилар, парранда ҳамда гуруҳ тартибда ҳисобга олинмаган бошқа хил ҳайвонлар рўйхатларга ҳисоб регистрларида қабул қилинган номенклатурага кўра киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича туёқлар сони ва жонли вазн (огирлик) кўрсатилади.

Рўйхатлар ҳайвон турлари бўйича ҷуҳлар, фермалар, бўлимлар, бригадалар бўйича, ҳисоб гуруҳлари ва моддий жавобгар шахсларга ажратиб тузилади.

221. Касса инвентаризация қилинганда пул маблағлари ва кассада бўлган бошқа бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилади. Қатъий ҳисобдаги бланкалар ҳам текширувдан ўтказилади.

Кассада пул маблағларининг ҳақиқатда мавжудлиги ҳисоб-китоб қилинганда пул белгилари, почта маркалари ва давлат божи маркалари ҳисобга қабул қилинади.

Ҳеч қандай ҳужжатлар ёки тилхатлар кассадаги нақд пул қолдигига киритилмайди. Кассирнинг кассада мазкур ҳўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган пул маблағлари ва бошқа бойликлар борлиги тўғрисидаги баёнотлари эътиборга олинмайди.

222. Нақд пул маблағларини инвентаризация қилиш далолатномасида бойликлар қолдиги инвентаризация кунида натурада ва ҳисоб маълумотлари бўйича кўрсатилади ва инвентаризация натижаси белгиланади.

Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш бланк турлари бўйича у ёки бу бланкаларнинг бошланғич ва охириги рақамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур текшириш натижалари махсус рўйхат билан расмийлаштирилади.

223. Йўлдаги пул маблағларини инвентаризация қилиш бухгалтерияси ҳисоби счётларида қайд этилган суммаларни банк муассасалари, почта бўлими ва ҳоказоларнинг квитанциялари маълумотлари билан солиштириш воситасида амалга оширилади.

224. Банкда ҳисоб-китоб ва жорий счётлар, аккредитивлар, махсус, алоҳида ва бошқа счётларда бўлган пул маблағларини инвентаризация қилиш ҳўжалик юритувчи субъект бухгалтериясининг маълумотлари бўйича тегишли счётларда қайд этилган суммалар қолдигини банк кўчирмасидаги маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

225. Банклар билан ссудалар бўйича, бюджет, харидорлар, товар отказиб берувчилар, ҳисобдор шахслар, ишчи ва хизматчилар, депонентлар ҳамда бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация қилиш тегишли ҳўжатлар бўйича қолдиқларни аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида қайд этилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишга асосланади. Комиссия дебитор ва кредиторлар счётлари бўйича қарзларнинг пайдо бўлиши, уларнинг реаллиги ва шундай бўлган тақдирда, даъво этиш муддатларини ўтказиб юборишда айбдор шахсларни аниқлайди.

«Мол отказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счётининг йўлдаги товарлар ва фактура қилинган товарлар бўйича товар отказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар суммаларига доир қисми алоҳида синчиклаб текширилиши керак. У ҳўжатлар бўйича, шунингдек, корреспондентияланувчи счётлар билан солиштирилган ҳолда текширилади. Бунда фактура қилинмаган товарлар таркибиде тўланиши «Тури дебитор ва кредиторлар билан

ҳисоб-китоблар» счётида акс этирилган суммалар ёки ҳақиқатда тўланган ва олинган, бироқ йўлда деб ҳисобланувчи материаллар ва товарлар суммалари акс этирилгани ёки этирилмагани аниқлаштирилади.

Товар отказиб берувчиларнинг счётларида фактура қилинмаган товарлар бўйича қолган суммаларга, ана шу счёт бухгалтерия томонидан текширилган, товар отказиб берувчилардан ҳисобварақ-фактуралар талаб қилиниши керак. Товар отказиб берувчилар харидорларга ҳисобварақ-фактуралар тақдим этишлари ёки уларни тақдим этмаслик берувчиларни маълум қилишлари шарт. Агар товар отказиб берувчида қарз бўлмаса, у буни харидорга маълум қилиши керак.

226. Ишчи ва хизматчиларга қарзлар бўйича ўз вақтида талаб қилиб олинмаган, депонентлар счётига ўтказилиши керак бўлган иш ҳақи суммалари, шунингдек, ишчи ва хизматчиларга ортиқча тўлашлар суммалари ва бунинг пайдо бўлиш сабаблари аниқлиниши керак.

227. Ҳисобот берилмаган суммалар инвентаризация қилинганда мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобдор шахсларнинг берилган бўнақлар бўйича ҳисоботлари, шунингдек, ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича берилган бўнақлар суммалари, уларни бериш саналари ва мақсадли фойдаланилиши текширилади.

228. Махсус инвентаризация комиссияси ҳўжатли текшириш йўли билан қўйидагиларни ҳам аниқлаши керак:

– банклар, ҳўжалик юритувчи субъект қисмлари билан ҳисоб-китобларнинг айнанлиги;

– баланс бўйича қайд этилган камомад ва ўғирликларга доир қарз суммалари тўғрилиги ва асослилиги ҳамда ана шу қарзни ундириш учун қабул қилинган чоралар;

– баланс бўйича қайд этилган дебиторлик, кредиторлик ва депонентлик қарзлари суммаларининг тўғрилиги ва асослангани, шунингдек, дебиторлик қарзини мажбурий тартибда ундиришга далолатномалари ва солиштириш қайдномалари;

– муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжудлиги сабаблари.

229. Солиштириш қайдномалари инвентаризация пайтида ҳисоб маълумотларида тафовутлар аниқланган бойликлар бўйича тузилади.

Солиштириш қайдномаларида инвентаризация натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар ва инвентаризация рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс этирилади.

Ортиқча ва кам чиққан товар-моддий бойликларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги ҳақиқат мувофиқ келтирилади.

Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш учун ягона регистрлар қўлланиши мумкин, уларда инвентаризация рўйхатлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг кўрсаткичлари бирлаштирилади.

Корхонага тегишли бўлмаган, бироқ бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъул яттли сақланган) бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бойликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади.

Солиштириш қайдномалари ҳисоблаш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб, шунингдек, қўлда тузилиши мумкин.

230. Қайта навларга ажратилиш натижасида ортиқча чиқиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олиншига биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсда, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс руҳсатиға кўра айнан бир хил миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мумкин.

### 8-§. Солиқ аудити натижаларини расмийлаштириш

231. Солиқ аудити натижасига кўра солиқ аудитини ўтказувчи шахс томонидан ушбу Низомга 24-иловага\* мувофиқ шаклда уч нусхада солиқ аудити далолатномаси тузилади.

232. Солиқ аудити далолатномасига текшириш давомида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Агар солиқ аудити натижасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари аниқланмаган бўлса, бу ҳақида солиқ аудити далолатномасида қайд этилади.

233. Солиқ аудити далолатномасининг барча нусхалари солиқ аудитини ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади. Солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига солиқ аудити тугаганидан кейин уч иш кун ичида топширилади.

234. Солиқ тўловчининг солиқ аудити далолатномасидаги имзоси унинг солиқ аудити натижаларига розилигини билдирмайди.

235. Солиқ тўловчи солиқ аудити далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда, солиқ аудитини ўтказувчи шахс бу ҳақда солиқ аудити далолатномасига тегишли ёзувни киритилади.

Бундай ҳолда солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали бюуртма хат билан юборилади.

236. Солиқ аудити ўтказилган шахс (унинг вакили) солиқ текшируви далолатномасида баён этилган ҳолатларга ва (ёки) текширувчиларнинг хулосалари ҳамда тақлифларига рози бўлмаган тақдирда, солиқ аудити далолатномасини олган кундан эътиборан ўн кун ичида тегишли солиқ органига мазкур далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим ҳолатлари юзасидан ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

237. Солиқ тўловчи ўз эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларга илова қилишга ёки келишилган муддатда солиқ органига топширишга ҳақли.

238. Солиқ аудити материаллари солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига юборилади ҳамда солиқ аудити тугаган кундан кейинги иш кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилади. Солиқ аудити натижаси бўйича маълумотлар солиқ текширувлари ҳисобини юритиш ахборот тизимига киритилади.

239. Солиқ аудити материалларини кўриб чиқиш ва натижаси бўйича қарор қабул қилиш Солиқ кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жиноий иш доирасида ўтказилган солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш ва натижаси бўйича қарор қабул қилиш учун солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган солиқ органига юборилади.

### 9-§. Ҳуқуқни суиистеъмол қилган ёки сохта битимларга асосан қўшилган қиймат солигини ҳисобга оладиган, ammo тўламайдиган солиқ тўловчиларда текширишларни амалга ошириш

240. Солиқ аудитини ўтказиш жараёнида солиқ тўловчининг мақсади асосиз солиқ нафи олишга ёхуд тўлаиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтиришга қаратилган операцияларни амалга ошириш эканлиги аниқланган тақдирда, бундай ҳаракатлар ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади.

Солиқ аудити натижасида солиқ тўловчи томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ҳуқуқ суиистеъмол қилинганлиги ва (ёки) битимнинг сохталиги, яъни қўшилган қиймат солигини ҳисобга оладиган, ammo тўламайдиган корхоналар аниқлан-

ган тақдирда, қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ базаси товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиби аниқланади.

241. Қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ базасини аниқлаш мақсадида товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати деганда товарларнинг (хизматларнинг) эҳтимолга энг яқин ва адолатли қиймати, шу жумладан, ваколатли органлар, баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланадиган ва (ёки) белгиланган, бу ёки бошқа товар ёхуд товарлар (хизматлар) бозорига реализация қилиниши (кўрсатилиши) мумкин бўлган қиймат тушунилади.

Солиқ органлари ҚҚС тўлиқ ҳисобланишини назорат қилиш чоғида битимлар (операциялар) бўйича товарларнинг (хизматларнинг) қиймати тўғри қўлланилганини қуйидагилар асосида аниқлаши мумкин:

ўзининг нархга доир маълумотлари (прайс-вараклар);  
ахборот-наrx агентликлари маълумотлари;  
оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;  
Давлат солиқ қўмитаси веб-сайтида нархлар тўғрисида маълумотлар;

биржа хабарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан тузилиб, ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган импорт қилинадиган товарларга нарх маълумотлари бюллетени;

статистика органларининг ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда нархларни белгилаш учун нормативларни белгилайдиган ваколатли органларнинг маълумотлари;  
сайёр солиқ текширувларида ўтказилган хронометраж кўздан кечириш маълумотлари.

Ўтказилган солиқ аудити материаллари ҳар ойда солиқ органининг ваколатли бўлиниши томонидан таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Солиқ тўловчи томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ҳуқуқ суиистеъмол қилинганлиги ва (ёки) битимнинг сохталиги, яъни қўшилган қиймат солигини ноқонуний равишда ҳисобга олган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, ушбу маълумотлардан кейинчалик солиқ хавфини бошқариш тизимида таҳлил қилишда фойдаланилади.

### III БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

242. Солиқ текширувлари натижалари бўйича текширув материаллари давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан Солиқ кодексига белгиланган тартибда ва муддатларда ижро қилиниши юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви натижасида қабул қилинган қарорни ихтиёрий тартибда бажармаган ҳолларда солиқ органи томонидан мустақил равишда Солиқ кодексининг 120-124-моддаларида назарда тутилган тартибда солиқ қарзларини ундириш амалга оширилади.

243. Қайси қоидабузарликлар учун жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлса, солиқ органи томонидан аниқланган шундай қоидабузарликлар юзасидан солиқ органининг солиқ текширувини ўтказган ваколатли мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузди.

244. Мазкур Низом талабларига асосан ўтказилган сайёр солиқ текширувлари натижалари бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида солиқ органларига маълумот берган шахсларни рағбатлантириш тартиби Давлат солиқ қўмитасининг буйруғи асосида белгиланади.

## КАСБГА САДОҚАТ ИЛА...

Мамлакатимизда карантин тадбирлари давом этаётган бир пайтда жорий этилган чеклов чораларига қарамай, ташқи савдо операциялари республикамизнинг бирор бир ҳудудида бир муддат бўлса-да, тўхтагани йўқ. Бу жараённинг узлуксизлигини таъминлашда божхона хизмати ходимлари тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмак бериш учун ташаббусни ўз қўлига олди.



Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли божхоначи бугун тадбиркорнинг ҳамкори, ёрдамчиси сифатида янги кифоада, янги имижда намоён бўлмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, «коғозсиз ва электрон божхона» тамойилининг мантӣқий давоми ва ривожланиши бўлган «рақамли божхона»ни шакллантириш бугун тизим олдидagi энг катта вазифалардан ҳисобланади. Мазкур вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли амалга ошириш, энг аввало, тадбиркорларга сифатли божхона хизматини кўрсатиш эса муносиб шарт-шароитлар яратишни тақозо этади.

Сирдарё вилояти божхона бошқармасида ҳам ўз касбини севадиган, фидойи ва жонкуяр ходимлар хизмат килиб келмоқда. Бошқарма томонидан 2020 йил давомида 8 млрд 016 млн сўмлик 374 та божхона қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, шундан Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими бошлиғи, божхона хизмати подполковниги **Тоҳир Деконев** бошчилигидаги тезкор ходимлар томонидан шу даврда **71 та** божхона қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган ва умумий қиймати **5,2 млрд** сўмлик товар-моддий бойликлар

ашёвий далил сифатида ушлаб қолинган. Шундан 12 ҳолатда **129 млн** сўмлик **331 329** дона **пиротехника воситалари**, 14 та ҳолатда **975,4 млн** сўмлик тиббиёт буюмлари ва дори воситалари, **гиёҳвандлик моддаси ва психотроп моддаларнинг** ноқонуний айлануви бўйича **жами 7 та** ҳолатда **13 туп** наша, **58,24 грамм** «гашиш» гиёҳвандлик мод-

даси ҳамда **86** дона психотроп таблеткалар ашёвий далил сифатида олинган. ТИФ соҳасида бўлимнинг «Божхона аудити» гуруҳи томонидан **5 та** ҳолатда **3,5 млрд** сўм қўшимча божхона тўловлари ундирилиши таъминланди.

Божхона хизмати майори **Дилшод Норматов** раҳбарлигидаги Божхона назоратини ташкил этиш бўлими ҳам 2020 йил давомида ижобий натижаларга эришди. Бошқарманинг божхона постлари томонидан «Авто» автоматлаштирилган ахборот дастурида 24 226 та ва «Темир йўл» автоматлаштирилган ахборот тизими дастурида 1 557 та Юкни етказиб бериш назорат қилиш китобчалари, 1 314 та Божхона кузатуви далолатномалари ва автотранспорт воситалари учун 14 375 та мажбуриятномалар расмийлаштирилиб, 5 305 та транспорт воситалари учун 625,9 млн сўмлик йиғимлар ундирилган ҳолда, божхона кузатуви амалга оширилди. Бундан ташқари, божхона постларида 3 552 та божхона кўриклари бўйича умумий назорат ишлари олиб борилган ва кўрик натижалари ўз вақтида ДБК-

нинг ЯААТ дастурларига киритилган.

Шунингдек, божхона органлари фаолиятига янгидан жорий этилган «Хавфни бошқариш» тизимидан самарали фойдаланиш орқали ТИФ ва чегара божхона постларида ижобий натижаларга эришилмоқда. «Сирдарё» чегара божхона постидаги мавжуд «Инспекцион кўрик мажмуаси»дан самарали фойдаланиш натижасида 2020 йил давомида **50 та** ҳуқуқбузарлик ҳолати

аниқланиб, 3 млрд 258 млн сўмлик товар-моддий бойликларнинг республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилиши олди олинди.

Божхона органларининг асосий вазифаларидан бири бўлган божхона тўловларининг ундирилиши бўйича белгиланган истиқбол режалар бажарилишида божхона хизмати майори **Бекзод Масейтов** бошчилигидаги Божхона тўловлари бўлими ва «Гулистон», «Сайхун» ҳамда «Ховос» ТИФ божхона постлари ходимлари томонидан 2020 йил учун белгиланган истиқбол режа кўрсаткичлари орғи билан бажарилган. Хусусан, божхона тўловларининг тушуми режадаги **185,27** млрд сўм ўрнига **190,48** млрд сўмга ёки **102,8** фоизга бажарилди, Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг мониторинг гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида қўшимча 929 та ҳолатда 15,43 млрд сўм божхона тўловлари ҳисобланиб, ундирилиши таъминланди.

Ҳозирги кунда ҳар жабҳада эркаклар билан ёнма-ён туриб, эл-юрт корига яраб, чегараларимизда астойдил хизмат қилаётган аёллар кўпчилигини ташкил этади. Божхона ходимлари **Санобар Абдуразақова**, **Мадина Бабаева**, **Мафтуна Раҳимзода**, **Саодат Жўраева**, **Ситора Кадирова**, **Роҳиля Пирназарова**, **Гулчехра Қудиярова** ва **Рената Сибгатулина**лар божхона хизмати самарадорлигини оширишга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг таклифи билан 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди. Мамлакатимизда ёшларнинг ўз салоҳиятини намойиш этишига катта шарт-шароитлар яратилаётгани ҳам бежиз эмас. Бошқармаимизда хизмат қилаётган ёш ходимларни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, буюк тарихимизни ўргатиш, маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқарма ва божхона постларида хизмат қилаётган ёш божхоначилар бугунги кунда олган билим ва кўникмалари асосида божхона қонунчилигини такомиллаштириш ва тартиб-қоидаларни соддалаштириш, тадбиркорларга қулай шароитлар яратиш, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ғояларни кенг жалб қилишга доир ўз таклифларини бериб келмоқдалар. Қолаверса, Сирдарё вилояти Ёшлар иттифоқи кенгаши ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбирларда ёш божхоначиларнинг фаол иштирок этиб келатганини кўриш мумкин.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## НА ХУЖЖАТ БОР, НА КАФОЛАТ...

Сирдарёлик божхоначилар ДХХ Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Бўка тумани ҳудудида тезкор тадбир ўтказишди.

Тадбирда олдиндан тезкор кузатувга олинган фуқаро М.Д. бошқарувидаги «Спарк» енгил автомобилнинг салони ва юкхонаси ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, хорижда ишлаб чиқарилган, сотиш мақсадида олиб келинган, божхона расмийлаштирувдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ва сифати кафолатланмаган тахминий қиймати **55 млн** сўмлик жами 550 та елим қутида «SAMYUN WAN» номли биологик актив қўшимчалар борлиги аниқланди.

Бу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Саҳифа Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

✓ **КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

## ДБК КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 21-сон қарори қабул қилинди.

Хужжат билан 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди, унинг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади:

- божхона органларида кинология хизматини тубдан такомиллаштириш;
- Марказда наслчилик ишларини самарали олиб бориш;
- кинологларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;
- хизмат итларини тайёрлаш.



Шунингдек куйидаги низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди:

- ДБКнинг Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш, итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- ДБКнинг Миллий кинология марказидаги хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низом;
- ДБКнинг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом.

Таъкидлаш жоизки, Марказ томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизматларни кўрсатиш Марказ ҳудудидаги ветеринария клиникаси орқали алоҳида ташкил этилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 18.01.2021 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

**РЕКЛАМА**

**«КОРХОНА ЮРИСТИ»**

электрон маълумотнома тизимини  
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

ТОШКЕНТ Ш. МИРОБОД ТУМАНИ, ТАЛЛИМАРЖОН КЎЧ., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: [office@norma.uz](mailto:office@norma.uz)  
web: [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

**СОЛИК & ХАБАРЛАРИ**

Молиявий-иқтисодий,  
ахборот-ҳуқуқий газета

**ТАЪСИСЧИ**  
«Norma» МЧЖ

Бош муҳаррир  
**Фарҳод Собирович**  
**ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
**АЛИМОВ**

Саҳифаловчи  
**Наталья**  
**БАРАНОВА**

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқди.

✓ **ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ**

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СУРЪАТЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



Сирдарёда пандемия шароитида ўз фаолиятини бир зум бўлса-да, тўхтатмаган корхоналар талайгина. Ана шундай корхоналардан бири Гулистон шаҳридаги тўқув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Neo Cotton» масъулияти чекланган жамиятидир.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти томонидан тадбиркорларнинг муаммоларини жойига чиқиб ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан берилган тегишли топшириқ доирасида Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ва «Гулистон» ТИФ божхона постининг маъсул ходимлари ушбу корхонага ташриф бузориб, карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда учрашув ташкил қилди.

– Карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда қарийб **250 нафар** ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада Италия ва Хитойдан олиб келинган ускуналар ёрдамида бир кунда ўртача **25 минг дона пайпоқ ишлаб** чиқарилмоқда, – дей-

ди жамият раҳбари С.Пўлатов. – Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қатори бизга ҳам катта имкониятлар берди.

Корхона бу йил ҳам ишлаб чиқариш суръатларини бир неча баробарга оширишни ўз олдига мақсад қилган ва шунинг учун шу кунларда Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Соф фойда ҳисобидан ишчиларга барча қулай шароитлар яратилган, 120 ўринга мўлжалланган ошхона, ишчиларни ташиш учун 2 та автобус

ажратилган, шунингдек ишчилар доимий равишда маҳсул кийим бош билан таъминланган.

*Жамият томонидан 2020 йилда 1,6 млн АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулотлар Россия давлатига экспорт қилинган бўлиб, ушбу даврда жамиятга нисбатан 574,35 млн сўмлик божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган.*

Бундай учрашувлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида давом эттирилмоқда.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*

✓ **КОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ**

## ПОЧТА ОРҚАЛИ ХАВФЛИ «МУЖДА»

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси ва турли найранглари қўлланган ҳолда юртимизга яширинча олиб килинишига бўлган уринишларга қарши божхона органлари томонидан тизимли равишда кураш олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари Фарғона вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган кенг камровли тезкор талбир давомида гиёҳвандлик воситаларининг йирик миқдордаги ноқонуний айланмасига чек қўйишди.

Гап шундаки, Нидерландиядан Фарғона вилоятида яшовчи фуқаро Д.Н. номига келган почта жўнатмаси божхона ходимлари эътиборини тортди. Мазкур почта жўнатмаси белгиланган тартибда кўздан кечи-

рилганда унда «ABD-BUTINACA» номли 498,82 грамм синтетик турдаги гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди.

Мазкур почта жўнатмасига буюртма берган ва унга алоқадор бошқа шахсларни аниқлаш мақсадида Фарғона вилоятида ўтказилган тезкор талбирда Д.Н. жўнатмани қабул қилиб олиш учун келган пайтда тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди. Унинг яшаш хонадони белгиланган тартибда кўздан кечирилганда «гашиш» гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди. Терговга қалар текширув давомида маълум бўлишича, Д.Н. мазкур гиёҳвандлик воситасига интернет дўкони орқали буюртма берган экан.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов органига юборилди.

*Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*